Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

А.САДУЛЛАЕВ, Г.ХУДОЙБЕРГАНОВ, А.ВОРИСОВ, Ҳ.МАНСУРОВ, Б.ШОИМҚУЛОВ, Т.ТУЙЧИЕВ, Н.СУЛТОНОВ

МАТЕМАТИК АНАЛИЗДАН

МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

I - ҚИСМ

Академик А.Садуллаев таҳрири остида

ТОШКЕНТ - 2008

А.САДУЛЛАЕВ, Г.ХУДОЙБЕРГАНОВ, А.ВОРИСОВ,
Ҳ.МАНСУРОВ, Б.ШОИМҚУЛОВ, Т.ТУЙЧИЕВ, Н.СУЛТОНОВ

МАТЕМАТИК АНАЛИЗДАН

МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ

I - ҚИСМ

Академик А.Садуллаев таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги университетларнинг талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ - 2008

МУНДАРИЖА

VI-БОБ. Аниқмас интеграл

VII-БОБ. Аниқ интеграл

VIII БОБ. Аниқ интегралнинг тадбиқлари

IX БОБ.Хосмас интеграллар

Аннотация

Қўлланма университетлар ҳамда педагогика институтлари, шунингдек олий техника ўқув юртларининг олий математика чуқур дастур асосида ўқитиладиган факультетлари талабалари ҳамда ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Қўлланма ўқув адабиёти Давлат таълим стандартининг 5460100 – “математика”, 5440200 – “механика”, 5480100 – “амалий математика ва информатика” ва 5440100 – “физика” бакалавриат таълим йўналишларига мос келади.

Қўлланма дастлабки тушунчалар, сонлар кетма-кетлиги ва унинг лимити, функция ва унинг лимити, функциянинг узлуксизлиги ва текис узлуксизлиги, функциянинг ҳосиласи ва дифференциали, дифференциал ҳисобнинг асосий теоремалари ва татбиқлари, аниқмас ва аниқ интеграллар, аниқ интегралнинг татбиқлари, сонли қаторлар мавзуларини ўз ичига олади. Қўлланмада 2627 та мисол ва масалалар келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти батафсил ечим ва кўрсатмалар билан таъминланган.

Сўз боши

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш муҳимдир. Натижада Давлат таълим стандартлари ва ҳозирги замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган дарсликларга, ўқув қўлланмаларига эҳтиёж туғилди.

Айни пайтда, ўқиш жараёнида назарий билимлар асосида амалий масалаларни ҳал этишга катта ўрин берилиши, бошқа предметлар сингари математик анализ курси бўйича ҳам машқ ва масалалар тўплами ўқув қўлланмаси ёзилишининг заруриятини юзага келтирди.

Муаллифлар ўзларининг кўп йиллик тажрибаларига таяниб мазкур "Математик анализ курсидан масалалар тўплами" ўқув қўлланмасини ёздилар. Бу ўқув қўлланмасида келтирилган мавзулар ва улар учун тузилган ва тўпланган мисол ва масалалар ҳозирда мақулланган дастур бўйича бўлишига аҳамият берилди. Шунингдек қўлланмада машқ ва масалаларнинг жойлашиш тартибига ҳам эътибор қаратилди. Бунда "соддадан мураккабга қараб" қоидасига амал қилинди.

Ҳар бир параграф бошида қисқача назарий маълумотлар (таърифлр, тасдиқлар, формулалар) келтирилиб, намуна сифатида бир нечта мисоллар ечиб кўрсатилди. Бу ҳол талабаларга мисол ва масалаларни мустақил ечишга ёрдам бериши билан бирга ўқитувчиларга ҳам фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

Китобнинг бу қисмига дастлабки тушунчалар, сонлар кетма-кетлиги ва унинг лимити, функция ва унинг лимити, функциянинг узлуксизлиги ва текис узлуксизлиги, функциянинг ҳосиласи ва дифференциали, дифференциал ҳисобнинг асосий теоремалари ва татбиқлари, аниқмас ва аниқ интеграллар, аниқ интегралнинг татбиқлари, сонли қаторлар мавзулари киритилган.

Мазкур қўлланмани ёзишда муаллифлар 1993 йили "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Математик анализ курсидан мисол ва масалалар тўплами" дан ҳам фойдаландилар.

Ўқув қўлланма университетлар ва педагогика институтлари талабалари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўқув адабиёти Давлат таълим стандартининг 5460100 – “математика”, 5440200 – “механика”, 5480100 – “амалий математика ва информатика” ва 5440100 – “физика” бакалавриат таълим йўналишларига мос келади. Қўлланмадан шунингдек олий техника ўқув юртларининг “Олий математика” курси чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиладиган факультетлари талабалари ҳамда ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

I-БОБ.

Кириш

1-§. Математик индукция усули

Натурал **n** сонга боғлиқ бирор Φ_n фикр, мулоҳазани (исботланиши керак бўлган тасдиқни):

1) $n=1$ бўлганда (баъзан $n=n_0, n_0>1$ бўлганда) Φ_n нинг ўринли бўлиши кўрсатилса,

2) $n=k$ бўлганда бу Φ_n ни ўринли деб фараз қилиниб,

3) $n=k+1$ учун Φ_n нинг ўринли бўлиши исботланса, у ҳолда Φ_n фикр барча n лар учун ўринли бўлади. Фикрни шу йўл билан исботлаш **математик индукция усули** билан исботлаш дейилади.

1 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\left(1-\frac{1}{2^2}\right)\left(1-\frac{1}{3^2}\right)\ldots\left(1-\frac{1}{n^2}\right)=\frac{1}{2}\cdot\frac{n+1}{n} \qquad (n\geq 2) \qquad \textit{(1)}$$

тенглик исботлансин.

◄(1) тенглик Φ_n фикрни ифодаласин. Бу фикр $n=2$ бўлганда (Φ_2 фикр) ўринли бўлади, чунки

$$1-\frac{1}{2^2}=1-\frac{1}{4}=\frac{3}{4}=\frac{1}{2}\cdot\frac{3}{2}.$$

$n=k$ бўлганда Φ_n фикр (яъни Φ_k) ўринли бўлсин деб фараз қиламиз:

$$\left(1-\frac{1}{2^2}\right)\left(1-\frac{1}{3^2}\right)\ldots\left(1-\frac{1}{k^2}\right)=\frac{1}{2}\cdot\frac{k+1}{k}.$$

Энди Φ_n фикрни $n=k+1$ учун (яъни Φ_{k+1} ни) ўринли бўлишини кўрсатамиз:

$$\left(1-\frac{1}{2^2}\right)\left(1-\frac{1}{3^2}\right)\ldots\left(1-\frac{1}{k^2}\right)\left(1-\frac{1}{(k+1)^2}\right)=\frac{1}{2}\cdot\frac{k+1}{k}\cdot\left(1-\frac{1}{(k+1)^2}\right)=$$

$$=\frac{1}{2}\cdot\frac{k+1}{k}\cdot\frac{k\cdot(k+2)}{(k+1)^2}=\frac{1}{2}\cdot\frac{(k+1)+1}{k+1}.$$

Демак, (1) тенглик барча n $(n\geq 2)$ лар учун ўринли бўлади.►

2 – м и с о л . ***Қавариқ*** n ***бурчакли кўпбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси***

$$S_n=\alpha_1+\alpha_2+\ldots+\alpha_n=2(n-2)\cdot d \qquad (n\geq 3) \qquad \textit{(2)}$$

бўлиши исботлансин, бунда d ***- тўғри бурчак.***

◄Маълумки, $n=3$ бўлганда кўпбурчак учбурчакка айланиб, унинг ички бурчаклари йиғиндиси $2d$ га тенг.

Демак, $n=3$ да

$$S_3=\alpha_1+\alpha_2+\alpha_3=2d=2(3-2)\cdot d$$

бўлиб, (2) тенглик ўринли.

Айтайлик, n бурчакли кўпбурчакнинг учлари

$$A_1, A_2, \ldots, A_n$$

бўлсин. Бу кўпбурчакнинг A_1 ва A_{n-1} учларини тўғри чизиқ кесмаси билан бирлаштириб, берилган n бурчакли кўпбурчакни учлари $A_1, A_2, ..., A_{n-1}$ да бўлган $(n-1)$ бурчакли кўпбурчак ва учлари $A_1 A_{n-1} A_n$ бўлган учбурчакларга ажратамиз *(1-чизма)*.



1-чизма.

Равшанки,

$$\beta_1 + \beta_2 + \alpha_n = 2d.$$

Учлари $A_1 A_2 ... A_{n-1}$ нуқталарда бўлган $(n-1)$ бурчакли кўпбурчак учун (2) формула ўринли бўлсин деб фараз қилайлик:

$$(\alpha_1 - \beta_1) + \alpha_2 + \alpha_3 + ... + \alpha_{n-2} + (\alpha_{n+1} - \beta_2) =$$
$$= 2[(n-1) - 2]d = 2(n-3)d.$$

Энди n бурчакли кўпбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси учун (2) тенгликнинг ўринли бўлишиникўрсатамиз:

$$\alpha_1 + \alpha_2 + ... + \alpha_n = (\alpha_1 - \beta_1) + \alpha_2 + ... + \alpha_{n-2} + (\alpha_{n-1} - \beta_2) +$$
$$+ \beta_1 + \beta_2 + \alpha_n = 2(n-3)d + 2d = 2(n-2)d.$$

Демак, (2) тенглик барча n $(n \geq 3)$ лар учун ўринли.►

Математик индукция усулидан фойдаланиб, қуйидаги тенгликларнинг ихтиёрий натурал сон *n* учун ўринли бўлиши исботлансин:

1. $1 + 2 + 3 + 5 + ... + (2n-1) = n^2$.

2. $1^2 + 2^2 + ... + n^2 = \dfrac{n(n+1)(2n+1)}{6}$.

3. $1 \cdot 2 + 2 \cdot 3 + 3 \cdot 4 + ... + n(n+1) = \dfrac{n(n+1)(n+2)}{3}$.

4. $\dfrac{1}{1\cdot 5}+\dfrac{1}{5\cdot 9}+\dfrac{1}{9\cdot 13}+...+\dfrac{1}{(4n-3)(4n+1)}=\dfrac{n}{4n+1}$.

5. $1^2+3^2+5^2+...+(2n-1)\cdot 2=\dfrac{n(2n-1)(2n+1)}{3}$.

6. $1-2^2+3^2-4^2+...+(-1)^n\cdot n^2=(-1)^{n-1}\cdot\dfrac{n(n+1)}{2}$.

7. $1-\dfrac{1}{2}+\dfrac{1}{3}-\dfrac{1}{4}+...-\dfrac{1}{2n}=\dfrac{1}{n+1}+\dfrac{1}{n+2}+...+\dfrac{1}{2n}$.

8. $1\cdot 2\cdot 3+2\cdot 3\cdot 4+3\cdot 4\cdot 5+...+n(n+1)(n+2)=\dfrac{n}{4}(n+1)(n+2)(n+3)$.

9. $\dfrac{1^2}{1\cdot 3}+\dfrac{2^2}{3\cdot 5}+...+\dfrac{n^2}{(2n-1)(2n+1)}=\dfrac{n(n+1)}{2(2n+1)}$.

10. $\left(1-\dfrac{1}{4}\right)\left(1-\dfrac{1}{9}\right)...\left(1-\dfrac{1}{(n+1)^2}\right)=\dfrac{n+2}{2n+2}$.

Математик индукция усулидан фойдаланиб, қуйидаги йиғиндилар ҳисоблансин:

11. $1+2+3+...+n$.

12. $1^3+2^3+...+n^3$.

13. $\dfrac{1}{1\cdot 3}+\dfrac{1}{3\cdot 5}+...+\dfrac{1}{(2n-1)(2n+1)}$.

14. $1\cdot 2+2\cdot 5+3\cdot 8+...+n(3n-1)$.

15. $\dfrac{1}{2}+\dfrac{3}{2^2}+\dfrac{5}{2^3}+...+\dfrac{2n-1}{2^n}$.

16. $\dfrac{1}{1\cdot 2\cdot 3}+\dfrac{1}{2\cdot 3\cdot 4}+...+\dfrac{1}{n(n+1)(n+2)}$.

17. $1\cdot 1!+2\cdot 2!+3\cdot 3!+...+n\cdot n!$

18. $arctg\dfrac{1}{2}+arctg\dfrac{1}{8}+...+arctg\dfrac{1}{2n^2}$

Тенгсизликлар исботлансин.

19. $\sqrt{n} \le 1 + \frac{1}{\sqrt{2}} + \frac{1}{\sqrt{3}} + ... + \frac{1}{\sqrt{n}} < 2\sqrt{n}$.

20. $(1+\alpha)^n \ge 1 + n \cdot \alpha$ $\qquad (\alpha > -1, \;\; n > 1)$.

21. $\frac{1}{n+1} + \frac{1}{n+2} + ... + \frac{1}{2n} > \frac{1}{2}$.

22. $\frac{1}{2^2} + \frac{1}{3^2} + ... + \frac{1}{n^2} < 1$ $\qquad (n > 1)$.

23. $n! > \left(\frac{n}{3}\right)^n$.

24. $n^{n+1} > (n+1)^n$ $\qquad (n \ge 3)$.

25. $2 \le \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n < 3$.

26. $\underbrace{\sqrt{c + \sqrt{c + ... + \sqrt{c}}}}_{n \text{ та илдиз}} < \sqrt{c} + 1$ $\qquad (c > 0)$.

27. $tgn\alpha > ntg\alpha$ $\qquad (n \ge 2)$.

28. $lg(n+1) > \frac{1}{n}(lg1 + \lg 2 + ... + \lg n)$.

Тенгликлар исботлансин:

29. $\frac{1}{2} + \cos x + \cos 2x + ... + \cos nx = \frac{\sin \frac{2n+1}{2} x}{2 \sin \frac{x}{2}}$.

30. $\cos\frac{\alpha}{2} \cdot \cos\frac{\alpha}{4} \cdot \cos\frac{\alpha}{8} ... \cos\frac{\alpha}{2^n} = \frac{\sin\alpha}{2^n \sin\frac{\alpha}{2^n}}$.

31. $\cos\alpha \cdot \cos 2\alpha \cdot \cos 2^2 \alpha \cdot ... \cdot \cos 2^n \alpha = \frac{\sin 2^{n+1}\alpha}{2^{n+1} \sin\alpha}$.

32. $\sin x+\sin 2x+...+\sin nx=\dfrac{\sin\frac{n+1}{2}x}{\sin\frac{x}{2}}\sin\frac{nx}{2}$.

33. $\frac{1}{2}tg\frac{x}{2}+\frac{1}{2^2}tg\frac{x}{2^2}+...+\frac{1}{2^n}tg\frac{x}{2^n}=\frac{1}{2^n}ctg\frac{x}{2^n}-ctgx \qquad (x\neq n\pi)$.

34. $tg\alpha\cdot tg2\alpha+tg2\alpha\cdot tg3\alpha+...+tg(n-1)\alpha\cdot tgn\alpha=\dfrac{tgn\alpha}{tg\alpha}-n$.

2-§. Тўплам. Ҳақиқий сонлар ва уларнинг тўплами

1^0. Математик белгилар. Математикада тез-тез учраб турадиган сўз бирикмалари ўрнига махсус белгилар ишлатилади. Биз қуйида улардан фойдаланамиз:

$\in$ - тегишлилик белгиси;

$\overline{\in}$ - тегишли эмаслик белгиси;

$\subset$ -қисм белгиси;

$\forall$ -умумийлик квантори белгиси (“ҳар қандай”, “ихтиёрий”, “барчаси учун” сўзлари ва сўз бирикмалари ўрнида ишлатилади);

$\exists$ - мавжудлик квантори белгиси (“мавжудки”, “топиладики” сўзлари ўрнида ишлатилади);

$\Rightarrow$ - импликация белгиси (агар … бўлса, у ҳолда ... бўлади ибораси ўрнида ишлатилади);

$\Leftrightarrow$ - эквивалентлик белгиси;

$\bigcup$ - йиғинди (бирлашма) белгиси;

$\bigcap$ - кўпайтма (кесишма) белгиси;

$\diagdown$ - айирма белгиси.

2^0. Тўплам. Одатда тўпламлар бош ҳарфлар билан уларнинг элементлари кичик ҳарфлар билан белгиланади. A ва B тўпламлар берилган бўлсин.

1. $\forall a\in A\Rightarrow \quad a\in B$ бўлиши A тўплам B нинг **қисми** эканини билдиради: $A\subset B$.

2. $A\subset B,\ B\subset A$ бўлиши A ва B тўпламларнинг **тенглигини** ифодалайди: $A=B$.

3. A **ва** B тўпламлар **йиғиндиси** ($A\bigcup B$) қуйидагини

$$a\in A\bigcup B\Rightarrow a\in A, \text{ ёки } a\in B, \text{ ёки } a\in A, a\in B$$

англатади.

4. A **ва** B тўпламлар **кўпайтмаси** $(A\bigcap B)$ қуйидагини

$$a\in A\bigcap B \ \Rightarrow\ a\in A,\ a\in B$$

билдиради.

5. A тўпламдан B тўпламнинг **айирмаси** $(A\diagdown B)$ қуйидагини

$$a\in A\diagdown B \ \Rightarrow\ a\in A,\ a\overline{\in} B$$

англатади.

3 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right)=\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right)$$

тенглик исботлансин.

◄ $a\in\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right)$ бўлсин. У ҳолда

$$a\in A\setminus B \;\Rightarrow\; a\in A,\, a\overline{\in} B$$

ёки

$$a\in B\setminus A \;\Rightarrow\; a\in B,\, a\overline{\in} A$$

бўлиб, булардан $a\in A\bigcup B$, $a\overline{\in} A\bigcap B$ бўлиши келиб чиқади.

Демак, $a\in\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right)$ ва

$$\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right)\subset\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right) \qquad (3)$$

бўлади.

$a\in\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right)$ бўлсин. У ҳолда

$$a\in\left(A\bigcup B\right) \;\Rightarrow\; a\in A, \text{ ёки } a\in B,$$

$$a\overline{\in} A\bigcap B\Rightarrow a\overline{\in} A,\, a\overline{\in} B, \text{ ёки } a\in A, a\overline{\in} B \text{ ёки } a\overline{\in} A, a\in B$$

бўлиб, булардан $a\in A\setminus B$ ёки $a\in B\setminus A$ бўлиши келиб чиқади.

Демак, $a\in\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right)$ ва

$$\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right)\subset\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right) \qquad \mathbf{(4)}$$

бўлади. (3) ва (4) муносабатлардан топамиз:

$$\left(A\setminus B\right)\bigcup\left(B\setminus A\right)=\left(A\bigcup B\right)\setminus\left(A\bigcap B\right).►$$

3^0. Ҳақиқий сонлар ва уларнинг тўплами. Маълумки, N - барча натурал сонлар тўпламини, Z - барча бутун сонлар тўпламини, Q - барча рационал сонлар тўпламини ифодалайди:

$$N=\{1,2,3,...n,...\},$$

$$Z=\{...,-2,-1,0,1,2,...\},$$

$$Q=\left\{r: r=\frac{p}{q},\;\; p\in Z,\;\; q=N\right\}.$$

Чексиз даврий бўлмаган ўнли каср билан ифодаланадиган сон иррационал сон дейилади. Уни $\frac{p}{q}$ $\left(p\in Z,\;\; q\in N\right)$ кўринишида ёзиб бўлмайди.

Рационал ва иррационал сонлар умумий ном билан ҳақиқий сон дейилади. Барча ҳақиқий сонлар тўплами R ҳарфи билан белгиланади.

Айтайлик, $E=\{x\}$ бирор ҳақиқий сонлар тўплами бўлсин: $E\subset R$ Агар

$$\exists M\in R, \forall x\in E: x\le M$$

$$\left(\exists m\in R, \forall x\in E: x\ge m\right)$$

бўлса, E тўплам **юқоридан (қуйидан)** чегараланган дейилади. Агар E тўплам ҳам юқоридан, ҳам қуйидан чегараланган бўлса, E **чегараланган тўплам** дейилади.

Агар

$$1)\quad \forall x \in E \ : \ x \le \alpha \ ;$$
$$2)\quad \forall \varepsilon > 0,\ \exists x_0 \in E \ : \ x_0 > \alpha - \varepsilon$$

бўлса,

$$\alpha = \sup\ E = \sup\{x\}$$

сон E тўпламнинг **аниқ юқори** чегараси дейилади.

Агар

$$1)\quad \forall x \in E \ : \ x \ge \beta \ ;$$
$$2)\quad \forall \varepsilon > 0,\ \exists x_0 \in E \ : \ x_0 < \beta + \varepsilon$$

бўлса,

$$\beta = \inf\ E = \inf\{x\}$$

сон E тўпламнинг **аниқ қуйи** чегараси дейилади.

4 – м и с о л . ***Ушбу***

$$E = \left\{ x = \frac{n^2}{n^2+4} : n \in N \right\}$$

тўпламнинг аниқ юқори ҳамда аниқ қуйи чегараси топилсин.

◄ Равшанки, $\forall n \in N$ учун

$$0 < \frac{n^2}{n^2+4} < 1 \qquad (5)$$

бўлади. Демак, берилган тўплам чегараланган.

(5) муносабатдан $\forall x \in E$ учун

$$x = \frac{n^2}{n^2+4} \le 1$$

бўлиши келиб чиқади.

$\forall \varepsilon > 0$ сонни $(0 < \varepsilon < 1)$ олиб, E тўпламда, унинг

$$x_0 = \frac{n^2}{n^2+4}, \quad n > \sqrt{\frac{4(1-\varepsilon)}{\varepsilon}}$$

элементи қаралса, унинг учун

$$\frac{n^2}{n^2+4} > 1 - \varepsilon \qquad (6)$$

тенгсизлик бажарилади (чунки

$$\frac{n^2}{n^2+4} > 1-\varepsilon \Rightarrow n^2 > n^2 + 4 - n^2\varepsilon - 4\varepsilon \Rightarrow n^2\varepsilon > 4(1-\varepsilon) \Rightarrow$$
$$\Rightarrow n^2 > \frac{4(1-\varepsilon)}{\varepsilon} \Rightarrow n > \sqrt{\frac{4(1-\varepsilon)}{\varepsilon}})$$

(5) ва (6) муносабатлардан топамиз:

$$SupE = Sup\left\{ x = \frac{n^2}{n^2+4} : n \in N \right\} = 1.$$

Худди шунга ўхшаш

$$\inf\ E = \inf\left\{ x = \frac{n^2}{n^2+4} : n \in N \right\} = 0$$

бўлиши кўрсатилади.►

Ихтиёрий A,B,C,D тўпламлар учун қуйидаги муносабатлар исботлансин.

35. $(A\cup B)\cup C=A\cup(B\cup C)$.

36. $(A\cap B)\cap C=A\cap(B\cap C)$.

37. $(A\cup B)\cap C=(A\cap C)\cup(B\cap C)$.

38. $(A\setminus B)\cap C=(A\cap C)\setminus(B\cap C)$.

39. $(A\setminus B)\setminus C=(A\setminus C)\setminus(B\setminus C)$.

40. $(A\setminus B)\cup(B\setminus C)\cup(C\setminus A)\cup(A\cap B\cap C)=A\cup B\cup C$.

41. $(A\cap C)\cup(B\cap D)\subset(A\cup B)\cap(C\cup D)$.

42. $(B\setminus C)\setminus(B\setminus A)\subset A\setminus C$.

43. $A\setminus(B\cup C)=(A\setminus B)\setminus C$.

44. $(A\cup B)\setminus C\subset A\cup(B\setminus C)$.

45. $(A\cup C)\setminus B\subset(A\setminus B)\cup C$.

46. $A\cap B\subset A\subset A\cup B$.

47. $A\cap(A\cup B)=A$.

48. Агар $A\setminus B=C$ бўлса, $A=B\cup C$ нинг ўринли бўлиши келиб чиқадими?

49. Агар $A=B\cup C$ бўлса, $A\setminus B=C$ нинг ўринли бўлиши келиб чиқадими?

50. $(A\cup B)\setminus(A\cup C)\subset A\cup(B\setminus C)$.

51. $(A\cap B)\setminus C=(A\setminus C)\cap(B\setminus C)$.

52. $A\setminus(B\cup C)\subset(A\setminus B)\cup(A\setminus C)$.

53. Агар A ва B чекли тўпламлар бўлиб, уларнинг элементлари сони мос равишда $n(A)$, $n(B)$ бўлса,

$$n(A\cup B)=n(A)+n(B)-n(A\cap B)$$

бўлиши исботлансин.

54. Агар A чекли тўплам бўлиб, унинг элементлари сони m га тенг бўлса, бу тўпламнинг барча қисмий тўпламлари тўпламининг элементлари сони 2^m та бўлиши исботлансин.

55. Квадрати 3 га тенг бўлган рационал соннинг мавжуд эмаслиги исботлансин.

56. Агар r - рационал сон, α - иррационал сон бўлса, $\alpha + r$ нинг иррационал сон бўлиши исботлансин.

57. Агар α ва β иррационал сон бўлса, $\alpha+\beta$, $\alpha-\beta$ сонлар иррационал бўладими?

58. Агар α ва β иррационал сон бўлиб, $\alpha+\beta$ эса рационал сон бўлса, $\alpha-\beta$ ва $\alpha+2\beta$ сонларнинг иррационал бўлиши исботлансин.

59. Ушбу

$$\alpha = \sqrt{1+\sqrt{2+\ldots+\sqrt{n}}} \qquad (n\in N,\ n\geq 2)$$

соннинг иррационал бўлиши исботлансин.

60. Ушбу

$$\log 2,\ \ \log_2 3$$

сонларнинг иррационал сон бўлиши исботлансин.

Қуйидаги тўпламлар чегараланганликка текширилсин:

61. $E=\left\{x=1-n^2-6n:\ \ n\in N\right\}.$

62. $E=\left\{x=\dfrac{n}{1+n^2}:\ \ n\in N\right\}.$

63. $E=\left\{x=\dfrac{(-1)^n\cdot n+10}{\sqrt{n^2+1}}:\ \ n\in N\right\}.$

64. $E=\left\{x=\dfrac{n}{a^n}:\ \ n\in N,\ \ a>1\right\}.$

65. $E=\left\{x=\left[1+(-1)^n\right]\cdot n+\dfrac{1-(-1)^n}{n}:\ \ n\in N\right\}.$

66. Ушбу

$$E\left\{x=\frac{1}{n}:\quad n\in N\right\}$$

тўпламнинг аниқ юқори ҳамда аниқ қуйи чегаралари топилсин.

67. Ушбу

$$E=\left\{x=1+\frac{(-1)^n}{n}:\quad n\in N\right\}$$

тўпламнинг аниқ юқори ва аниқ қуйи чегаралари топилсин.

68. $E\subset R$ тўплам учун $SupE$ ва $\inf E$ лар мавжуд бўлиб,

$$SupE=\inf E$$

бўлса, E тўплам тўғрисида нима дейиш мумкин.

69. Агар $E\subset R$, $F\subset E$ тўпламлар учун:

1) $\forall x\in E,\forall y\in F: x\le y,$

2) $\forall\varepsilon>0,\exists x_0\in E,\exists y_0\in F: y_0-x_0<\varepsilon$

бўлса, у ҳолда

$$SupE=\inf F$$

бўлиши исботлансин.

70. Агар $E\subset R$ тўплам чегараланган бўлиб, $E_1\subset E$ бўлса, у ҳолда

$$SupE_1\le SupE,\quad \inf E_1\ge\inf E$$

бўлиши исботлансин.

71. Агар $E\subset R$ тўплам чегараланган бўлиб, $a\in R$ бўлса, у ҳолда

$$Sup\{a+E\}=a+SupE$$

бўлиши исботлансин.

72. Агар $E\subset R$ тўплам чегараланган бўлиб, $a>0$ бўлса, у ҳолда

$$Sup\{a\cdot E\}=a\cdot SupE$$

бўлиши исботлансин.

73. Айтайлик, чегараланган $\boldsymbol{E=\{x\}\subset R}$ тўплам ҳар бир $\boldsymbol{x}$ элементининг қарама-қаршиси $\boldsymbol{-x}$ лардан тузилган тўплам $\boldsymbol{F}$ бўлсин: $\boldsymbol{F=\{-x: x\in E\}}$. У ҳолда

$$\boldsymbol{SupF=-\inf E,\quad \inf F=-SupE}$$

бўлиши исботлансин.

74. Айтайлик, $\boldsymbol{E=\{x\}\subset R}$, $\boldsymbol{F=\{y\}\subset R}$ чегараланган тўпламлар бўлиб, $\boldsymbol{E+F=\{x+y: x\in E, y\in F\}}$ бўлсин. У ҳолда

$$\boldsymbol{Sup(E+F)=SupE+SupF,}$$

$$\boldsymbol{\inf(E+F)=\inf E+\inf F}$$

бўлиши исботлансин.

75. Айтайлик, $\boldsymbol{E=\{x\}\subset R, F=\{y\}\subset R}$ чегараланган тўпламлар бўлиб, $\boldsymbol{E-F=\{x-y: x\in E, y\in F\}}$ бўлсин. У ҳолда

$$\boldsymbol{Sup(E-F)=SupE-\inf F}$$

бўлиши исботлансин

76. Ушбу $\boldsymbol{E_+=\{x: x>0\}}$, $\boldsymbol{F_+=\{y: y>0\}}$ тўпламлар ёрдамида тузилган $\boldsymbol{E_+\cdot F_+=\{x\cdot y: x\in E_+, y\in F_+\}}$ тўплам учун

$$\boldsymbol{\inf(E_+\cdot F_+)=\inf E_+\cdot\inf F_+,}$$

$$\boldsymbol{Sup(E_+\cdot F_+)=SupE_+\cdot SupF_+}$$

бўлиши исботлансин.

77. Айтайлик, $\boldsymbol{E\subset R}$, $\boldsymbol{F\subset R}$ тўпламлар юқоридан чегараланган бўлсин. Унда

$$\boldsymbol{Sup(E\cup F)=\max(SupE,\ \ SupF)}$$

бўлиши исботлансин.

($\boldsymbol{\max(a,\ \ b)-a}$ ва $\boldsymbol{b}$ ларнинг каттаси)

78. $\boldsymbol{x\in R}$ соннинг абсолют қиймати $\boldsymbol{|x|}$ қуйидагича таърифланади:

$$|x| = \begin{cases} x, & агар \quad x \geq 0 \\ -x, & агар \quad x < 0 \end{cases}$$

Ихтиёрий x ҳақиқий сон учун

$$|x| \geq 0, \qquad |x| = |-x|, \quad -|x| \leq x \leq |x|$$

бўлиши исботлансин.

79. Ихтиёрий x ва y ҳақиқий сонлари учун

1) $|x + y| \leq |x| + |y|$,

2) $||x| - |y|| \leq |x - y|$,

3) $|x \cdot y| = |x| \cdot |y|$

бўлиши исботлансин.

80. Ихтиёрий x ва y ҳақиқий сонлари ушбу

$$|x \cdot y| \leq \frac{1}{2}\left(x^2 + y^2\right)$$

тенгсизликни қаноатлантириши исботлансин.

81. Ушбу

$$E = \{x: \ |x| < a, \ a > 0\},$$

$$F = \{x: \ -a < x < a, \ a > 0\}$$

тўпламларнинг ўзаро тенглиги исботлансин.

82. Ушбу

$$E = \{x: \ |x| > a\},$$

$$F = \{x: \ x > a, \ x < -a\}$$

тўпламларнинг тенглиги исботлансин.

Қуйидаги тенгсизликларнинг ечимлар тўплами топилсин:

83. $|3x - 1| \leq |2x - 1| + |x|$

84. $|x - 2| < 3$

85. $|x + 3| > 2$

86. $|x| < x + 1$

87. $\left|\dfrac{x}{1+x}\right| > \dfrac{x}{x+1}$

88. $\left|x^2-5\right| > 2$

89. $\left|x^2-2x-3\right| > x^2-2x-3$

90. $|x+3|-|x+1| < 2$

91. $\left|x^2-2x\right| > x^2-|2x|$

92. $|x+2|+|x-2| \geq 12$

93. $|x-4|+|x+4| \leq 10$

Қуйидаги тенгламаларнинг ечимлар тўплами топилсин:

94. $|2x+3| = x^2$.

95. $|\sin x| = \sin x + 2$.

96. $\left|\dfrac{x-1}{x+1}\right| = \dfrac{x-1}{x+1}$.

97. $\left|x^2-5x+6\right| = -\left(x^2-5x+6\right)$.

98. $|x| = x^2-6$.

99. $\left|\left(x^2+2x+5\right)+\left(x-5\right)\right| = \left|x^2+2x+5\right|+|x-5|$.

100. $\left|\left(x^4-4\right)-\left(x^2+2\right)\right| = \left|x^4-4\right|-\left|x^2+2\right|$.

II-БОБ.

Функция

1-§. Функция тушунчаси

1^0. Функция, унинг аниқланиш ва ўзгариш тўпламлари (соҳалари). $X \subset R$ ва $Y \subset R$ тўпламлар берилган бўлсин. Агар ҳар бир $x \in X$ сонга бирор f қоидага кўра битта $y \in Y$ сон мос қўйилган бўлса, функция берилган (аниқланган) дейилади ва

$$f: x \to y \quad \text{ёки} \quad y = f(x) \qquad (1)$$

каби белгиланади. Бунда X функциянинг аниқланиш тўплами (соҳаси) дейилиб, x га **функция аргументи**, y га эса x нинг **функцияси** дейилади.

Одатда (1) муносабат маънога эга бўладиган x нинг барча қийматларидан иборат тўпламни топиш билан функциянинг **берилиш соҳаси** аниқланади.

Ушбу

$$Y_f = \{y = f(x) : x \in X\}$$

тўплам $y = f(x)$ функциянинг **қийматлар тўплами** дейилади. Равшанки $Y_f \subset Y$ бўлади.

2^0. Элементар функциялар. Рационал, даражали, кўрсаткичли, логарифмик, тригонометрик ҳамда тескари тригонаметрик функциялар асосий элементар функциялар дейилади.

а) **рационал функция** $y = \dfrac{a_0x^n + a_1x^{n-1} + \ldots + a_{n-1}x + a_n}{b_0x^m + b_1x^{m-1} + \ldots + b_{m-1}x + b_m}$,

(бунда $n \in N, m \in N, a_0, a_1, \ldots, a_n, b_0, b_1, \ldots, b_m \in R$) нинг аниқланиш соҳаси

$X = R \setminus \{x \in R : b_0x^m + b_1x^{m-1} + \ldots + b_{m-1}x + b_m = 0\}$ бўлади.

б) **даражали функция** $y = x^\mu$ (бунда $\mu \in R$) нинг аниқланиш соҳаси μ га боғлиқ бўлади.

в) **кўрсаткичли функция** $y = a^x$ (бунда $a > 0, a \neq 1$) нинг аниқланиш соҳаси $X = R$ бўлади.

г) **логарифмик функция** $y = \log_a x$ (бунда $a > 0, a \neq 1$) нинг аниқланиш соҳаси $X = (0, \ +\infty)$ бўлади.

д) **тригонометрик функциялар** $y = \sin x,\ y = \cos x,\ y = tgx,\ y = ctgx$

нинг аниқланиш соҳалари мос равишда $X = R, \ \ X = R$,

$$X = R \setminus \left\{x \in R : x = (2k+1)\frac{\pi}{2}, \ \ k \in Z\right\}, \ \ X = R \setminus \{x \in R : x = k\pi, k \in Z\}$$

бўлади.

ж) **тескари тригонометрик функциялар**

$$y = \arcsin x, \quad y = \arccos x, \quad y = \mathrm{arctg} x, \quad y = \mathrm{arcctg} x$$

нинг аниқланиш соҳалари мос равишда $X = [-1,+1]$, $X = [-1,+1]$, $X = R$, $X = R$ бўлади.

3^0. **Мураккаб ва тескари функциялар.** $y = f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, Y_f - эса шу функциянинг қийматлар тўплами бўлсин. Энди хар бир $y \in Y_f$ сонга F қоидага кўра битта $u(u \in U \subset R)$ сон мос қўйилсин:

$$f : x \to y, \quad F : y \to u.$$

Натижада ҳар бир $x \in X$ сонга битта $u \in U$ сон мос қўйиб, функция ҳосил бўлади:

$$u = F(y) = F(f(x)).$$

Бу функция **мураккаб функция** дейилади.

Фараз қилайлик, $y = f(x)$ функция X тўпламда аниқланган бўлиб, ихтиёрий $x_1 \in X$, $x_2 \in X$ учун $x_1 \neq x_2 \Rightarrow f(x_1) \neq f(x_2)$ бўлсин. У холда ҳар бир $y \in Y_f$ сон учун ягона $x \in X$ сон топилиб, $f(x) = y$ бўлади. Бундай хосил қилинган функция берилган $f(x)$ га **тескари функция** дейилиб, $x = f^{-1}(y)$ каби белгиланади.

1 – м и с о л . ***Ушбу***

$$y = \sqrt{-x^2 + x + 2} \qquad (2)$$

функциянинг аниқланиш соҳаси ва қийматлари тўплами топилсин.

◀(2) муносабат маънога эга бўлиши учун $-x^2 + x + 2 \geq 0$ бўлиши лозим. Кейинги тенгсизликни ечиб топамиз.

$$-x^2 + x + 2 \geq 0 \Rightarrow x^2 - x - 2 \leq 0 \Rightarrow (x+1)(x-2) \leq 0 \Rightarrow -1 \leq x \leq 2.$$

Демак, берилган функциянинг аниқланиш соҳаси $X = [-1,\ 2]$ бўлади.

Равшанки, $y \geq 0$. Айни пайтда

$$y = \sqrt{-x^2 + x + 2} = \sqrt{-(x - \frac{1}{2})^2 + \frac{9}{4}} \leq \frac{3}{2}$$

бўлгани учун $0 \leq y \leq \frac{3}{2}$ бўлади. Демак, функциянинг қийматлари тўплами

$Y_f = \left[0,\ \frac{3}{2}\right]$ бўлади.▶

2 – м и с о л . ***Агар***

$$f(x) = \mathrm{sign} x = \begin{cases} -1, & \text{агар } x < 0, \\ 0, & \text{агар } x = 0, \\ 1, & \text{агар } x > 0 \end{cases} \qquad \textit{ва} \qquad g(x) = x \cdot (1 - x^2)$$

бўлса, $\mathbf{f(g(x)),\ g(f(x))}$ *лар топилсин.*

$$◄\ f(g(x)) = sign[x(1-x^2)] = \begin{cases} 1, & агар\ x(1-x^2)>0 \\ 0, & агар\ x(1-x^2)=0 \\ -1, & агар\ x(1-x^2)<0 \end{cases} = \begin{cases} 1, & агар\ 0<x<1\ \ ва\ \ x<-1 \\ 0, & агар\ x=0\ \ ва\ \ x=\pm 1 \\ -1, & агар\ x>1\ \ ва\ \ -1<x<0. \end{cases}$$

$\mathbf{g(f(x)) = signx(1-sign^2x) = 0}$.►

Қуйидаги функцияларнинг аниқланиш соҳалари топилсин.

101. $\mathbf{y = x + \frac{1}{x}}$

102. $\mathbf{y = \frac{x}{x^2 - 5x + 6}}$

103. $\mathbf{y = \frac{2}{\sqrt{25 - x^2}}}$

104. $\mathbf{y = \sqrt{2x+1} - \sqrt{x+1}}$

105. $\mathbf{y = \frac{1}{\sqrt{|x| + x}}}$

106. $\mathbf{y = \lg(1 - x^2)}$

107. $\mathbf{y = \lg(4 - x^2)}$

108. $\mathbf{y = \log_2 \log_3 \log_4 x}$

109. $\mathbf{y = \sqrt{9 - x^2} + \log\frac{x+1}{x-2}}$

110. $\mathbf{y = \frac{\sqrt{x}}{\sin \pi x}}$

111. $\mathbf{y = \sqrt{\sin\sqrt{x}}}$

112. $\mathbf{y = \ln\cos x}$.

113. $\mathbf{y = \arccos\frac{2x}{1+x^2}}$

114. $\mathbf{y = \sqrt{\arcsin(\log_2 x)}}$.

115. $\mathbf{y = \sqrt{\arcsin\left(\lg\frac{x}{10}\right)}}$

116. $\mathbf{y = \sqrt{\lg\cos x + 4}}$.

117. $\mathbf{y = \lg(1 - tgx)}$

118. $y = \mathbf{\lg[\cos(\lg x)]}$.

Қуйидаги функцияларнинг қийматлар тўплами топилсин.

119. $\mathbf{y = \frac{x}{1+x^2}}$

120. $\mathbf{y = \frac{x^2 - 5}{2x - 5}}$

121. $\mathbf{y = x + signx}$

122. $\mathbf{y = x + \frac{1}{x}}$ $\mathbf{\{x > 0\}}$

123. $y=\sqrt{\dfrac{9x^2+1}{x}}$

124. $y=\sin x+\cos x$

125. $y=\lg(1-2\cos x)$

126. $y=\left||x|-1\right|-x$

127. $y=\dfrac{x^2+x+2}{x^2-x+2}$

128. $y=x^2-4\cdot|x-1|+1$

129. Агар $f(x)=|x|-x$ бўлса, $f(-1),f(0),f(1),f(-2),f(2)$ лар топилсин.

130. Агар

$$f(x)=\begin{cases} x^2, & \text{агар}\quad 0\le x\le 1 \\ x, & \text{агар}\quad 1<x<2 \end{cases}$$

бўлса, $f(0),f\left(\dfrac{1}{2}\right),f\left(\dfrac{3}{2}\right),f(2)$ лар топилсин.

131. Агар $f(x)=\dfrac{1-x}{1+x}$ бўлса, $f(0),f(-x),f(x+1),f(x)+1,f\left(\dfrac{1}{x}\right),\dfrac{1}{f(x)}$ лар топилсин.

132. Агар $f(x)=[x]+\mathrm{sign}x$ бўлса, $f(0),f\left(\dfrac{3}{2}\right),f\left(-\dfrac{5}{2}\right),f\left(\dfrac{1}{10}\right)$ лар топилсин.

133. Агар $f(x)=x^3+3x-1$ бўлса, $f(a)+f(-a)$ топилсин.

134. Агар $f(x)=ax^2+bx+c$ бўлса, $\dfrac{f(x+h)-f(x)}{h}$ топилсин.

135. $f(x)=ax^3+bx^2+cx+d$ бўлсин. Агар $f(-1)=0,f(0)=2,f(1)=-3,$ $f(2)=5$ бўлса, $f(x)$ топилсин.

136. Агар $f(x)=3^x(a+bx)$ бўлса,

$$f(x+2)-6f(x+1)+9f(x)=0$$

бўлиши исботлансин.

137. Агар $f(u)$ функция (0,1) да аниқланган бўлса,

$$f(\sin x), f(\ln x), f\left(\frac{[x]}{x}\right)$$

функцияларнинг аниқланиш соҳалари топилсин.

138. Агар $\varphi(x)=x^2$, $\psi(x)=\sqrt{x}$ бўлса,

$\varphi(\varphi(x)), \varphi(\psi(x)), \psi(\psi(x)), \psi(\varphi(x))$ лар топилсин.

139. Агар $\varphi(x)=\text{sign}x$, $\psi(x)=\frac{1}{x}$ бўлса, $\varphi(\varphi(x)), \psi(\psi(x)), \varphi(\psi(x)), \psi(\varphi(x))$ лар топилсин.

140. Агар $\varphi(x)=\text{sign}x$, $\psi(x)=1+x^2$ бўлса, $\varphi(\psi(x)), \psi(\varphi(x))$ лар топилсин.

141. Агар $f(x)=\sqrt{1-x^2}, x=1+\sin^2 \pi t=\varphi(t)$ бўлса, $f(\varphi(t))$ функциянинг аниқланиш соҳаси топилсин.

142. Агар $\varphi(x)=\ln x^2, \psi(x)=\sin x$ бўлса, $\varphi(\psi(x)), \psi(\varphi(x))$ функциялар ва уларнинг аниқланиш соҳалари топилсин.

143. Агар $f\left(\frac{1}{x}\right)=x^2+1$ бўлса, $f(x)$ топилсин.

144. Агар $f\left(\frac{x-1}{x+1}\right)=x$ бўлса, $f(x)$ топилсин.

145. Агар $f\left(\frac{x}{x+1}\right)=x^2$ бўлса, $f(x)$ топилсин.

146. Агар $f(x)=\frac{x}{\sqrt{1+x^2}}$ бўлса, $f_n(x)=\underbrace{f(f(\ldots f(x)))}_{n\ \text{та}}$ функция топилсин.

147. Агар $f(x)=\frac{1}{1-x}$ бўлса, $f(f(f(x)))=x$ тенглик x нинг қандай қийматларида ўринли бўлади?

148. Агар $\forall x \in R$ да

$$P_n(x) = a_0 + a_1x + a_2x^2 + \ldots + a_nx^n$$

кўпхад нолга тенг бўлса, у ҳолда кўпхаднинг барча коэффицентлари нолга тенг бўлишини исботлансин.

Қуйидаги функцияларга нисбатан тескари бўлган функциялар топилсин.

149. $f(x) = \dfrac{4-x}{4+x}$

150. $f(x) = x^2 + 1,\ -\infty < x \le 0$

151. $f(x) = 2x + x^2,\ -\infty < x \le 1$

152. $f(x) = -e^{\frac{1-x^2}{2}},\ 0 \le x < +\infty$

153. $f(x) = \sqrt[3]{1-x^3}$

154. $f(x) = \lg\dfrac{x}{2}$

155. $f(x) = \mathrm{arcctg}\,3x$

156. $f(x) = \begin{cases} x, & \text{агар} \quad x \le 0 \\ x^2, & \text{агар} \quad x > 0 \end{cases}$

2-§. Маълум хусусиятли функциялар

1^0. **Чегараланган функциялар.** $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлсин. Агар шундай $M \in R$ топилсаки, X тўпламдан олинган ихтиёрий x учун

$$f(x) \le M$$

тенгсизлик бажарилса, яъни

$$\exists M \in R,\ \ \forall x \in X:\ \ f(x) \le M$$

бўлса, $f(x)$ функция X да **юқоридан чегараланган** дейилади.

Агар $\exists m \in R,\ \forall x \in X:\ f(x) \ge m$ бўлса, $f(x)$ функция X да **қуйидан чегараланган** дейилади.

Агар $f(x)$ функция X тўпламда ҳам юқоридан, ҳам қуйидан чегараланган бўлса, яъни $\exists C \in R_+ = (0, +\infty),\ \ \forall x \in X: |f(x)| \le C$ бўлса, $f(x)$ функция X да **чегараланган** дейилади.

2^0. **Ўсувчи ва камаювчи функциялар.** $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлсин.

$\mathbf{x_1 < x_2}$ *тенгсизликни каноатлантирувчи* $\forall \mathbf{x_1} \in \mathbf{X}$, $\forall x_2 \in X$ *лар учун* $f(x_1) \le f(x_2)$ $(f(x_1) < f(x_2))$ бўлса, $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ да **ўсувчи (қатъий ўсувчи)** дейилади;

$\mathbf{x_1 < x_2}$ *тенгсизликни каноатлантирувчи* $\forall \mathbf{x_1} \in \mathbf{X}$, $\forall x_2 \in X$ *лар учун* $f(x_1) \ge f(x_2)$ $(f(x_1) > f(x_2))$ бўлса, $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ да **камаювчи (қатъий камаювчи)** дейилади.

Ўсувчи ва камаювчи функциялар умумий ном билан **монотон функциялар** дейилади.

3^0. Жуфт, тоқ ва даврий функциялар. $\mathbf{X}$ бирор хақиқий сонлар тўплами бўлсин. Агар $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ учун $-\mathbf{x} \in \mathbf{X}$ бўлса, $\mathbf{X}$ тўплам **0 нуқтага нисбатан симметрик** бўлган тўплам дейилади. 0 нуқтага нисбатан симметрик бўлган $\mathbf{X} \subset \mathbf{R}$ тўпламда $\mathbf{f(x)}$ функция аниқланган бўлсин.

Агар $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ учун

$$\mathbf{f(-x) = f(x)}$$

бўлса, $\mathbf{f(x)}$ **жуфт функция** дейилади.

Агар $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ учун

$$\mathbf{f(-x) = -f(x)}$$

бўлса, $\mathbf{f(x)}$ **тоқ функция** дейилади.

Агар шундай $\mathbf{T} \in \mathbf{R}$ $(\mathbf{T} \neq \mathbf{0})$ сон мавжуд бўлсаки, $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ учун

$$1)\ \mathbf{x - T \in X, \quad x + T \in X}$$
$$2)\ \mathbf{f(x + T) = f(x)}$$

бўлса, $\mathbf{f(x)}$ **даврий функция**, $\mathbf{T}$ сонга эса унинг **даври** дейилади.

3 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathbf{f(x) = \frac{1 + x^2}{1 + x^4}}$$

функциянинг чегараланганлиги исботлансин.

◄Бу функция $\mathbf{X = (-\infty, +\infty)}$ да аниқланган бўлиб, $\forall x \in X$ да $\mathbf{f(x) > 0}$ бўлади. Демак берилган функция қуйидан чегараланган. Энди $\mathbf{f(x)}$ функцияни юқоридан чегараланганлигини кўрсатамиз. Равшанки,

$$\mathbf{(1 - x^2)^2 \ge 0}.$$

Бу тенгсизликдан $\mathbf{1 + x^4 \ge 2x^2}$ яъни $\mathbf{\frac{x^2}{1 + x^4} \le \frac{1}{2}}$ бўлиши келиб чиқади. Натижада $\mathbf{f(x) = \frac{1 + x^2}{1 + x^4} = \frac{1}{1 + x^4} + \frac{x^2}{1 + x^4} < 1 + \frac{1}{2} = \frac{3}{2}}$ бўлиб, $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ да $\mathbf{0 < \frac{1 + x^2}{1 + x^4} < \frac{3}{2}}$ бўлади.►

4 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathbf{f(x) = \frac{x}{1 + x^2}}$$

функциянинг $\mathbf{X=[1,+\infty)}$ ***тўпламда камаювчи бўлиши исботлансин.***

◄ $\forall\, \mathbf{x_1, x_2 \in X = [1,+\infty)}$ ва $\mathbf{x_1 < x_2}$ бўлсин. Унда

$$\mathbf{f(x_1)-f(x_2)=\frac{x_1}{1+x_1^2}-\frac{x_2}{1+x_2^2}=\frac{x_1+x_1\cdot x_2^2-x_2-x_2\cdot x_1^2}{(1+x_1^2)(1+x_2^2)}}$$

$$\mathbf{=\frac{x_1-x_2+x_1\cdot x_2(x_2-x_1)}{(1+x_1^2)(1+x_2^2)}=\frac{(x_1-x_2)(1-x_1\cdot x_2)}{(1+x_1^2)(1+x_2^2)}}$$

бўлади. Кейинги тенгликдан $\mathbf{x_1-x_2<0,\ 1-x_1\cdot x_2<0}$ бўлишини эътиборга олиб, $\mathbf{f(x_1)-f(x_2)>0}$, яъни $\mathbf{f(x_1)>f(x_2)}$ эканлигини топамиз.

Демак, $\mathbf{x_1<x_2 \Rightarrow f(x_1)>f(x_2)}$.►

5 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathbf{D(x)}=\begin{cases} 1\,,\ \textit{агар}\ \ x\text{ - }\textit{рационал сон бўлса,} \\ 0\,,\ \textit{агар}\ \ x\text{ - }\textit{иррационал сон бўлса} \end{cases}$$

функция даврийликка текширилсин. (D(x) Дирихле функцияси дейилади).

◄Бу функция $\mathbf{X=(-\infty;+\infty)}$ да аниқланган. Ихтиёрий $\mathbf{T(T\neq 0)}$ рационал сон олайлик. Равшанки $\forall \mathbf{x}\in(-\infty;+\infty)$ ва $\mathbf{T}$ учун

$$\mathbf{x+T}=\begin{cases} \textbf{рационал сон, агар x - рационал сон бўлса,} \\ \textbf{иррационал сон, агар x - иррационал сон бўлса} \end{cases}$$

Демак,

$$\mathbf{D(x+T)}=\begin{cases} \textbf{1, агар x - рационал сон бўлса,} \\ \textbf{0, агар x - иррационал сон бўлса} \end{cases}$$

бўлиб,

$$\mathbf{D(x+T)=D(x)}$$

бўлади. Бу эса Дирихли функцияси даврий функция, ихтиёрий $\mathbf{T(T\neq 0)}$ рационал сон унинг даври бўлишини билдиради.

Агар $\mathbf{T}$ иррационал сон, $\mathbf{x}$ эса рационал сон бўлса, равшанки $\mathbf{x+T}$ иррационал сон бўлади ва

$$\mathbf{D(x)=1,\quad D(x+T)=0}$$

Демак, иррационал сон Дирихле функциясининг даври бўлмайди.▶

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган оралиқда чегараланганлиги исботлансин:

157. $f(x)=x^2+2$, $x\in[-1,3]$

158. $f(x)=x^2-x-1$, $x\in[-1,5]$

159. $f(x)=\dfrac{1}{x-10}$, $x\in[0,5]$

160. $f(x)=\dfrac{1}{1+x^2}$, $x\in(-\infty;+\infty)$

170. $f(x)=\dfrac{x^3}{1+x^4}$, $x\in(-\infty;+\infty)$

171. $f(x)=tg^2x$, $x\in\left(-\dfrac{\pi}{4},\dfrac{\pi}{4}\right)$

172. $f(x)=x+\dfrac{1}{x}$, $x\in\left(\dfrac{1}{2},2\right)$

173. $f(x)=\dfrac{\cos x}{1,5-\sin x}$, $x\in R$

174. $f(x)=\dfrac{2\sin x}{1+tg^2x}$, $x\in R$

175. $f(x)=\dfrac{\sin x}{x}$, $x\in R\setminus\{0\}$

$f(x)$ ***функция*** $X\subset R$ ***тўпламда аниқланган бўлсин. Агар***

$$\forall C\in R_+=(0,+\infty),\ \ \exists x\in X: |f(x)|>C$$

бўлса, $\mathbf{f(x)}$ *функция* $\mathbf{X}$ *да чегараланмаган дейилади.*

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган ораликда чегараланмаганлиги исботлансин.

176. $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x^2}}$, $\mathbf{X=[-1,1]\setminus\{0\}}$.

177. $\mathbf{f(x)=|x+2|}$, $\mathbf{X=R}$.

178. $\mathbf{f(x)=\frac{3^x}{x}}$, $\mathbf{X=R}$.

179. $\mathbf{f(x)=x\cdot\sin x}$, $\mathbf{X=R}$.

180. $\mathbf{f(x)=x+\frac{1}{x}}$, $\mathbf{X=R\setminus\{0\}}$.

181. $\mathbf{X\subset R}$ тўпламда аниқланган $\mathbf{f(x)}$ функциянинг юқоридан ҳамда қуйидан чегараланмаганлиги таърифлари келтирилсин.

182. Ихтиёрий функциянинг квадрати қуйидан чегараланганлиги исботлансин.

183. Ушбу $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x}\cdot\sin\frac{1}{x}}$ $\mathbf{(x\neq 0)}$ функция $\mathbf{x=0}$ нуқтанинг ихтиёрий атрофида чегараланмаганлиги исботлансин.

184. Ушбу $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x^2-4}}$ $\mathbf{(-2<x<2)}$ функция қуйидан чегараланмаганлиги исботлансин.

185. Ушбу $\mathbf{f(x)=\sin^2 x+\frac{1}{\cos^2 x}\left(0<x<\frac{\pi}{2}\right)}$ функция юқоридан чегараланмаганлиги исботлансин.

$\mathbf{y = f(x)}$ *функция* $\mathbf{X \subset R}$ *тўпламда аниқланган бўлиб,*

$$\mathbf{Y_f = \{y = f(x) : x \in X\}}$$

эса унинг қийматлар тўплами бўлсин. Бу тўпламнинг аниқ юқори (аниқ қуйи) чегараси $\mathbf{f(x)}$ *функциянинг* $\mathbf{X}$ *тўпламдаги аниқ юқори (аниқ қуйи) чегараси дейилиб, у* $\mathbf{\sup\limits_{X} f(x)}$ $\left(\mathbf{\inf\limits_{X} f(x)}\right)$ *каби белгиланади.*

Агар $\mathbf{X}$ *тўпламда шундай* $\mathbf{x_0}$ *нуқта* $\mathbf{(x_0 \in X)}$ *топилсаки,* $\mathbf{\forall x \in X}$ *учун* $\mathbf{f(x) \le f(x_0)\,(f(x) \ge f(x_0))}$ *тенгсизлик бажарилса* $\mathbf{f(x_0)}$ *– миқдор* $\mathbf{f(x)}$ *функциянинг* $\mathbf{X}$ *тўпламдаги энг катта (энг кичик) қиймати дейилиб, у* $\mathbf{\max\limits_{X} f(x)}$ $\left(\mathbf{\min\limits_{X} f(x)}\right)$ *каби белгиланади.*

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган оралиқда аниқ юқори ва аниқ қуйи чегаралари топилсин.

186. $\mathbf{f(x) = x^2 + \pi,\ -1 \le x \le 2}$.

187. $\mathbf{f(x) = \dfrac{1}{1+x^2},\ -\infty < x < +\infty}$.

188. $\mathbf{f(x) = \dfrac{1}{x^2-4},\ -2 < x < 2}$.

189. $\mathbf{f(x) = \{x\},\ 0 < x < 1}$.

190. $\mathbf{f(x) = \dfrac{x^2}{x^2+1},\ 0 < x < 1}$.

191. $\mathbf{f(x) = a^{\frac{1}{x}}\,(a > 1),\ -\infty < x < 0}$

192. Ушбу

$$\mathbf{\inf\limits_{X}[-f(x)] = -\sup\limits_{X} f(x)}$$

тенглик исботлансин.

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган оралиқда энг катта ва энг кичик қийматлари топилсин.

193. $f(x)=x^2+1,\ -1\le x\le 3$

193. $f(x)=tg^2x,\ -\frac{\pi}{4}\le x\le \frac{\pi}{4}$

194. $f(x)=-x^2-x+2,\ -2\le x\le 1$

195. $f(x)=\frac{x}{x+2},\ -10\le x\le -1$

196. $f(x)=\frac{x^4+4}{x^2},\ 1\le x\le 2$

197. $X\subset R$ тўпламда аниқланган $f(x)$ учун $\max\limits_X f(x)$ ва $\min\limits_X f(x)$ мавжуд бўлса, у ҳолда

$$\sup_X f(x)=\max_X f(x),\quad \inf_X f(x)=\min_X f(x)$$

бўлиши исботлансин.

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган ораликда ўсувчи бўлиши исботлансин.

198. $f(x)=x^2+1,\qquad 0\le x<+\infty$

199. $f(x)=x^3,\qquad -\infty<x<+\infty$

200. $f(x)=x^4+6x^2+1,\qquad 0<x<+\infty$

201. $f(x)=\arcsin x,\qquad -1\le x\le 1$

202. $f(x)=x+\mathrm{arctg}x,\qquad -\infty<x<+\infty$

203. $f(x)=x^3+\arcsin x,\qquad -\infty<x<+\infty$

204. $f(x)=\cos\frac{x^2}{1+x^2},\qquad -\infty<x\le 0$

205. $f(x)=\dfrac{1}{x^2+4x+5}$, $\quad -\infty < x < -2$

206. $f(x)=\dfrac{1}{\cos x}$, $\quad x\in(0,\pi)\setminus\left\{\dfrac{\pi}{2}\right\}$

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган ораликда камаювчи бўлиши исботлансин:

207. $f(x)=1-x^2$, $\quad 0\le x<+\infty$

208. $f(x)=x^2-5x+6$, $\quad -\infty<x<\dfrac{5}{2}$

209. $f(x)=\dfrac{1}{x^3-1}$, $\quad x\ne 1$

210. $f(x)=\sin\left(3x-\dfrac{\pi}{6}\right)$, $\quad -\infty<x<+\infty$

211. $f(x)=\operatorname{arctg}x-x$, $\quad -\infty<x<+\infty$

212. $f(x)=\arccos|x|$, $\quad 0\le x\le 1$

213. $f(x)=x-\sqrt{x^2-1}$, $\quad 1\le x<+\infty$

214. $f(x)=\lg(x^2-6x+10)$, $\quad x\in(-\infty,3)$

215. Агар $f(x)$ функция $X\subset R$ тўпламда монотон бўлса, $-f(x)$ функция ҳам шу тўпламда манотон бўлиши исботлансин.

216. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X \subset R}$ тўпламда монотон бўлиб, $\forall \mathbf{x} \in \mathbf{X}$ да $\mathbf{f(x) > 0}$ бўлса, $\dfrac{\mathbf{1}}{\mathbf{f(x)}}$ функция ҳам шу тўпламда монотон бўлиши исботлансин.

217. Монотон функциялардан тузилган мураккаб функциянинг монотон бўлиши исботлансин.

Қуйидаги функциялар жуфт ёки тоқликка текширилсин:

218. $\mathbf{f(x) = x^5 - 3x^3 + x}$.

219. $\mathbf{f(x) = x^2 - \cos x}$.

220. $\mathbf{f(x) = \dfrac{x^2 - 1}{1 + x^2}}$.

221. $\mathbf{f(x) = x + tgx}$.

222. $\mathbf{f(x) = x^2 \cdot \sin \dfrac{1}{x}}$.

223. $\mathbf{f(x) = \sqrt{1 - x^2}}$.

224. $\mathbf{f(x) = \sqrt{1 + x + x^2} - \sqrt{1 - x + x^2}}$.

225. $\mathbf{f(x) = \dfrac{|\sin x|}{1 - \cos x}}$.

226. $\mathbf{f(x) = \sin x + \cos x}$

227. $\mathbf{f(x) = lg\left(x + \sqrt{1 + x^2}\right)}$.

228. $\mathbf{f(x) = \dfrac{x^3 + \sin x}{1 + x^2}}$ $\mathbf{(-4 \le x \le 4)}$

229. $\mathbf{f(x) = tgx^3 + 4x^9}$.

230. $\mathbf{f(x) = \sqrt{x^2 + 5}}$

231. $\mathbf{f(x) = lg\dfrac{1 + x}{1 - x}}$.

232. $\mathbf{f(x) = x^3 + arctg2x}$.

233. 0 нуқтага нисбатан симметрик бўлган $\mathbf{X \subset R}$ тўпламда $\mathbf{f(x)}$ функция аниқланган. У ҳолда

$$F(x)=\frac{f(x)+f(-x)}{2}$$

функция жуфт,

$$\Phi(x)=\frac{f(x)-f(-x)}{2}$$

функция эса тоқ бўлиши исботлансин.

234. 0 нуқтага нисбатан симметрик бўлган $X \subset R$ тўпламда аниқланган ҳар қандай $f(x)$ функция жуфт ва тоқ функциялар йиғиндиси орқали ифодаланиши исботлансин.

235. Қуйидаги функциялар жуфт ва тоқ функциялар йиғиндиси сифатида ифодалансин.

1) $f(x)=\frac{1}{x^2+x}$

2) $f(x)=x^3$

3) $f(x)=x^2$

4) $f(x)=a^x$

5) $f(x)=(x+1)^3$

6) $f(x)=\frac{1}{x-1}$ $(-1<x<1)$

7) $f(x)=\arccos x$

Қуйидаги функцияларнинг даврий эканлиги кўрсатилиб, уларнинг энг кичик мусбат даврлари топилсин.

236. $f(x)=\sin 2x$

237. $f(x)=a\sin(\alpha x+\beta)$

238. $f(x)=tgx+ctgx$

239. $f(x)=\sin^4 x$

240. $f(x)=|\cos x|$

241. $f(x)=2^{\sin x}$

242. $\mathbf{f(x)=\sin 2x+2\sin 3x}$ **243.** $\mathbf{f(x)=\sqrt{tgx}}$

244. Қуйидаги функцияларнинг даврий эмаслиги кўрсатилсин:

1) $\mathbf{f(x)=\sin x^2}$

2) $\mathbf{f(x)=tg\sqrt{x}}$

3) $\mathbf{f(x)=x+\sin x}$

4) $\mathbf{f(x)=\sin\sqrt{2}\cdot x+\cos\sqrt{5}\cdot x}$

245. Агар $\mathbf{f(x)=\cos x+\sin ax}$ даврий функция бўлса, $\mathbf{a}$ рационал сон бўлиши исботлансин.

3-§. Функция графиги

1^0. Функция графиги тушунчаси. Функциялар графиклари устида амаллар. $\mathbf{y=f(x)}$ функция $\mathbf{X\subset R}$ тўпламда аниқланган бўлиб, $\mathbf{x_0\in X}$ бўлсин. Функциянинг $\mathbf{x_0}$ нуқтадага қийматини $\mathbf{y_0}$ дейлик: $\mathbf{y_0=f(x_0)}$. Натижада $\mathbf{x_0}$ ва $\mathbf{y_0}$ сонлардан тузилган ($\mathbf{x_0}, \mathbf{y_0}$) жуфтлик хосил бўлади ва у текисликдаги нуқтани ифодалайди.

Текисликнинг ушбу

$$\mathbf{\Gamma_f=\{(x,f(x)):\ \ x\in X\}}$$

нуқталари тўплами $\mathbf{f(x)}$ функциянинг **графиги** дейилади.

$\mathbf{f(x)}$ ва $\mathbf{g(x)}$ функциялар $\mathbf{X\subset R}$ тўпламда берилган бўлсин. У ҳолда $\mathbf{f(x)\pm g(x)}$, $\mathbf{f(x)\cdot g(x)}$, $\mathbf{f(x)/g(x)}$, $\mathbf{(g(x)\neq 0)}$ функциялар графиги қуйидагича бўлади:

$$\mathbf{\Gamma_{f\pm g}=\{(x,f(x)\pm g(x)):x\in X\}},$$
$$\mathbf{\Gamma_{f\cdot g}=\{(x,f(x)\cdot g(x)):x\in X\}},$$
$$\mathbf{\Gamma_{f/g}=\{(x,f(x)/g(x)):x\in X\}\ \ (g(x)\neq 0)}.$$

2^0. **$\mathbf{f(x)}$ функция графигига кўра унга боғлиқ бўлган баъзи функцияларнинг графикларини ясаш.** $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X\subset R}$ тўпламда берилган бўлиб, унинг графиги $\mathbf{\Gamma_f}$ маълум бўлсин. Бу функция графигидан фойдаланиб қуйидаги

$$f(x)+b,\ \ f(x-a),\ \ A\cdot f(x),\ \ f(k\cdot x),\ \ Af(k(x-a))+b,\ \ |f(x)|,\ f(|x|)$$

функцияларнинг графикларини топиш мумкин:

1) $f(x)+b$ функция графиги Γ_f ни ординаталар ўқида b бирликка, $b>0$ да юқорига, $b<0$ да пастга суриш билан топилади.

2) $f(x-a)$ функция графиги Γ_f ни абсциссалар ўқи бўйича a бирликка, $a>0$ да ўнгга, $a<0$ да чапга суриш билан топилади.

3) $A\cdot f(x)$ функция графиги Γ_f нуқталар ординаталарини A га кўпайтириш билан топилади.

4) $f(kx)$ функция графиги Γ_f нуқталар абсциссаларини k га бўлиш билан топилади.

5) $Af(k(x-a))+b$ функциянинг графиги Γ_f га юқоридаги қоидаларни бирин-кетин қўллаш билан топилади.

6) $|f(x)|$ функция графиги, бу функцияни

$$|f(x)|=\begin{cases} f(x), & \text{агар } f(x)>0,\ \ x\in X, \\ -f(x), & \text{агар } f(x)<0,\ \ x\in X \end{cases}$$

бўлишини эътиборга олиб топилади.

7) $f(|x|)$ функция графиги, бу функцияни

$$f(|x|)=\begin{cases} f(x), & \text{агар } x\ge 0, \\ f(-x), & \text{агар } x<0 \end{cases}$$

бўлишини эътиборга олиб топилади.

6 – м и с о л . *Ушбу*

$$f(x)=x+\frac{1}{x}\quad (x\neq 0)$$

функция графиги чизилсин.

◀Равшанки, бу функция

$$f_1(x)=x \text{ ва } f_2(x)=\frac{1}{x}$$

функциялар йиғиндисидан иборат. $f_1(x)$ ва $f_2(x)$ функциялар графиклари маълум. Улар 2-чизмада пунктир чизиқлар ёрдамида кўрсатилган.



2-чизма.

Энди $\mathbf{x}$ ўзгарувчининг ҳар бир қийматида $\mathbf{f_1(x)+f_2(x)}$ ни ҳисоблаб, сўнг текисликда $\mathbf{(x,\ f_1(x)+f_2(x))}$ нуқталарни аниқлаймиз. (Масалан, $\mathbf{x=\frac{1}{2}}$ да $\mathbf{f_1\left(\frac{1}{2}\right)+f_2\left(\frac{1}{2}\right)=\frac{5}{2}}$ бўлиб, текисликда $\mathbf{\left(\frac{1}{2},\frac{5}{2}\right)}$ нуқта ҳосил бўлади). Бундай нуқталар орқали эгри чизиқ ўтказиб берилган функциянинг графиги ясалади.►

7 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathbf{f(x)=x+x\cdot\sqrt{(x-1)^2}}$$

функция графиги ясалсин.

◄Равшанки

$$\mathbf{f(x)=\begin{cases} x^2, & \text{агар}\ \ x>1\ \ \text{бўлса,} \\ -x^2+2x, & \text{агар}\ \ x\le 1\ \ \text{бўлса} \end{cases}}$$

бўлади. Демак $\mathbf{x>1}$ бўлганда $\mathbf{f(x)=x^2}$ бўлиб, унинг графиги параболадан иборат, $\mathbf{x\le 1}$ бўлганда $\mathbf{f(x)=-x^2+2x}$ бўлиб, уни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\mathbf{f(x)=-x^2+2x=-\left[(x-1)^2-1\right]=-(x-1)^2+1}$$

Бу функциянинг графигини $\mathbf{f_1(x)=x^2}$ функция графиги ҳамда $2^{\mathbf{0}}$ да келтирилган қоидалардан фойдаланиб топамиз. Берилган функциянинг графиги 3-чизмада тасвирланган.►



3-чизма.

8 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathbf{f(x) = \cos^2 x}$$

функция графиги чизилсин.

◄Аввал берилган функцияни қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\mathbf{f(x) = \cos^2 x = \frac{1}{2} + \frac{1}{2}\cos 2x},$$

сўнгра $\mathbf{f_1(x) = \cos x}$ функция графигига ҳамда $1^{\mathbf{0}}$, $2^{\mathbf{0}}$ да келтирилган қоидаларни қўллаб берилган функциянинг графигини ясаймиз *(4-чизма)*.►



4-чизма.

Қуйидаги функцияларнинг графиклари чизилсин:

246. 1) $\mathbf{f(x)=0,}$ 2) $\mathbf{f(x)=2,}$ 3) $\mathbf{f(x)=-1}$

247. 1) $\mathbf{f(x)=x,}$ 2) $\mathbf{f(x)=-x,}$ 3) $\mathbf{f(x)=2x,}$ 4) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2}\cdot x}$

248. 1) $\mathbf{f(x)=2x+3,}$ 2) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2}x-\frac{3}{2},}$ 3) $\mathbf{f(x)=3-2x}$

249. $\mathbf{f(x)=\begin{cases} -x+1, & \text{агар } x<0 \text{ бўлса,} \\ x, & \text{агар } x\geq 0 \text{ бўлса} \end{cases}}$

250. 1) $\mathbf{f(x)=|x|,}$ 2) $\mathbf{f(x)=-|x|,}$ 3) $f(x)=2\cdot|x|$

251. 1) $\mathbf{f(x)=|x+1|,}$ 2) $\mathbf{f(x)=|x-1|}$

252. $\mathbf{f(x)=|x|+|x-1|+|x+1|}$

253. 1) $\mathbf{f(x)=2^x}$, 2) $\mathbf{f(x)=\left(\frac{1}{2}\right)^x}$, 3) $\mathbf{f(x)=e^x}$

254. 1) $\mathbf{f(x)=\log_2 x}$, 2) $\mathbf{f(x)=\log_{\frac{1}{2}} x}$, 3) $\mathbf{f(x)=\ln x}$

255. 1) $\mathbf{f(x)=\sin x}$, 2) $\mathbf{f(x)=\cos x}$, 3)$\mathbf{f(x)=tgx}$, 4) $\mathbf{f(x)=ctgx}$

256. 1) $\mathbf{f(x)=signx}$, 2) $\mathbf{f(x)=x\cdot signx}$

257. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x}}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x+1}}$, 3) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x-1}}$

258. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{-2}{x+1}}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{3}{2-x}}$, 3) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2x+1}}$

259. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x+1}+1}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{x}{x+1}}$, 3) $\mathbf{f(x)=\frac{x}{1-x}}$

260. $\mathbf{f(x)}$ функциянинг графигини билган ҳолда ушбу

1) $\mathbf{y=-f(x)}$, 2) $\mathbf{y=f(-x)}$, 3) $\mathbf{y=-f(-x)}$ функцияларнинг графиклари топилсин.

261. Агар $\mathbf{f(x)}$ жуфт функция бўлса, унинг графиги ординаталар ўқига нисбатан симметрик жойлашган бўлиши исботлансин.

262. Агар $\mathbf{f(x)}$ тоқ функция бўлса, унинг графиги координаталар бошига нисбатан симметрик жойлашган бўлиши исботлансин.

Ушбу $\mathbf{f(x)=x^2}$ функциянинг графиги маълум. Унга кўра қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

263. $\mathbf{f(x)=2x^2-4x+1}$.

264. $\mathbf{f(x)=x^2-3x}$

265. $\mathbf{f(x)=x^2-5x+6}$

266. $\mathbf{f(x)=3x-4-2x^2}$

267. $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2}\cdot x^2+x+1}$.

268. $\mathbf{f(x)=-2x^2-x+6}$

269. $\mathbf{f(x)=x\cdot|x|}$.

270. $\mathbf{f(x)=x^2-2|x|+1}$

271. $\mathbf{f(x)=\frac{x^3\cdot x}{|x|}}$.

272. $\mathbf{f(x)=|4x^2-1|-3x}$

273. $\mathbf{f(x)=|x^2+x-2|}$.

274. $\mathbf{f(x)=(x-1)\cdot|x-2|}$

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

275. 1) $f(x)=x^3$ 2) $f(x)=-x^3$ 3) $f(x)=2x^3$ 4) $f(x)=\frac{1}{2}\cdot x^3$.

276. 1) $f(x)=(x-1)^3$ 2) $f(x)=(x+1)^3$

277. 1) $f(x)=|x^3|$ 2) $f(x)=-x^2\cdot|x|$

278. $f(x)=x^3-3x$.

279. $f(x)=x^2-x^3$

280. $f(x)=-x^4+4x^2$.

281. $f(x)=1-x-x^3$

282. $f(x)=x^4-x^3+x^2$.

Ушбу $f(x)=\frac{1}{x}$ функциянинг графиги маълум. Унга кўра қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

283. $f(x)=\frac{x-2}{x+2}$

284. $f(x)=\frac{1-2x}{x-2}$

285. $f(x)=\frac{3x-2}{2x+1}$

286. $f(x)=\frac{x^2-5x+6}{x-3}$

287. $f(x)=\frac{x-1}{x^2+x-2}$

288. $f(x)=\frac{x^2}{x+1}$

289. $f(x)=\frac{x^2-4x+3}{x+1}$.

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

290. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x^2}}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{x^3}}$

291. 1) $\mathbf{f(x)=x+\frac{1}{x^2}}$, 2) $\mathbf{f(x)=x^2+\frac{1}{x}}$

292. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{(x+1)^2}}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{(x-1)^2}}$

293. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{1-x^2}}$, 2) $\mathbf{f(x)=\frac{x^2}{1+x^2}}$

294. $\mathbf{f(x)=\frac{x^3}{4-x^2}}$. **295.** $\mathbf{f(x)=\frac{3x-2}{5x^2}}$

296. $\mathbf{f(x)=\frac{2x}{x^2+1}}$

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

297. 1) $\mathbf{f(x)=\sqrt{x}}$ 2) $\mathbf{f(x)=\sqrt[3]{x}}$

298. 1) $\mathbf{f(x)=\sqrt{x-2}}$ 2) $\mathbf{f(x)=\sqrt{1-x}}$

299. $\mathbf{f(x)=\sqrt{x^2-1}}$. **300.** $\mathbf{f(x)=\sqrt{1-x^2}}$

301. $\mathbf{f(x)=\frac{\sqrt{x}}{1+\sqrt{x}}}$. **302**. $\mathbf{f(x)=\sqrt{\frac{x-1}{x+1}}}$

303. $\mathbf{f(x)=\sqrt{x^2+1}-\sqrt{x^2-1}}$. **304.** $\mathbf{f(x)=\sqrt{\frac{x^2-4}{x^2-9}}}$.

305. $f(x)=\sqrt{2x-x^2-1}$.

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

306. 1) $f(x)=2^x$ 2) $f(x)=\left(\frac{1}{2}\right)^x$

307. 1) $f(x)=2^{\frac{1}{x}}$ 2) $f(x)=2^{\frac{1}{x}}+1$

308. $f(x)=e^{-x^2}$. **309.** $f(x)=\left(\frac{1}{3}\right)^{|x|}$

310. $f(x)=5^{x-|x|}$. **311.** $f(x)=3^x-3^{|x|}$

312. $f(x)=\dfrac{1}{2^x-1}$. **313.** $f(x)=3^{1-x^2}$

314. $f(x)=\dfrac{2^x}{2^{x+1}-1}$. **315.** $f(x)=\dfrac{2^{2x}-4}{\left|2^x-2\right|}$

316. $f(x)=\frac{1}{2}(e^x-e^{-x})$. **317.** $f(x)=\frac{1}{2}(e^x+e^{-x})$

318. $f(x)$ функция тескари $f^{-1}(x)$ функцияга эга бўлсин. Тескари $f^{-1}(x)$ функциянинг графиги $f(x)$ функция графигига $y=x$ тўғри чизиққа нисбатан симметрик бўлиши исботлансин.

Қуйидаги функцияларнинг графиклари чизилиб, уларга кўра бу функцияларга мос бўлган тескари функция графиклари ясалсин:

319. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2}\cdot x-3}$ 2) $\mathbf{f(x)=\sqrt{x}}$

320. 1) $\mathbf{f(x)=\frac{x}{x+1}}$ 2) $\mathbf{f(x)=\frac{x+1}{x-1}}$

321. $\mathbf{f(x)=x^2\cdot signx}$ **322.** $\mathbf{f(x)=2x-x^2 \quad (x\geq 1)}$

323. $\mathbf{f(x)=\sqrt{1-x^2} \quad (0\leq x\leq 1)}$

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

324. 1) $\mathbf{f(x)=\log_2(x+1)}$ 2) $\mathbf{f(x)=\log_{\frac{1}{2}}(x-1)}$

325. 1) $\mathbf{f(x)=\log_3\left(\frac{1}{3}\cdot x+2\right)}$ 2) $\mathbf{f(x)=\log_{\frac{1}{3}}\left(\frac{2}{3}\cdot x-1\right)}$

326. $\mathbf{f(x)=\log_3|x|}$. **327.** $\mathbf{f(x)=\log_2\log_2 x}$

328. $\mathbf{f(x)=\log_2(x^2-4)}$. **329.** $\mathbf{f(x)=\frac{\log_2 x^2}{|\log_2 x|}}$

330. $\mathbf{f(x)=\log_{\sqrt{2}}(2x-1)}$. **331.** $\mathbf{f(x)=\lg\frac{1-2x}{x+3}}$

332. $\mathbf{f(x)=\frac{1}{2}\cdot\log_2\frac{1+x}{1-x}}$. **333.** $\mathbf{f(x)=\log_2^2 x}$

Қуйидаги тригонометрик функцияларнинг графиклари ясалсин:

334. 1) $\mathbf{f(x)=\sin 2x}$, 2) $\mathbf{f(x)=\sin 3x}$, 3) $\mathbf{f(x)=\sin 5x}$

335. 1) $f(x)=\sin\frac{1}{2}x$, 2) $f(x)=\sin\frac{1}{3}x$, 3) $f(x)=\sin\frac{1}{5}x$

336. 1) $f(x)=2\sin 2x$, 2) $f(x)=\frac{1}{2}\sin\frac{1}{2}x$

337. 1) $f(x)=\cos 2x$, 2) $f(x)=\cos\frac{1}{3}x$, 3) $f(x)=\frac{1}{2}\cos\frac{1}{2}x$

338. 1) $f(x)=\mathrm{tg}2x$, 2) $f(x)=\mathrm{tg}\frac{1}{2}x$

339. 1) $f(x)=2\sin(x+2)$, 2) $f(x)=\frac{1}{3}\sin\left(\frac{1}{2}x+1\right)$

340. 1) $f(x)=3\cos(x-1)$, 2) $f(x)=\frac{1}{3}\cos\left(\frac{1}{3}x-1\right)$

341. $f(x)=\sin x+\cos x$. **342**. $f(x)=\sin 4x+5\cos 6x$

343. $f(x)=2\sin x+|\cos x|$. **344.** $f(x)=\sin x+|\sin x|$

345. $f(x)=x+\sin x$. **346.** $f(x)=3\sin\left(\frac{x}{2}+\frac{\pi}{4}\right)$

347. $f(x)=\cos x-|\cos x|$. **348.** $f(x)=\mathrm{sign}(\sin x)$

34 9. 1) $f(x)=\sin^2 x$, 2) $f(x)=\cos^2 x$

350. $f(x)=x\cdot\sin x$. **351.** $f(x)=\mathrm{tg}x\cdot\cos x$

352. $f(x)=\dfrac{2\mathrm{tg}\frac{x}{2}}{1-\mathrm{tg}^2\frac{x}{2}}$. **353.** $f(x)=\sin\frac{1}{x}$

354. $f(x) = x \cdot \sin\frac{1}{x}$.

355. $f(x) = \cos\frac{\pi}{x}$

356. $f(x) = \frac{\sin x}{x}$.

357. $f(x) = x \cdot \left(2 + \sin\frac{1}{x}\right)$

358. $f(x) = \frac{1+\cos x}{3-\sin x}$.

359. $f(x) = \frac{\cos 2x}{\sin x}$

Қуйидаги тескари тригонометрик функцияларнинг графиклари ясалсин:

360. 1) $f(x) = 2\arcsin\frac{x}{2}$, 2) $f(x) = \frac{1}{2}\arccos(2x)$

361. 1) $f(x) = |\arcsin x|$, 2) $f(x) = |\mathrm{arctg}x|$

362. 1) $f(x) = \arcsin\frac{1}{x}$, 2) $f(x) = \mathrm{arctg}\frac{1}{x}$

363. $f(x) = \arcsin\left(1 - \frac{x}{2}\right)$.

364. $f(x) = \arccos\frac{1+x}{2}$

365. $f(x) = x + \mathrm{arctg}x$.

366. $f(x) = \arcsin\sqrt{1-x} + \arcsin\sqrt{x}$

367. $f(x) = 1 + \arccos\frac{|x|}{2}$.

368. $f(x) = \arccos\frac{1-x^2}{1+x^2}$

369. $f(x) = \arcsin\frac{2x}{1+x^2}$.

370. $f(x) = \mathrm{arctg}\frac{2x}{1-x^2}$

371. $f(x) = \arcsin(\sin x)$.

372. $f(x) = \arcsin(\cos x)$

373. $f(x) = \arccos(\cos x)$.

374. $f(x) = \mathrm{arctg}x + \mathrm{arctg}\frac{1-x}{1+x}$

375. $f(x)=\arccos(\arcsin x)$

Қуйидаги функцияларнинг графиклари ясалсин:

376. $f(x)=\sqrt{(x^2-1)(9-x^2)}$.

377. $f(x)=\ln(1+e^x)$

378. $f(x)=\ln\sin x$.

379. $f(x)=\sqrt{\ln\cos x}$

380. $f(x)=\arcsin e^x$.

381. $f(x)=\dfrac{|x+1|-|x-1|}{x}$

382. $f(x)=\sqrt{x^2+x+1}-\sqrt{x^2-x+1}$

383. $f(x)=2^{\operatorname{arctg} x}$.

384. $f(x)=\operatorname{arctg}(\ln x)$

385. $f(x)=\cos x\cdot \operatorname{sign}(\sin x)$.

386. $f(x)=\dfrac{1}{e^x\cdot\sin x}$.

387. $f(x)=[\sin x]+[\cos x]$.

4-§. Натурал аргументли функциялар (сонлар кетма-кетлиги)

1^0. Сонлар кетма-кетлиги. Чегараланган ва монотон кетма-кетликлар. Маълумки, ҳар бир $n\in N$ натурал сонга f қоидага кўра битта $x_n\in R$ ҳақиқий сон мос қўйилган бўлса, функция берилган дейилар эди. Одатда, бундай функция натурал аргументли функция дейилиб, $x_n=f(n)$ каби белгиланади. Бундай функция қийматларидан тузилган $\{x_n\}: x_1, x_2, x_3,..., x_n,...$ тўплам **сонлар кетма-кетлиги** дейилади.

Бирор $\{x_n\}$ кетма-кетлик берилган бўлсин.

Агар $\exists\ C\in R,\ \ \forall n\in N: x_n\le C$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик юқоридан чегараланган, $\exists\ C\in R,\ \ \forall n\in N: x_n\ge C$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик **қуйидан чегараланган** дейилади.

Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик ҳам қуйидан, ҳам юқоридан чегараланган, яъни $\exists\ C\in R_+=(0,+\infty),\ \ \forall n\in N,\ \ |x_n|\le C$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик **чегараланган** дейилади.

Агар $\forall\ C\in R_+,\ \ \exists n\in N: |x_n|>C$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик **чегараланмаган** дейилади.

$\{x_n\}$ кетма-кетлик берилган бўлсин. Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик учун

$\forall n\in N$ **да** $x_n\le x_{n+1}$ **бўлса,** $\{x_n\}$ **- ўсувчи**

$\forall n\in N$ **да** $x_n< x_{n+1}$ **бўлса,** $\{x_n\}$ **- қатъий ўсувчи**

$\forall n\in N$ **да** $x_n\ge x_{n+1}$ **бўлса,** $\{x_n\}$ **- камаювчи**

$\forall n\in N$ **да** $x_n> x_{n+1}$ **бўлса,** $\{x_n\}$ **- қатъий камаювчи**

кетма-кетлик дейилади.

2^0. Кетма-кетликлар устида амаллар.

$\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ кетма-кетликлар берилган бўлсин:

$x_1, x_2, x_3,\dots, x_n,\dots$

$y_1, y_2, y_3,\dots, y_n,\dots$

Ушбу

$x_1+y_1, x_2+y_2, x_3+y_3,\dots, x_n+y_n,\dots$

$x_1-y_1, x_2-y_2, x_3-y_3,\dots, x_n-y_n,\dots$

$x_1\cdot y_1, x_2\cdot y_2, x_3\cdot y_3,\dots, x_n\cdot y_n,\dots$

$\dfrac{x_1}{y_1}, \dfrac{x_2}{y_2}, \dfrac{x_3}{y_3},\dots, \dfrac{x_n}{y_n},\dots \qquad (y_n\ne 0,\ n=1,2,\dots)$

кетма-кетликлар мос равишда $\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ кетма-кетликларнинг **йиғиндиси, айирмаси**, **кўпайтмаси** ва **нисбати** дейилади ва $\{x_n+y_n\}$, $\{x_n-y_n\}$, $\{x_n\cdot y_n\}$, $\{x_n/y_n\}$ каби белгиланади.

9 – м и с о л . ***Ушбу***

$$x_n=\frac{(-1)^n\cdot\sqrt{n}+\sin\sqrt{n}}{\sqrt{n^2+1}}$$

кетма-кетликнинг чегараланганлиги исботлансин.

◀Равшанки,

$$|x_n|=\left|\frac{(-1)^n\cdot\sqrt{n}+\sin\sqrt{n}}{\sqrt{n^2+1}}\right|\le\sqrt{\frac{n}{n^2+1}}+1.$$

Энди $0 \le (1-n)^2 = 1 - 2n + n^2 \Rightarrow 2n \le n^2 + 1 \Rightarrow \frac{n}{n^2+1} \le \frac{1}{2}$ бўлишини эътиборга олсак, унда $\forall n \in N$ учун $|x_n| \le 1 + \frac{1}{\sqrt{2}}$ тенгсизликнинг бажарилишини топамиз.►

10 – м и с о л . ***Ушбу***

$$x_n = \frac{n^2}{n^2+1}$$

сонлар кетма-кетлигининг ўсувчи эканлиги исботлансин.

◄Бу кетма-кетликнинг n ва $(n+1)$ ҳадлари учун

$$x_n = \frac{n^2}{n^2+1} = 1 - \frac{1}{n^2+1}, \qquad x_{n+1} = \frac{(n+1)^2}{(n+1)^2+1} = 1 - \frac{1}{(n+1)^2+1}$$

бўлади.

Энди

$$(n+1)^2 > n^2 \Rightarrow \frac{1}{(n+1)^2} < \frac{1}{n^2}$$

бўлишини эътиборга олиб, топамиз:

$$x_{n+1} = 1 - \frac{1}{(n+1)^2+1} > 1 - \frac{1}{n^2+1} = x_n.$$

Демак, $\forall n \in N$ учун $x_n < x_{n+1}$ бўлади.►

Қуйидаги кетма-кетликларнинг умумий хадига кўра дастлабки 5 та ҳади топилсин:

388. $x_n = (-1)^n$

389. $x_n = \frac{n+3}{n+1}$

390. $x_n = \frac{(-1)^n + 1}{n^2}$

391. $x_n = \sin\frac{n\pi}{2}$

392. $x_n = \left(1 - \frac{1}{n}\right)^n$

393. $x_n = \frac{n!}{2^n}$

394. $x_n = \frac{\log_2 n}{n}$.

Кетма-кетликнинг дастлабки ҳадларига кўра умумий хади топилсин:

395. $\sqrt{1\cdot 2}, \sqrt{2\cdot 3}, \sqrt{3\cdot 4},...$

396. $-1, \frac{1}{2}, -\frac{1}{3}, \frac{1}{4}, -\frac{1}{5},...$

397. $5, \frac{25}{2}, \frac{125}{6}, \frac{625}{24},...$

398. $\frac{1}{11}, \frac{2}{7}, \frac{9}{19}, \frac{8}{13},...$

399. 1,3,1,3,1,3,...

Қуйидаги кетма-кетлик ҳадлари орасида энг каттаси топилсин:

400. $x_n = \sin\frac{n\pi}{2}$

401. $x_n = \frac{n^2}{2^n}$

402. $x_n = \frac{\pi^2}{(2n+1)!}$

403. $x_n = \frac{10^n}{n!}$

404. $x_n = \frac{90n}{n^2+9}$

Қуйидаги кетма-кетлик ҳадлари орасида энг кичиги топилсин:

405. $x_n = n + \frac{5}{n}$

406. $x_n = \frac{n^2}{n^2+1}$

407. $x_n = \cos\frac{n\pi}{2}$

408. $x_n = \left(1+\frac{1}{n}\right)^n$

Қуйидаги кетма-кетликларнинг чегараланганлиги исботлансин:

409. $x_n = \frac{n^3+1}{n^3+4}$.

410. $x_n = \frac{n}{4+n^2}$

411. $x_n = \frac{2^n}{n!}$

412. $x_n = \frac{2n^2 - 1}{n^2 + 2}$.

413. $x_n = \sqrt{n+1} - \sqrt{n}$

414. $x_n = e^{-n^2}$

415. $x_n = \frac{\log_2 n}{n}$.

416. $x_n = \frac{n^2}{2^n}$.

417. $x_n = n \cdot \ln\frac{n+1}{n}$

418. $x_n = \frac{n}{n^2+1} \cdot \sin\frac{n\pi}{2} + \frac{n^2}{n^4+1} \cdot \cos\frac{n\pi}{2}$

Қуйидаги кетма-кетликларнинг чегараланмаганлиги исботлансин:

419. $x_n = (-1)^n \cdot n$.

420. $x_n = \frac{1-n}{\sqrt{n}}$

421. $x_n = n + (-1)^n \cdot n$

422. $x_n = \frac{n+1}{\log_2(n+1)}$

423. $x_n = \left(1 + (-1)^n\right) \cdot n + \frac{1-(-1)^n}{n}$

424. Кетма-кетликнинг юқоридан ҳамда қуйидан чегараланганлиги таърифи келтирилсин.

425. Қуйидаги кетма-кетликларнинг юқоридан чегараланмаганлиги исботлансин: 1) $x_n = \sqrt{n}$, 2) $x_n = \frac{n^3}{n^2+1}$, 3) $x_n = n^{\cos\pi x}$.

426. Агар $\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ кетма-кетликлар чегараланган бўлса, $\{x_n + y_n\}$, $\{x_n - y_n\}$, $\{x_n \cdot y_n\}$ кетма-кетликларнинг ҳам чегараланган бўлиши исботлансин.

427. Агар $\{x_n\}$ чегараланган, $\{y_n\}$ чегараланмаган бўлса, $\{x_n + y_n\}$ чегараланмаган кетма-кетлик бўлиши исботлансин.

428. Агар $\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ кетма-кетликлар чегараланмаган бўлса, $\{x_n + y_n\}$, $\{x_n \cdot y_n\}$ кетма-кетликлар ҳақида нима дейиш мумкин? Мисоллар келтирилсин.

Қуйидаги кетма-кетликларнинг ўсувчи ёки камаювчи бўлиши аниқлансин.

429. $x_n = \dfrac{n+1}{n}$

430. $x_n = n^2$

431. $x_n = \dfrac{n+1}{2n-1}$

432. $x_n = 3^n - 2^n$

433. $x_n = \dfrac{1-n}{\sqrt{n}}$

434. $x_n = \dfrac{3^n}{n!}$

435. $x_n = \dfrac{n+1}{\sqrt{n^2+7}}$

436. $x_n = \left(1 + \dfrac{1}{n}\right)^{n+1}$

III-БОБ.

Функция лимити ва узлуксизлиги

1-§ Сонлар кетма-кетлигининг лимити

1^0 **Сонлар кетма-кетлигининг лимити тушунчаси**. Айтайлик, $\{x_n\}$ кетма-кетлик ва a сон берилган бўлсин.

1 – т а ъ р и ф . *Агар* $\forall\varepsilon > 0$ *олинганда ҳам шундай* $n_0 = n_0(\varepsilon) \in N$ *топилсаки,* $\forall n > n_0$ *да*

$$|x_n - a| < \varepsilon$$

бўлса, a *сон* $\{x_n\}$ *кетма-кетликнинг л и м и т и дейилади ва*

$$\lim_{n\to\infty} x_n = a$$

каби белгиланади.

Хусусан,

$$\lim_{n\to\infty} x_n = 0$$

бўлса, $\{x_n\}$ **чексиз кичик миқдор** дейилади.

Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик чекли лимитга эга бўлса, у **яқинлашувчи**, акс ҳолда узоқлашувчи дейилади.

2^0**. Кетма-кетлик лимитининг мавжудлиги ҳақида тасдиқлар**:

1) Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик ўсувчи бўлиб, юқоридан чегараланган бўлса, у **яқинлашувчи** бўлади.

2) Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик камаювчи бўлиб, қуйидан чегараланган бўлса, у яқинлашувчи бўлади.

3) Агар $\{x_n\}$, $\{y_n\}$ ва $\{z_n\}$ кетма-кетликлар учун бирор номердан бошлаб барча $n \in N$ лар учун

$$x_n \le y_n \le z_n \text{ бўлиб, } \lim_{n\to\infty} x_n = \lim_{n\to\infty} z_n = a$$

бўлса,

$$\lim_{n\to\infty} y_n = a$$

бўлади.

4) $\{x_n\}$ кетма-кетликнинг яқинлашувчи бўлиши учун $\forall\varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $n_0 = n_0(\varepsilon) \in N$ топилиб, $\forall n > n_0$, $\forall m > n_0$ да $(n \ne m)$

$$|x_n - x_m| < \varepsilon$$

бўлиши зарур ва етарли (Коши теоремаси (критерийси))

3^0**. Яқинлашувчи кетма-кетликлар устида амаллар**. Айтайлик, $\{x_n\}$ва $\{y_n\}$ кетма-кетликлар чекли

$$\lim_{n\to\infty} x_n, \qquad \lim_{n\to\infty} y_n$$

ларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) $\lim\limits_{n\to\infty}(x_n \pm y_n) = \lim\limits_{n\to\infty} x_n \pm \lim\limits_{n\to\infty} y_n$,

2) $\lim\limits_{n\to\infty}(x_n \cdot y_n) = \lim\limits_{n\to\infty} x_n \cdot \lim\limits_{n\to\infty} y_n$,

3) $\lim\limits_{n\to\infty} \dfrac{x_n}{y_n} = \dfrac{\lim\limits_{n\to\infty} x_n}{\lim\limits_{n\to\infty} y_n} \qquad \left(\lim\limits_{n\to\infty} y_n \neq 0\right)$,

4) $x_n \le y_n$ бўлганда $\lim\limits_{n\to\infty} x_n \le \lim\limits_{n\to\infty} y_n$ бўлади.

4^0. e - с о н и . *Ушбу*

$$x_n = \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n \qquad (n = 1,2,3,...)$$

кетма-кетликнинг лимити (у яқинлашувчи бўлади) e сони дейилади:

$$\lim_{n\to\infty}\left(1 + \frac{1}{n}\right)^n = e$$

e-иррационал сон бўлиб, $e = 2{,}7182818284...$ бўлади.

5^0. Чексиз катта миқдорлар. Бирор $\{x_n\}$ кетма-кетлик берилган бўлсин. Агар $\forall\varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $n_0 = n_0(\varepsilon) \in N$ топилсаки, $\forall n > n_0$ да

$$|x_n| > \varepsilon$$

бўлса, x_n кетма-кетликнинг лимити чексиз дейилади ва

$$\lim_{n\to\infty} x_n = \infty$$

каби ёзилади. Бундай кетма-кетлик **чексиз катта миқдор** дейилади.

6^0. Кетма-кетликнинг қуйи ва юқори лимитлари. Бирор $\{x_n\}$ кетма-кетлик берилган бўлиб, $\{x_{n_k}\}$ унинг қисмий кетма-кетлиги бўлсин. Одатда, $\{x_{n_k}\}$ нинг лимити берилган $\{x_n\}$кетма-кетликнинг **қисмий лимити** дейилади.

$\{x_n\}$ кетма-кетликнинг қисмий лимитларининг **энг каттаси (энг кичиги)** $\{x_n\}$кетма-кетликнинг **юқори (қуйи)** лимити дейилади ва у

$$\overline{\lim_{n\to\infty}} x_n \qquad \left(\underline{\lim}_{n\to\infty} x_n\right)$$

каби белгиланади.

1 – м и с о л . ***Лимит таърифидан фойдаланиб***

$$\lim_{n\to\infty}\frac{1}{n^3 + n + 5} = 0 \tag{1}$$

бўлиши исботлансин.

◄ (1) муносабатни исботлаш учун $\forall\varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай натурал $n_0 = n_0(\varepsilon)$ топилишини кўрсатиш керакки, $\forall n > n_0$ да

$$|x_n - 0| < \varepsilon, \qquad \text{яъни} \quad \left|\frac{1}{n^3+n+5} - 0\right| < \varepsilon \qquad (2)$$

тенгсизлик бажарилсин.

Равшанки.

$$\left|\frac{1}{n^3+n+5} - 0\right| = \frac{1}{n^3+n+5}$$

бўлиб,

$$\frac{1}{n^3+n+5} < \frac{1}{n^3}$$

бўлади. Демак,

$$\frac{1}{n^3} < \varepsilon$$

тенгсизлик, яъни

$$n > \frac{1}{\sqrt[3]{\varepsilon}}$$

бажарилса, унда (2) тенгсизлик ҳам ўринли бўлади. Демак, юқорида айтилган n_0 топилди ва уни

$$n_0 = \left[\frac{1}{\sqrt[3]{\varepsilon}}\right] + 1$$

деб олиш етарли бўлади.►

2 – м и с о л . ***Ушбу***

$$x_n = \frac{n!}{n^n} \qquad (n = 1,2,3,\ldots)$$

кетма-кетлик лимитининг мавжудлиги исботлансин ва унинг лимити топилсин.

◄Равшанки, $\forall n \in N$ да $x_n > 0$. Бинобарин берилган кетма-кетлик қуйидан чегараланган.

Энди

$$x_{n+1} = \frac{(n+1)!}{(n+1)^{n+1}} = \frac{n!}{n^n} \cdot \frac{n^n}{(n+1)^n} = x_n \cdot \left(\frac{n}{n+1}\right)^n$$

бўлишини ҳамда $\frac{n}{n+1} < 1$ эканини эътиборга олиб, $x_n > x_{n+1}$ тенгсизликнинг бажарилишини топамиз. Бундан $\{x_n\}$ кетма-кетликнинг камаювчи эканлиги келиб чиқади. Демак, берилган кетма-кетлик чекли лимитга эга. Уни a билан белгилайлик:

$$\lim_{n\to\infty}\frac{n!}{n^n}=a$$

Бернулли тенгсизлигига $\left((1+\alpha)^n \ge 1+\alpha n; \quad (\alpha>-1)\right)$ кўра

$$\left(1+\frac{1}{n}\right)^n \ge 1+n\cdot\frac{1}{n}=2$$

бўлиб, ундан $(n+1)^n \ge 2n^n$ бўлиши келиб чиқади. Бу тенгсизликни эътиборга олиб топамиз:

$$x_n-x_{n+1}=x_n-x_n\cdot\frac{n^n}{(n+1)^n}=x_n\quad\frac{(n+1)^n-n^n}{(n+1)^n}\ge x_n\cdot\frac{n^n}{(n+1)^n}=x_{n+1}$$

Кейинги тенгсизликдан

$$\lim_{n\to\infty}x_n \ge 2\lim_{n\to\infty}x_{n+1},$$

яъни $a\ge 2a$ бўлиб, ундан $a=0$ бўлиши келиб чиқади.

Демак,

$$\lim_{n\to\infty}\frac{n!}{n^n}=0.$$ ►

Сонлар кетма-кетлиги лимити таърифига кўра a сони $\{x_n\}$ кетма-кетликнинг лимити эканлиги исботлансин.

437. $x_n=\frac{10}{n}$; $a=0$

438. $x_n=\frac{n}{n+1}$; $a=1$

439. $x_n=\frac{n+1}{n}$; $a=1$.

440. $x_n=\frac{n}{2n+1}$; $a=\frac{1}{2}$

441. $x_n=\frac{(-1)^n}{2n+3}$; $a=0$

442. $x_n=\frac{2+(-1)^n}{n}$; $a=0$

443. $x_n=\frac{1}{n}\sin\frac{\pi n}{2}$; $a=0$

444. $x_n=\frac{(-1)^{n+1}\cdot n}{n^2+1}$; $a=0$

445. $x_n=\frac{4n^2+1}{3n^2+2}$; $a=\frac{4}{3}$

446. $x_n=\frac{2n^2+3n+4}{4n^2-5n+6}$; $a=\frac{1}{2}$

447. $x_n = -\frac{6n}{n+2}$; $a = -6$

448. $x_n = \frac{1-3n^2}{n^2+2}$; $a = -3$

449. $x_n = \frac{2}{\sqrt{2n-1}}$; $a = 0$

450. $x_n = \frac{1}{\sqrt[3]{3n-11}}$; $a = 0$

451. $x_n = \sqrt[n]{2}$; $a = 1$

452. $x_n = \frac{2^n}{n!}$; $a = 0$

453. $x_n = q^n \quad (|q| < 1)$; $a = 0$

454. $x_n = \frac{n}{\sqrt{n^2+n}}$; $a = 1$

Агар шундай $\varepsilon > 0$ *мавжуд бўлсаки, ихтиёрий* $n_0 \in N$ *учун шундай* $n \in N$ $(n > n_0)$ *топилиб,*

$$|x_n - a| \geq \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, яъни

$$\exists \varepsilon > 0,\ \forall n_0 \in N,\ \exists n \in N\ (n > n_0):\ |x_n - a| \geq \varepsilon \text{ бўлса,}$$

a *сон* $\{x_n\}$ *кетма-кетликнинг л и м и т и э м а с дейилади.*

Қуйидаги $\{x_n\}$ кема-кетликлар учун a сони лимит эмаслиги кўрсатилсин.

455. $x_n = \cos\frac{\pi n}{3}$; $a = \frac{1}{2}$

456. $x_n = \mathrm{Sin}\frac{\pi n}{6}$; $a = \frac{1}{2}$

457. $x_n = 3^{(-1)^n \cdot n}$; $a = 0$

458. $x_n = \frac{2-\mathrm{Cos}\pi n}{2+\mathrm{Cos}\pi n}$; $a = 3$

459. $x_n = \left(\frac{1}{3}\right)^n$; $a = \frac{1}{9}$

460. $x_n = \frac{n^2-1}{n^3}$; $a = 1$

461. $x_n = \frac{2n-3}{n^2}$; $a = 2$

462. $x_n = \frac{(-1)^n}{n}$; $a = -1$

463. $x_n = n^{(-1)^n}$; $a = 0$

464. $x_n = \sqrt{n^2+1} - n$; $a = 1$.

$\{x_n\}$ **кетма-кетликнинг чексиз катта кетма-кетлик эканлиги таъриф ёрдамида кўрсатилсин**.

465. $x_n = (-1)^n \cdot n$ **466.** $x^n = 3^{\sqrt{n}}$

467. $x_n = \lg(\lg n) \quad (n \geq 2)$ **468.** $x_n = n^{(-1)^n + 2}$

469. $x_n = n^{(-1)^n} \quad (n = 1,2,...)$ кетма-кетликнинг чегараланмаган кетма-кетлик бўлиб, чексиз катта кетма-кетлик эмаслиги кўрсатилсин.

Яқинлашувчи кетма-кетликнинг чегараланганлиги ҳақидаги теоремадан фойдаланиб $\{x_n\}$ **кетма-кетликнинг узоқлашувчи эканлиги кўрсатилсин.**

470. $x_n = n^2 \cos\frac{\pi n}{4}$ **471.** $x_n = \sqrt{n} \cdot \sin\frac{\pi n}{2}$

472. $x_n = (-1)^n \lg n$ **473.** $x_n = (-1)^n \lg\frac{1}{n}$

474. $x_n = \frac{1}{n} + n^{(-1)^n}$

Чексиз кичик кетма-кетликнинг чегараланган кетма-кетликка кўпайтмаси чексиз кичик кетма-кетлик бўлиши ҳақидаги теоремадан фойдаланиб $\{x_n\}$ **кетма-кетликнинг яқинлашуви эканлиги кўрсатилсин**.

475. $x_n = \frac{\operatorname{sgn}(\operatorname{ctg} n)}{n}$ **476.** $x_n = \frac{\sin\frac{\pi n}{2}}{\sqrt{n}}$

477. $x_n = \frac{1}{\pi(6 + \cos n)}$ **478.** $x_n = \frac{\frac{n}{2} - \left[\frac{n}{2}\right]}{\ln(n+1)}$

479. $x_n = \frac{1}{n^2 \cdot [2 + (-1)^n]}$ **480.** $x_n = \frac{\cos\frac{\pi n}{4} - \sqrt{2}}{n^2}$

Кетма-кетлик лимитининг мавжудлиги ҳақидаги тасдиқлардан фойдаланиб, қуйидаги $\{x_n\}$ кетма-кетлик ларнинг яқинлашувчилиги исботлансин.

481. $x_n = \frac{\sin\alpha}{2} + \frac{\sin 2\alpha}{2^2} + \ldots + \frac{\sin n\alpha}{2^n}$

482. $x_n = \frac{|\cos 1|}{3} + \frac{|\cos 2|}{3^2} + \ldots + \frac{|\cos n|}{3^n}$

483. $x_n = \frac{1}{1\cdot 2} - \frac{1}{2\cdot 3} + \ldots + \frac{(-1)^{n-1}}{n(n+1)}$

484. $x_n = \frac{1}{1\cdot 3} - \frac{1}{2\cdot 4} + \ldots + \frac{(-1)^{n-1}}{n(n+2)}$

485. $x_n = 1 + \frac{1}{2!} + \ldots + \frac{1}{n!}$

486. $x_n = \sin 1 + \frac{\sin 2}{2^2} + \ldots + \frac{\sin n}{n^2}$

487. $x_n = 1 + \frac{1}{2^2} + \ldots + \frac{1}{n^2}$

488. $x_n = a_0 + a_1 q + \ldots + a_n q^n$, бу ерда $|a_k| < M \quad (k = 0,1,2,\ldots)$ ва $|q| < 1$.

489. $x_n = \frac{\cos 1!}{1\cdot 2} + \frac{\cos 2!}{2\cdot 3} + \ldots + \frac{\cos n!}{n\cdot(n+1)}$

490. $x_n = \left(1 - \frac{1}{2}\right)\cdot\left(1 - \frac{1}{2^2}\right)\cdot\ldots\cdot\left(1 - \frac{1}{2^n}\right)$

491. $x_n = 0,\underbrace{33\ldots3}_{n\ \text{та}}$

492. $x_n = 0,\underbrace{77\ldots7}_{n\ \text{та}}$

493. $x_n = \left(1 + \frac{1}{n}\right)^n$

494. $x_n = \frac{2^n}{n!}$

495. $x_n = \frac{1}{2^2} + \frac{2}{3^2} + \ldots + \frac{n}{(n+1)^2}$

496. $x_n = \left(1 + \frac{1}{2}\right)\left(1 + \frac{1}{4}\right)\ldots\left(1 + \frac{1}{2^n}\right)$

497. $x_1 = \sqrt{2}\,,\;\; x_2 = \sqrt{2 + \sqrt{2}}, \ldots,\;\; x_n = \underbrace{\sqrt{2 + \sqrt{2 + \ldots + \sqrt{2}}}}_{n \text{ та илдиз}}, \ldots$

498. $\{x_n\}$ кетма-кетлик Коши критерийсини қаноатлантирса $\{x_n^2\}$ ҳам Коши критерийсини қаноатлантириши кўрсатилсин.

499. Агар $\{x_n\}$, $\{y_n\}$ кетма-кетликлар Коши критерийсини қаноатлантирса, $\{x_n + y_n\}$, $\{x_n \cdot y_n\}$ лар ҳам Коши критерийсини қаноатлантириши кўрсатилсин.

500. Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик учун

$$|x_{n+1} - x_n| < \frac{1}{2^n}$$

бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик Коши критерийсини қаноатлантириши кўрсатилсин.

501. Агар $\lim\limits_{n\to\infty} x_n = a$ ва $\lim\limits_{n\to\infty} y_n = a$ бўлса, унда

$$x_1, y_1, x_2, y_2, \ldots x_n, y_n, \ldots$$

кетма-кетликнинг лимити a га тенг бўлиши кўрсатилсин.

502. Агар $\lim\limits_{n\to\infty} x_n = a$ бўлиб, $a \neq 0$ бўлса, унда

$$\lim_{n\to\infty} \frac{x_{n+1}}{x_n} = 1$$

бўлиши кўрсатилсин. $a = 0$ бўлган ҳолда ушбу $\lim\limits_{n\to\infty} \frac{x_{n+1}}{x_n}$ лимит ҳақида нима дейиш мумкин?

Қуйидаги тенгликлар исботлансин.

503. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{n}{2^n}=0$.

504. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{2^n}{n!}=0$

505. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{n^k}{a^n}=0 \quad (a>1)$

506. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{a^n}{n!}=0$

507. $\lim\limits_{n\to\infty}nq^n=0 \quad (|q|<1)$

508. $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{a}=1 \quad (a>0)$

509. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{\log_a n}{n}=0 \quad (a>1)$

510. $\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{n}=1$

511. $\lim\limits_{n\to\infty}\frac{1}{\sqrt[n]{n!}}=0$

Қуйидаги сонлар кетма-кетликларининг лимитлари топилсин.

512. $x_n=\sqrt{\frac{9n+1}{n}}$

513. $x_n=\sqrt{n^2+n+1}-\sqrt{n^2-1}$

514. $x_n=n\left(\sqrt{n^4+n+1}-\sqrt{n^4+1}\right)$

515. $x_n=\frac{(n+2)^{14}+(n+1)^{10}}{(n-1)^{14}+2}$

516. $x_n=\frac{2n^3+3\cdot 2^n+\cos n}{2^n+\sin n}$

517. $x_n=\frac{a^n}{1+a^n} \quad (a\ge 0)$

518. $x_n=\frac{a^n+3b^n}{5a^n+7b^n}, \quad (a>0, \ \ b>0)$

519. $x_n=\frac{1}{1\cdot 2}+\frac{1}{2\cdot 3}+\ldots+\frac{1}{n\cdot(n+1)}$

520. $x_n=\frac{1}{3}+\frac{1}{15}+\ldots+\frac{1}{4n^2-1}$.

Кўрсатма: $\frac{1}{4n^2-1}=\frac{1}{2}\cdot\left(\frac{1}{2n-1}-\frac{1}{2n+1}\right)$.

521. $x_n=\frac{1\cdot 2+2\cdot 3+\ldots+n(n+1)}{n^3}$.

Кўрсатма: $1\cdot 2+2\cdot 3+\ldots+n\cdot(n+1)=1^2+2^2+\ldots+n^2+$

$$+(1+2+\ldots+n)=\frac{n(n+1)(2n+1)}{6}+\frac{n(n+1)}{2}.$$

522. $x_n=\sqrt[n]{n^3+n+1}$.

Кўрсатма: $1<\sqrt[n]{n^3+n+1}<\sqrt[n]{3n^2}=\sqrt[n]{3}\cdot\left(\sqrt[n]{n}\right)^2$.

523. $x_n=\sqrt[n]{2^n+5^n}$.

Кўрсатма: $5<\sqrt[n]{2^n+5^n}<5\cdot\sqrt[n]{2}$.

524. $x_n=\sqrt[n]{2^n\cdot 3^0+2^{n-1}\cdot 3+...+2^0\cdot 3^n}$.

Кўрсатма: $3<x_n<3\cdot\sqrt[n]{\left(\frac{2}{3}\right)^n+\left(\frac{2}{3}\right)^{n-1}+...+\left(\frac{2}{3}\right)+1}<3\cdot\sqrt[n]{n}$.

525. $x_n=\sqrt[n]{1^\pi+2^\pi+...+n^\pi}$.

Кўрсатма: $1<x_n=\sqrt[n]{1^\pi+2^\pi+...+n^\pi}=\left(\sqrt[n]{n}\right)^{\pi+1}$.

526. $x_n=\dfrac{1}{\sqrt{n^2+1}}+\dfrac{1}{\sqrt{n^2+2}}+...+\dfrac{1}{\sqrt{n^2+n}}$.

527. $x_n=\dfrac{1}{\sqrt[3]{n^3+1}}+\dfrac{1}{\sqrt[3]{n^3+2}}+...+\dfrac{1}{\sqrt[3]{n^3+n}}$.

528. $x_n=\left(n-\sqrt[3]{n^3-5}\right)\cdot n\sqrt{n}$

529. $x_n=n+\sqrt[3]{4-n^2}$.

530. $x_n=\dfrac{(n+2)(n-1)}{1+2+3+...+n}-\dfrac{2}{3}$

531. $x_n=\dfrac{\sqrt[3]{n\ \ +5}-\sqrt{3n^4+2}}{1+3+5+...+(2n-1)}$

532. $x_n=\dfrac{(3n-1)!+(3n+1)!}{(3n)!\cdot(n-1)}$

533. $x_n=\dfrac{5}{6}+\dfrac{13}{36}+...+\dfrac{3^n+2^n}{6^n}$

534. $x_n=\dfrac{3}{4}+\dfrac{5}{16}+...+\dfrac{9}{64}+...+\dfrac{1+2^n}{4^n}$

535. $x_n=\left(\dfrac{n-1}{n+3}\right)^{n+2}$

536. $x_n=\left(\dfrac{2n^2+2}{2n^2+1}\right)^{n^2}$

537. $x_n=\left(\dfrac{n^3+1}{n^3-1}\right)^{2n-n^3}$

538. $x_n=\left(\dfrac{2n^2+21n-7}{2n^2+18n+9}\right)^{2n+1}$

Қуйидаги кетма-кетликларнинг юқори ва қуйи лимитлари топилсин $\left(\overline{\lim_{n\to\infty}}x_n-?;\underline{\lim}_{n\to\infty}x_n-?\right)$

539. $x_n=\dfrac{1+(-1)^n}{2}$

540. $x_n=n^{(-1)^n}$

541. $x_n=\dfrac{(-1)^n}{n}+\dfrac{1+(-1)^n}{2}$

542. $x_n=1+\dfrac{n}{n+1}\cdot\cos^2\dfrac{n\pi}{2}$

543. $x_n=1+2\cdot(-1)^{n+1}+3\cdot(-1)^{\frac{n\cdot(n-1)}{2}}$

544. $x_n=\dfrac{n-1}{n+1}\cdot\cos\dfrac{2n\pi}{3}$

545. $x_n=-n\cdot\left[2+(-1)^n\right]$

546. $x_n=\left(1+\dfrac{1}{n}\right)^n(-1)^n+\sin\dfrac{n\pi}{4}$

547. $x_n=\sqrt[n]{1+2^{n\cdot(-1)^n}}$

548. $x_n=\cos^n\dfrac{2n\pi}{3}$

Қуйидаги кетма-кетликларнинг қисмий лимитлари топилсин.

549. $\{x_n\}:\quad \dfrac{1}{2},\dfrac{1}{2},\dfrac{1}{4},\dfrac{3}{4},\dfrac{1}{8},\dfrac{7}{8},\ldots,\dfrac{1}{2^n},\dfrac{2^n-1}{2^n},\ldots$

550. $\{x_n\}:\quad 1,\dfrac{1}{2},1+\dfrac{1}{2},\dfrac{1}{3},\dfrac{1}{2}+\dfrac{1}{3},\dfrac{1}{4},1+\dfrac{1}{4},\dfrac{1}{2}+\dfrac{1}{4},\dfrac{1}{3}+\dfrac{1}{4},\dfrac{1}{5},\ldots,\dfrac{1}{n},1+\dfrac{1}{n},\dfrac{1}{2}+$
$+\dfrac{1}{n},\ldots,\dfrac{1}{n-1}+\dfrac{1}{n},\dfrac{1}{n+1},\ldots$

551. $\{x_n\}:\quad \dfrac{1}{2},\dfrac{1}{3},\dfrac{2}{3},\dfrac{1}{4},\dfrac{2}{4},\dfrac{3}{4},\dfrac{1}{5},\dfrac{2}{5},\dfrac{3}{5},\dfrac{4}{5},\ldots.$

552. $x_n = \frac{1}{2}\left[(a+b)+(-1)^n \cdot (a-b)\right]$

553. Қисмий лимитлари ушбу

$$a_1, a_2, ..., a_p$$

сонларга тенг бўлган сонли кетма-кетликка мисол келтирилсин.

554. Қисмий лимитлари ушбу

$$a_1, a_2, ..., a_n, ...$$

кетма-кетликнинг барча ҳадларига тенг бўлган кетма-кетликка мисол келтирилсин.

555. Чекли қисмий лимитга эга бўлмаган кетма-кетликка мисол келтирилсин.

556. Яқинлашувчи бўлмаган, лекин ягона қисмий лимитга эга бўлган кетма-кетликка мисол келтирилсин.

557. Чексиз кўп қисмий лимитга эга бўлган кетма-кетликка мисол келтирилсин.

558. $[1;2]$ кесмадаги ихтиёрий ҳақиқий сон қисмий лимити бўлган кетма-кетликка мисол келтирилсин.

559. Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик яқинлашувчи ва $\{y_n\}$ кетма-кетлик узоқлашувчи бўлса, унда

а)$\{x_n + y_n\}$ б)$\{x_n \cdot y_n\}$

кетма-кетликнинг яқинлашиши тўғрисида нима дейиш мумкин?

560. Агар $\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ кетма-кетликлар узоқлашувчи бўлса, унда

а)$\{x_n + y_n\}$ б)$\{x_n \cdot y_n\}$

кетма-кетликлар узоқлашувчи бўладими?

561. Агар $\{x_n\}$ кетма-кетлик учун

$$\lim_{n\to\infty} x_n = 0$$

бўлиб, $\{y_n\}$-ихтиёрий кетма-кетлик бўлса,

$$\lim_{n\to\infty}(x_n \cdot y_n) = 0$$

тенглик ўринли бўладими?

562. Агар

$$\lim_{n\to\infty}\left(x_n \cdot y_n\right)=0$$

бўлса, унда

$$\lim_{n\to\infty} x_n = 0 \text{ ёки } \lim_{n\to\infty} y_n = 0$$

тенгликлардан бири ўринли бўладими?

Қуйидаги муносабатлар исботлансин.

563. $\lim x_n = a \Leftrightarrow \overline{\lim_{n\to\infty}} x_n = \underline{\lim_{n\to\infty}} x_n = a$

564. $\overline{\lim_{n\to\infty}}\left(-x_n\right) = -\underline{\lim_{n\to\infty}} x_n$

565. $\underline{\lim_{n\to\infty}} x_n + \underline{\lim_{n\to\infty}} y_n \le \underline{\lim_{n\to\infty}}\left(x_n + y_n\right) \le \underline{\lim_{n\to\infty}} x_n + \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n$

566. $\underline{\lim_{n\to\infty}} x_n + \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n \le \overline{\lim_{n\to\infty}}\left(x_n + y_n\right) \le \overline{\lim_{n\to\infty}} x_n + \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n$

567. Агар $x_n \ge 0$ ва $y_n \ge 0$ $\left(n \ge 1, 2, \ldots\right)$ бўлса,

$$\underline{\lim_{n\to\infty}} x_n \cdot \underline{\lim_{n\to\infty}} y_n \le \underline{\lim_{n\to\infty}}\left(x_n \cdot y_n\right) \le \underline{\lim_{n\to\infty}} x_n \cdot \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n$$

бўлади.

568. Агар $x_n \ge 0$ ва $y_n \ge 0$ $\left(n \ge 1, 2, \ldots\right)$ бўлса,

$$\underline{\lim_{n\to\infty}} x_n \cdot \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n \le \overline{\lim_{n\to\infty}}\left(x_n \cdot y_n\right) \le \overline{\lim_{n\to\infty}} x_n \cdot \overline{\lim_{n\to\infty}} y_n$$

бўлади.

565-568-мисолларда қатъий тенгсизлик ўринли бўладиган кетма-кетликларга мисоллар келтирилсин.

2-§. Функция лимити

1^0. Функция лимити таърифлари. Айтайлик $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда аниқланган бўлиб, $x_0 \in R$ нуқта X нинг лимит нуқтаси бўлсин.

1 – т а ъ р и ф (Г е й н е). *Агар* x_0 *нуқтага яқинлашувчи ихтиёрий* $\{x_n\}$ $\left(x_n \in X,\ \ x_n \ne x_0,\ \ n = 1, 2, \ldots\right)$ *кетма-кетлик учун*

$$\lim_{n\to\infty} f(x_n)=b$$

бўлса, b сон $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги лимити дейилади ва

$$\lim_{x\to x_0} f(x)=b$$

каби белгиланади.

2 – таъриф. (Коши). ***$\forall\varepsilon>0$ олинганда ҳам шундай $\delta=\delta(\varepsilon)>0$ топилсаки, $0<|x-x_0|<\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрий $x\in X$ учун***

$$|f(x)-b|<\varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, b сон $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги лимити дейилади.

2^0. Функциянинг бир томонли лимитлари. Айтайлик, $f(x)$ функция $(a,b]$ да аниқланган бўлиб, $x_0\in(a,b]$ бўлсин.

3 – таъриф. ***$\forall\varepsilon>0$ олинганда ҳам шундай $\delta=\delta(\varepsilon)>0$ топилсаки, $x_0-\delta<x<x_0$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрий $x\in(a,b]$ учун***

$$|f(x)-A|<\varepsilon$$

бўлса, A сон $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги чап лимити дейилади ва

$$\lim_{x\to x_0-0} f(x)=A \qquad (A=f(x_0-0))$$

каби белгиланади.

Айтайлик $f(x)$ функция $[a,\ b)$ да аниқланган бўлиб, $x_0\in[a,\ b)$ бўлсин.

4 – таъриф. ***$\forall\varepsilon>0$ олинганда ҳам шундай $\delta=\delta(\varepsilon)>0$ топилсаки, $x_0<x<x_0+\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрий $x\in[a,b)$ учун***

$$|f(x)-A|<\varepsilon$$

бўлса, A сон $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги ўнг лимити дейилади ва

$$\lim_{x\to x_0+0} f(x)=A \qquad (A=f(x_0+0))$$

каби белгиланади.

3^0. Функция лимити мавжудлиги ҳақидаги тасдиқлар.

1) $f(x)$ функция (a,b) да аниқланган бўлсин. Агар $f(x)$ функция (a,b) да ўсувчи бўлса, у ҳолда $f(x)$ функция a ва b нуқталарда бир томонли лимитларга эга бўлиб,

$$\lim_{x\to b-0} f(x)=\sup_{a<x<b}\{f(x)\}, \qquad \lim_{x\to a+0} f(x)=\inf_{a<x<b}\{f(x)\}$$

бўлади.

2) Агар $f(x)$ функция (a,b) да камаювчи бўлса, у ҳолда $f(x)$ функция a ва b нуқталарда бир томонли лимитларга эга бўлиб,

$$\lim_{x\to b-0} f(x)=\inf_{a<x<b}\{f(x)\}, \qquad \lim_{x\to a+0} f(x)=\sup_{a<x<b}\{f(x)\}$$

бўлади.

3) Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{x_0}$ нуқтада ўнг ва чап лимитларга эга бўлиб, улар бир-бирига тенг бўлса,

$$\lim_{x\to x_0+0} f(x) = \lim_{x\to x_0-0} f(x) = b,$$

у ҳолда $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{x_0}$ нуқтада лимитга эга ва

$$\lim_{x\to x_0} f(x) = b$$

бўлади.

4) Айтайлик, $\mathbf{f(x)}$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, $x_0 \in R$ нуқта шу тўпламнинг лимит нуқтаси бўлсин.

$\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{x_0}$ нуқтада лимитга эга бўлиши учун $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $\delta = \delta(\varepsilon) > 0$ топилиб, $0 < |x - x'| < \delta$, $0 < |x - x''| < \delta$ тенгсизликларни қаноатлантирувчи барча $x', x'' \in X$ да

$$|f(x') - f(x'')| < \varepsilon$$

бўлиши зарур ва етарли (Коши теоремаси).

4^0. **Функция лимитининг хоссалари.** $f(x)$ ва $g(x)$ функциялари $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, $x_0 \in R$ нуқта X нинг лимит нуқтаси бўлсин. Айтайлик, бу функция $\mathbf{x_0}$ нуқтада чекли

$$\lim_{x\to x_0} f(x), \quad \lim_{x\to x_0} g(x)$$

лимитларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) $\forall x \in X$ да $f(x) \le g(x)$ бўлса, $\lim\limits_{x\to x_0} f(x), \le \lim\limits_{x\to x_0} g(x)$ бўлади,

2) $\forall C \in R$ да $\lim\limits_{x\to x_0}(C \cdot f(x)) = C \cdot \lim\limits_{x\to x_0} f(x)$ бўлади,

3) $\lim\limits_{x\to x_0}(f(x) + g(x)) = \lim\limits_{x\to x_0} f(x) + \lim\limits_{x\to x_0} g(x)$,

4) $\lim\limits_{x\to x_0}(f(x) \cdot g(x)) = \lim\limits_{x\to x_0} f(x) \cdot \lim\limits_{x\to x_0} g(x)$,

5) $\lim\limits_{x\to x_0} \dfrac{f(x)}{g(x)} = \dfrac{\lim\limits_{x\to x_0} f(x)}{\lim\limits_{x\to x_0} g(x)} \quad \left(\lim\limits_{x\to x_0} g(x) \ne 0\right)$

5^0. **Чексиз катта ва чексиз кичик функциялар. Функцияларни солиштириш.** Айтайлик $\mathbf{f(x)}$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, $x_0 \in R$ нуқта шу тўпламнинг лимит нуқтаси бўлсин.

Агар $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $\delta = \delta(\varepsilon) > 0$ топилсаки, $0 < |x - x_0| < \delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча $x \in X$ да

$$|f(x)| > \varepsilon \quad (f(x) > \varepsilon; \;\; f(x) < -\varepsilon)$$

бўлса, $x \to x_0$ да $\mathbf{f(x)}$ функциянинг лимити ∞ $(+\infty; -\infty)$ дейилади ва

$$\lim_{x\to x_0} f(x) = \infty \qquad \left(\lim_{x\to x_0} f(x) = +\infty; \;\; \lim_{x\to x_0} f(x) = -\infty\right)$$

каби белгиланади.

Агар $\mathbf{f}(\mathbf{x})$ функциянинг лимити чексиз бўлса, у **чексиз катта функция** дейилади.

Агар

$$\lim_{x\to x_0} \varphi(x) = 0$$

бўлса, $\varphi(x)$ функция **чексиз кичик функция** дейилади.

Юқоридаги X тўпламда $\varphi(x)$ ва $\psi(x)$ функциялари аниқланган бўлсин.

Агар

$$\exists C>0, \quad \exists \delta>0, \quad \forall x\in X\cap\left(U_\delta(x_0)\setminus\{x_0\}\right): \qquad |\varphi(x)|\le C|\psi(x)|$$

бўлса, $x\to x_0$ да $\varphi(x)$ функция $\psi(x)$ **функцияга нисбатан чегараланган** дейилади ва $\varphi(x)=O(\psi(x))$ каби белгиланади.

Айтайлик, $x\to x_0$ да $\varphi(x)$ ва $\psi(x)$ лар чексиз кичик функциялар бўлсин. Агар

$$\varphi(x)=\alpha(x)\cdot\psi(x)$$

бўлиб, $x\to x_0$ да $\varphi(x)$ чексиз кичик функция бўлса, $x\to x_0$ да $\varphi(x)$ функция $\psi(x)$ **функцияга нисбатан юқори тартибли чексиз кичик функция** дейилади. ва $\varphi(x)=o(\psi(x))$ каби белгиланади.

Агар

$$\lim_{x\to 0}\frac{\varphi(x)}{x^p}=c \qquad (c\ne 0, \quad p>0)$$

бўлса, $\varphi(x)$ функция x **га нисбатан** p**-тартибли чексиз кичик функция** дейилади.

Агар

$$\lim_{x\to\infty}\frac{\varphi(x)}{x^p}=c \qquad (c\ne 0, p>0)$$

бўлса, $\varphi(x)$ функция x **га нисбатан** p**-тартибли чексиз катта функция** дейилади.

Агар $x\to x_0$ да $\varphi(x)-\psi(x)=o(\varphi(x))$ бўлса, $x\to x_0$ да $\varphi(x)$ ва $\psi(x)$ функциялар **эквивалент функциялар** дейилади ва $x\to x_0$ да $\varphi(x)\sim\psi(x)$ каби белгиланади.

Агар $x\to x_0$ да $\varphi_1(x)\sim\varphi_2(x)$, $\psi_1(x)\sim\psi_2(x)$ бўлиб,

$$\lim_{x\to x_0}\frac{\varphi_1(x)}{\psi_1(x)}=\kappa \qquad (\kappa\in R)$$

бўлса,

$$\lim_{x\to x_0}\frac{\varphi_2(x)}{\psi_2(x)}=\kappa$$

бўлади.

6^0. Муҳим лимитлар.

1) $\lim\limits_{x\to x_0}\dfrac{\sin x}{x}=1$.

2) $\lim\limits_{x\to\infty}\left(1+\frac{1}{x}\right)^{x}=e$ ёки 2') $\lim\limits_{x\to 0}(1+x)^{\frac{1}{x}}=e$

3 – м и с о л . ***Функция лимити таърифидан фойдаланиб***

$$\lim_{x\to\frac{\pi}{2}}\sin x=1$$

бўлиши исботлансин.

◄ $\forall\varepsilon>0$ сонни олиб, унга кўра δ ни $\delta=\varepsilon$ дейлик.

Унда $\left|x-\frac{\pi}{2}\right|<\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи барча x ларда

$$|\sin x-1|=\left|\sin x-\sin\frac{\pi}{2}\right|=2\left|\sin\frac{x-\frac{\pi}{2}}{2}\cos\frac{x-\frac{\pi}{2}}{2}\right|\le$$

$$\le 2\left|\sin\frac{x-\frac{\pi}{2}}{2}\right|\le\left|x-\frac{\pi}{2}\right|<\delta=\varepsilon$$

бўлади. Демак,

$$\lim_{x\to\frac{\pi}{2}}\sin x=1.\blacktriangleright$$

4 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\lim_{x\to 1}(1-x)\,tg\frac{\pi x}{2}$$

лимит ҳисоблансин.

◄Аввало $1-x=t$ деб оламиз. Унда $x\to 1$ да $t\to 0$ бўлади. Шуни эътиборга олиб топамиз:

$$\lim_{x\to 1}(1-x)tg\frac{\pi x}{2}=\lim_{t\to 0}t\cdot tg\frac{\pi}{2}(1-t)=\lim_{t\to 0}t\cdot ctg\frac{\pi t}{2}=\lim_{t\to 0}\frac{t\cos\frac{\pi y}{2}}{\sin\frac{\pi t}{2}}=\lim_{t\to 0}\frac{t}{\sin\frac{\pi t}{2}}=\frac{2}{\pi}.\blacktriangleright$$

Функция лимити таърифидан фойдаланиб қуйидаги тенгликлар исботлансин.

569. $\lim\limits_{x\to 4}\frac{x^2-16}{x-4}=8$

570. $\lim\limits_{x\to 4}\frac{x^2-16}{x^2-4x}=2$

571. $\lim\limits_{x\to -3}\frac{2x^2+5x-3}{x+3}=-7$

572. $\lim\limits_{x\to -1/3}\frac{3x^2-2x-1}{x+\frac{1}{3}}=-4$

573. $\lim\limits_{x\to 2}\frac{3x^2-5x-2}{x-2}=7$

574. $\lim\limits_{x\to -1}\frac{7x^2+8x+1}{x+1}=-6$

575. $\lim\limits_{x\to a}\cos x=\cos a$

576. $\lim\limits_{x\to 0}\sin x=0$

577. $\lim\limits_{x\to 3}\frac{1}{x-3}=\infty$

578. $\lim\limits_{x\to 0}\frac{\sqrt{x^2+1}-1}{x}=0$

579. $\lim\limits_{x\to 3}x^4=81$

580. $f(x)=\begin{cases}\frac{1}{1+x^2}, & агар \quad x\neq 0 \quad бўлса,\\ 0, & агар \quad x=0 \quad бўлса.\end{cases}$ $\lim\limits_{x\to 0}f(x)=1$

581. $\lim\limits_{x\to 0}x\sin\frac{1}{x}=0$

582. $\lim\limits_{x\to -2}\frac{1}{x^2+3x+2}=0$.

Қуйидаги функциялар *a* нуқтада лимитга эга эмаслиги исботлансин.

583. $f(x)=\frac{|x|}{x}, \qquad a=0$

584. $f(x)=\cos\frac{1}{x}, \qquad a=0$

585. $f(x)=\sin\frac{1}{x}, \qquad a=0$

586. $f(x)=\begin{cases}x^3+x^2+x+1, & агар \quad x\geq 1 \quad бўлса,\\ 0, & агар \quad x<1 \quad бўлса.\end{cases} \qquad a=1$

587. $f(x)=x-[x], \qquad a=2$

588. $f(x)=\begin{cases}e^x, & агар \quad x<0 \quad бўлса,\\ 2+x, & агар \quad x\geq 0 \quad бўлса.\end{cases} \qquad a=0$

589. $D(x)=\begin{cases}1, & агар \quad x \quad рационал \quad сон \quad бўлса,\\ 0, & агар \quad x \quad иррационал \quad сон \quad бўлса.\end{cases}$

$\mathbf{a}\in\mathbf{R}$ - ихтиёрий нуқта.

590. $f(x)=\begin{cases} x^2, & \text{агар} \quad x \quad \text{иррационал} \quad \text{сон} \quad \text{бўлса}, \\ 1, & \text{агар} \quad x \quad \text{рационал} \quad \text{сон} \quad \text{бўлса}. \end{cases}$ функция қандай нуқталарда лимитга эга?

591. $f(x)=[x]\cdot\dfrac{1}{x}$, функциянинг $x\to 0$ даги лимити мавжудми ?

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган нуқтадаги ўнг ва чап лимитлари топилсин.

592. $f(x)=\dfrac{x-|x|}{2x}, \qquad a=0$

593. $f(x)=\arccos(x-1), \qquad a=0$

594. $f(x)=2^{tgx}, \qquad a=\dfrac{\pi}{2}$

595. $f(x)=\begin{cases} \dfrac{\sin x}{x}, & \text{агар} \quad x>0 \quad \text{бўлса}, \\ \cos x, & \text{агар} \quad x\le 0 \quad \text{бўлса}. \end{cases} \qquad a=0$

596. $f(x)=\operatorname{sgn} x, \qquad a=0$

597. $f(x)=\operatorname{sgn}(\cos x), \qquad a=\dfrac{\pi}{2}$

598. $f(x)=\dfrac{1}{x+3^{\frac{1}{3-x}}}, \qquad a=3$

599. $f(x)=\dfrac{1}{x-[x]}, \qquad a=-1$

600. $f(x)=x+\lfloor x^2\rfloor, \qquad a=10$

601. $f(x)=\dfrac{\sin x}{|x|}, \qquad a=0$

602. $f(x)=\dfrac{\sqrt{1-\cos 2x}}{x}, \qquad a=0$

603. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x^n}{1+x^n}, \qquad a=1$

604. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{2x^n-3}{x^n-1}, \qquad a=1$

Қуйидаги лимитлар топилсин.

605. $\lim\limits_{x\to 4}\dfrac{x-4}{\sqrt{x}-2}$

606. $\lim\limits_{x\to 2}\dfrac{(x-2)^2}{x^3-8}$

607. $\lim\limits_{x\to 16}\dfrac{\sqrt[4]{x^3}-8}{\sqrt{x}-4}$

608. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{x^n-1}{x^m-1}, \quad (n,\ m\in N)$

609. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{\sqrt[m]{x}-1}{\sqrt[n]{x}-1} \quad (n,\ m\in N)$

610. $\lim\limits_{x\to 1}\left(\dfrac{n}{1-x^n}-\dfrac{m}{1-x^m}\right), \quad (n,m\in N)$

611. $\lim\limits_{x\to 5}\dfrac{\sqrt{6-x}-1}{3-\sqrt{4+x}}$

612. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{\sqrt[3]{1+\dfrac{4}{x}}-\sqrt[4]{1+\dfrac{3}{x}}}{1-\sqrt[5]{1-\dfrac{5}{x}}}$

613. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{x}{\sqrt[n]{1+ax}\cdot\sqrt[m]{1+bx}-1}, \quad (n,m\in N)$

614. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\left(\sqrt{1+x^2}+x\right)^n-\left(\sqrt{1+x^2}-x\right)^n}{x}, \quad n\in N$

615. $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{\sqrt{x+\sqrt{x+\sqrt{x}}}}{\sqrt{x+1}}$

616. $\lim\limits_{x\to 1}\dfrac{x+x^2+...+x^n-n}{x-1}, \quad n\in N$

617. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x^2-1}{x^2+1}\right)^{\frac{x-1}{x+1}}$

618. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{x^2+1}{x^2-2}\right)^{x^2}$

619. $\lim\limits_{x\to 0}\sqrt[x]{1-2x}$

Қуйидаги лимитлар топилсин.

620. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin mx^2}{nx^2}$

621. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}\dfrac{\cos x}{\frac{\pi}{2}-x}$

622. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\sin x}{\sin 6x-\sin 7x}$

623. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos 3x^3-1}{\sin^6 2x}$

624. $\lim\limits_{x\to a}\dfrac{\sin x-\sin a}{x}$

625. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{2}{\sin 2x\cdot\sin x}-\dfrac{1}{\sin^2 x}\right)$

626. $\lim\limits_{x\to\pi}\dfrac{\sin x}{\pi^2-x^2}$

627. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{1-\cos x\cdot\sqrt{\cos x}}{tgx^2}$

628. $\lim\limits_{x\to\infty}x^2\left(\cos\dfrac{1}{x}-\cos\dfrac{3}{x}\right)$

629. $\lim\limits_{n\to\infty}\sin^2\pi\sqrt{n^2+n}$

630. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\cos x\cdot\cos^2 2x\cdot\cos^3 3x}{x^2}$

631. $\lim\limits_{x\to a}\left(\dfrac{\sin x}{\sin a}\right)^{\frac{1}{x^2-a^2}}$

632. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}(\sin x)^{tgx}$

633. $\lim\limits_{x\to\frac{\pi}{2}}(\sin x)^{tg^2 x}$

634. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{shx}{x}$

635. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{ch2x-1}{\cos x-1}$

636. $\lim\limits_{x\to 0}\left(\dfrac{ch2x}{chx}\right)^{\frac{1}{x^2}}$

637. $\lim\limits_{x\to 0}(\sin x+\cos x)^{\frac{1}{2x}}$

638. $\lim\limits_{x\to\infty}x\left(3^{\frac{1}{x}}-1\right)$

639. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^{7x}-e^{2x}}{tgx}$

640. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{e^{\sin 5x}-e^{\sin x}}{\ln(1+2x)}$

641. $\lim\limits_{x\to\infty} x^2\left(4^{\frac{1}{x}}-4^{\frac{1}{x+1}}\right)$

642. $\lim\limits_{x\to 0}\dfrac{\ln\cos 5x}{\ln\cos 4x}$

643. $\lim\limits_{x\to\infty}\left(\dfrac{a^x+b^x}{2}\right)^{\frac{1}{x}}$ $(a>0,\ b>0)$

644. $\lim\limits_{x\to +0}\left(\dfrac{1+\sin x-\cos x}{1+\sin 4x-\cos 4x}\right)^{\frac{1}{x}}$

645. $\lim\limits_{x\to +0}\dfrac{\arccos(1-x)}{\sqrt{x}}$

646. a) $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\sqrt{x^2+x}-x\right)$; b) $\lim\limits_{x\to +\infty}\left(\sqrt{x^2+x}-x\right)$

647. a) $\lim\limits_{x\to -\infty}\left(\sqrt{1+x+x^2}-\sqrt{1-x+x^2}\right)$; b) $\lim\limits_{x\to +\infty}\left(\sqrt{1+x+x^2}-\sqrt{1-x+x^2}\right)$

Қуйидаги функцияларнинг графиклари чизилсин.

648. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\left(1-x^{2n}\right)$ $(-1\le x\le 1)$

649. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x^n}{1+x^n}$ $(x\ge 0)$

650. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt{x^2+\dfrac{1}{n^2}}$

651. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{1+x^n}$ $(x\ge 0)$

652. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{1+x^n+\left(\dfrac{x^2}{2}\right)^n}$ $(x\ge 0)$

653. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\sin^{2n} x$

654. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{\ln\left(2^n+x^n\right)}{n}$ $(x\ge 0)$

655. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}(x-1)\,\mathrm{arctg}\,x^n$

656. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар a нуқтада лимитга эга бўлмаса, $f(x)\pm g(x)$, $f(x)\cdot g(x)$ функцияларнинг бу нуқтадаги лимити ҳақида нима дейиш мумкин? Мисоллар келтирилсин.

657. $f(x)=\operatorname{sgn}\sin\dfrac{1}{x}$ функция $x\to 0$ да лимитга эга эмаслиги кўрсатилсин.

658. Агар $\lim\limits_{x\to a}\left[f(x)+\dfrac{1}{|f(x)|}\right]=0$ бўлса, $\lim\limits_{x\to a}f(x)$ топилсин.

659. Агар $f(x)>0$ бўлиб, $\lim\limits_{x\to a}\left[f(x)+\dfrac{1}{f(x)}\right]=2$ бўлса, у ҳолда $\lim\limits_{x\to a}f(x)=1$ экани исботлансин.

660. Агар $f(x)$ функция даврий бўлиб, $\lim\limits_{x\to\infty}f(x)=C$ бўлса, у ҳолда $f(x)=C$ эканлиги кўрсатилсин.

661. Даврий функция $x\to+\infty$ да чексиз катта бўлиши мумкинми?

662. Даврий функция чегараланмаган бўлиши мумкинми?

663. $\lim\limits_{n\to\infty}\left(\cos\dfrac{x}{2}\cdot\cos\dfrac{x}{2^2}\cdot\ldots\cdot\cos\dfrac{x}{2^n}\right)$ топилсин.

664. $[0;+\infty)$ оралиқда аниқланган, қийматлар тўплами $[0;+\infty)$ оралиқдан иборат $f(x)$ функция $x=0$ нуқта атрофида чегараланган бўлиб, бу функция учун $x\geq 0$, $y\geq 0$ ларда

$$f(x+y)=f(x)+f(y)$$

муносабат ўринли бўлса, $\lim\limits_{x\to\infty}\dfrac{f(x)}{x}$ лимит мавжудлиги исботлансин.

α ва β ларнинг қандай қийматларда $f(x)$ функция чексиз кичик бўлади?

665. $f(x)=\dfrac{x^2\cdot(x-1)}{(x+1)^2}-\alpha x-\beta,\qquad x\to\infty$

666. $f(x)=\sqrt[3]{x^2-x^3}-\alpha x-\beta$, $\quad x\to+\infty$

667. $f(x)=\dfrac{xe^x}{e^x-1}-\alpha x-\beta$, $\quad x\to+\infty$

668. $f(x)=x^\alpha\cdot\sin\dfrac{1}{x^\beta}$, $\quad x\to+0$

669. $f(x)=\left(1-x^\alpha\right)^{x^\beta}$, $\quad x\to+0$

670. $f(x)=\dfrac{\ln\left(1+x^\alpha\right)}{x^\beta}$, $\quad x\to+0$

671. $f(x)=\sqrt{4x^2+x+1}-\alpha x-\beta$, $\quad x\to+\infty$

α ва β ларнинг қандай қийматларида $f(x)$ ва $g(x)=\alpha x^\beta$ функциялар эквивалент бўлади?

672. $f(x)=\sqrt{2x+\sqrt{x+\sqrt{x}}}$ $\quad$ а) $x\to+0$, $\quad$ б) $x\to+\infty$

673. $f(x)=\sqrt{1-2x}-\sqrt[3]{1-3x}$, $\quad x\to 0$

674. $f(x)=\sin^2 2x+\arcsin^2 x+2arctgx^2$, $\quad x\to 0$

675. $f(x)=1-\cos\left(1-\cos\dfrac{1}{x}\right)$, $\quad x\to\infty$

$x\to 0$ да чексиз кичик функциянинг тартиби n аниқлансин.

676. $f(x)=3\sin^2 x^2-5x^2$

677. $f(x)=\sqrt{4-x^4}+x^2-2$

678. $f(x)=1-x^4-\cos x^2$

679. $f(x)=2\sin x-tg2x$

680. $f(x)=\sin\left(\sqrt{x^2+9}-3\right)$

Чексиз катта функциянинг тартиби n аниқлансин.

681. $f(x)=\dfrac{x^5}{2-x+3x^2}$, $\quad x\to\infty$

682. $f(x)=\sqrt{x^4-x+1}$, $\quad x\to\infty$

683. $f(x)=\dfrac{\sqrt{x}}{\sqrt{x+2}-2\sqrt{x+1}+\sqrt{x}}$, $\quad x\to+\infty$

684. $f(x)=\dfrac{\ln x}{(x-1)^2}$, $\quad x\to 1$

685. $f(x)=ctg^2 x^3$, $\quad x\to 0$

686. $f(x)=\dfrac{1-\cos x\cdot\sqrt{\cos 2x}}{x^5}$, $\quad x\to 0$

Қуйидаги муносабатлар исботлансин.

687. $o(o(f))=o(f)$

688. $O(o(f))=o(f)$

689. $O(O(f))=O(f)$

690. $o(f)+O(f)=O(f)$

691. $o(f)\cdot O(f)=o(f)$

$\overline{\lim\limits_{x\to 0}} f(x)$ **ва** $\underline{\lim\limits_{x\to 0}} f(x)$ **лар топилсин.**

692. $f(x)=e^{\cos\left(\frac{1}{x^2}\right)}$

693. $f(x)=\dfrac{1}{x^2}\sin^2\dfrac{1}{x}$

694. $f(x)=arcctg\dfrac{1}{x}$

695. $f(x)=\sqrt{\dfrac{1}{x^2}-\dfrac{1}{x}}-\dfrac{1}{x}$

$\overline{\lim\limits_{x\to\infty}} f(x)$ **ва** $\underline{\lim\limits_{x\to\infty}} f(x)$ **лар топилсин.**

696. $f(x)=\dfrac{\pi}{2}\cos^2 x+arctgx$

697. $f(x)=\dfrac{1+x+6x^2}{1-x+2x^2}\cdot\sin x^2$

698. $f(x)=\left(\sqrt{4x^2+x+1}-\sqrt{4x^2-x+1}\right)\cdot(1+\cos 2x)$

699. $f(x)=(1+\cos^2 x)^{\frac{1}{\cos^2 x}}$.

3-§. Функциянинг узлуксизлиги

1^0. Функция узлуксизлиги таърифи. $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда аниқланган бўлиб, $x_0 \in X$ нуқта шу тўпламнинг лимит нуқтаси бўлсин.

5 – т а ъ р и ф . *Агар*

$$\lim_{x \to x_0} f(x) = f(x_0)$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада у з л у к с и з дейилади.

Одатда, $x - x_0 = \Delta x$ - **аргумент орттирмаси**, $f(x) - f(x_0) = \Delta f(x_0)$ - **функция орттирмаси** дейилади.

Агар

$$\lim_{\Delta x \to 0} \Delta f(x_0) = 0$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада у з л у к с и з дейилади.

Айтайлик, x_0 ва X лар учун шундай $\delta > 0$ мавжуд бўлсинки,

$$(x_0 - \delta, x_0] \subset X$$

бўлсин. ***Агар***

$$\forall \varepsilon > 0, \quad \exists \delta > 0, \quad \forall x \in (x_0 - \delta, x_0] \ : \ |f(x) - f(x_0)| < \varepsilon$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада ч а п д а н у з л у к с и з дейилади.

Бу ҳолда $f(x_0 - 0) = f(x_0)$ бўлади.

Айтайлик, x_0 ва X лар учун шундай $\delta > 0$ мавжуд бўлсинки,

$$[x_0, x_0 + \delta) \subset X$$

бўлсин. ***Агар***

$$\forall \varepsilon > 0, \quad \exists \delta > 0, \quad \forall x \in [x_0, x_0 + \delta) \ : \ |f(x) - f(x_0)| < \varepsilon$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада ў н г д а н у з л у к с и з дейилади. Бу ҳолда $f(x_0 + 0) = f(x_0)$ бўлади.

Агар $f(x)$ функция X тўпламнинг ҳар бир нуқтасида узлуксиз бўлса, функция шу X т ў п л а м д а у з л у к с и з дейилади.

2^0. Функциянинг узилиши, узилишининг турлари. Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтада узлуксиз бўлмаса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада узилади дейилади, x_0 эса функциянинг **узилиш нуқтаси** дейилади.

Маълумки, $f(x)$функция x_0 нуқтада узлуксиз бўлиши учун:

1) x_0 нуқтада ўнг ва чап лимитлари

$$f(x_0 + 0), \ f(x_0 - 0) \tag{1}$$

мавжуд,

2) $$f(x_0 - 0) = f(x_0) = f(x_0 + 0) \tag{2}$$

тенгликнинг бажарилиши зарур ва етарли эди.

Агар (1) лимитлар мавжуд ва чекли бўлиб, (2) тенгликнинг бирортаси бажарилмаса, x_0 нуқта $f(x)$ функциянинг **биринчи тур узилиш нуқтаси** дейилади.

Бу ҳолда $f(x)$ функция x_0 нуқтада сакрашга эга дейилиб, $|f(x_0+0)-f(x_0-0)|$ миқдор унинг **сакраши** дейилади.

Агар ҳеч бўлмаганда (1) лимитларининг биттаси мавжуд бўлмаса, (ёки чексиз бўлса) x_0 нуқта $f(x)$ функциянинг **иккинчи тур узилиш нуқтаси** дейилади.

3^0. Узлуксиз функцияларнинг хоссалари. Фараз қилайлик, $f(x)$ функция $[a,b]$ сегментда узлуксиз бўлсин. У ҳолда:

1) $f(x)$ функция $[a,b]$ да чегараланган бўлади;

2) $f(x)$ функция $[a,b]$ да ўзининг аниқ юқори ва аниқ қуйи чегараларига эришади, яъни

$$\exists x_* \in [a,b],\ f(x_*)=\inf\{f(x)\},$$
$$\exists x^* \in [a,b],\ f(x^*)=\sup\{f(x)\}$$

бўлади;

3) $f(a)\cdot f(b)<0$ бўлганда, шундай $x_0\in(a,b)$ топиладики, $f(x_0)=0$ бўлади;

4)Чегаралари $f(a)$ва $f(b)$ бўлган сегментдан олинган ихтиёрий C сони учун шундай $c\in[a,b]$ нуқта топиладики, $f(c)=C$ бўлади.

5 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\mathrm{f}(\mathrm{x})=\begin{cases}\mathrm{x}, & \text{агар } \mathrm{x}-\text{рационал сон бўлса,}\\ -\mathrm{x}, & \text{агар } \mathrm{x}-\text{иррационал сон бўлса}\end{cases}$$

функциянинг $x_0=0$ нуқтада узлуксиз бўлиши кўрсатилсин.

◄Равшанки, бу функциянинг $x_0=0$ нуқтадаги орттирмаси

$$\Delta f(0)=f(0+\Delta x)-f(0)=\begin{cases}\Delta x, & \text{агар } \Delta x-\text{рационал сон бўлса,}\\ -\Delta x, & \text{агар } \Delta x-\text{иррационал сон бўлса}\end{cases}$$

бўлади. Унда

$$\lim_{\Delta x\to 0}\Delta f(x_0)=0$$

бўлади. Демак, берилган функция $x_0=0$ нуқтада узлуксиз.►

6 – м и с о л . ***Узлуксиз функция хоссаларидан фойдаланиб, ушбу***

$$\sin x-\cos x>0$$

тенгсизлик ечилсин.

◄Равшанки, $f(x)=\sin x-\cos x$ функция узлуксиз. Бу функцияни $[0,2\pi]$ оралиқда қараймиз. $f(x)$ функция $[0,2\pi]$ оралиқнинг $x_1=\frac{\pi}{4}$, $x_2=\frac{5\pi}{4}$ нуқталарида нолга айланади: $f\left(\frac{\pi}{4}\right)=f\left(\frac{5\pi}{4}\right)=0$. Узлуксиз функциянинг хоссасига кўра $f(x)$ функция

$$\left[0,\frac{\pi}{4}\right),\ \left(\frac{\pi}{4},\frac{5\pi}{4}\right),\ \left(\frac{5\pi}{4},2\pi\right]$$

оралиқларнинг ҳар бирида ишора сақлайди. $f\left(\frac{\pi}{2}\right) > 0$ бўлганлиги сабабли $\left(\frac{\pi}{4}, \frac{5\pi}{4}\right)$ да $f\left(\frac{\pi}{2}\right) > 0$ бўлади. Демак, берилган тенгсизликнинг ечими

$$\frac{\pi}{4} + 2k\pi < x < \frac{5\pi}{4} + 2k\pi \qquad (k = 0, \pm1, \pm2, ...)$$

бўлади.►

700. $f(x)$ функция x_0 нуқтада узлуксизлигининг геометрик талқини берилсин.

701. $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтада бир томондан (ўнгдан ва чапдан) узлуксиз бўлиши таърифлари келтирилсин.

702. $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтада узлуксиз бўлиши зарурий ва етарли шартлари келтирилсин.

703. Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтада узлуксиз бўлса, у ҳолда $|f(x)|$ функциянинг ҳам шу нуқтада узлуксиз бўлиши исботлансин.

704. Агар $f(x)$ функция a нуқтада узлуксиз бўлса, $\varphi(x) = f(bx + c)$ $(b \neq 0)$ функция $\frac{a-c}{b}$ нуқтада узлуксиз бўлиши исботлансин.

Берилган $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтада узлуксиз эканлиги таъриф ёрдамида исботлансин.

705. $f(x) = 2x^2 - 4$, $\qquad x_0 = 3$

706. $f(x) = -3x^2 + 8$, $\qquad x_0 = 5$

707. $f(x) = \sqrt{x}$, $\qquad x_0 = 2$

708. $f(x) = x^4$, $\qquad x_0 = 3$

709. $f(x) = \frac{1}{x}$, $\qquad x_0 = 1$

Берилган функцияларнинг ўзининг аниқланиш соҳасида узлуксиз бўлиши кўрсатилсин.

710. $f(x)=\sin x$

711. $f(x)=|x|$

712. $f(x)=x^3$

713. $f(x)=\sqrt[3]{x}$

714. $f(x)=\dfrac{1}{x}$

Қуйидаги функциялар узлуксизликка текширилсин ва графиклари чизилсин.

715. $f(x)=Sgnx$

716. $f(x)=[x]$

717. $f(x)=\dfrac{|x+2|}{x+2}$

718. $f(x)=\dfrac{|x-1|}{x^2-x^3}$

719. $f(x)=Sgn\left(e^x-1\right)$

720. $f(x)=Sgn(\sin x)$

721. $f(x)=x-[x]$

722. $f(x)=\dfrac{1}{x-[x]}$

723. $f(x)=\left[\dfrac{1}{x}\right]$

724. $f(x)=\dfrac{x}{\sin x}$

725. $f(x)=\dfrac{x}{\cos x}$

726. $f(x)=e^{-\frac{1}{x}}$

727. $f(x)=\begin{cases}\dfrac{x^2-9}{x-3}, & \text{агар} \quad x\neq 3 \quad \text{бўлса},\\ A, \quad \text{агар} \quad x=3 \quad \text{бўлса}.\end{cases}$

728. $f(x)=\begin{cases}x\sin\dfrac{1}{x}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \quad \text{бўлса},\\ 0, & \text{агар} \quad x=0 \quad \text{бўлса}.\end{cases}$

729. Ҳеч бир нуқтада узлуксиз бўлмаган функцияга мисол келтирилсин.

730. Фақат биргина $x_0\in R$ нуқтада узлуксиз, бошқа нуқталарда узлуксиз бўлмаган функцияга мисол келтирилсин.

731. $f(x)+g(x)$ функция бирор $\mathbf{x_0}$ нуқтада биринчи тур узилишига эга бўлса, у ҳолда $f(x)$ ва $g(x)$ функцияларнинг камида биттаси $\mathbf{x_0}$ нуқтада биринчи тур узилишга эга бўлиши шартми?

732. $f(x)\cdot g(x)$ функция бирор $\mathbf{x_0}$ нуқтада иккинчи тур узилишга эга бўлса, у ҳолда $f(x)$ ва $g(x)$ функцияларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси $\mathbf{x_0}$ нуқтада иккинчи тур узилишга эга бўлиши шартми?

Қуйидаги функциялар А нинг қандай қийматларида узлуксиз бўлиши аниқлансин.

733. $$\mathbf{f(x)=\begin{cases} \dfrac{(1+x)^n-1}{x}, & \text{агар } x\neq 0 \text{ бўлса,} \\ A, & \text{агар } x=0 \text{ бўлса.} \end{cases}}$$

734. $$\mathbf{f(x)=\begin{cases} x\cdot ctgx, & \text{агар } x\neq 0,\ |x|<\dfrac{\pi}{2} \text{ бўлса,} \\ A, & \text{агар } x=0 \text{ бўлса.} \end{cases}}$$

735. $$\mathbf{f(x)=\begin{cases} \dfrac{a^x-1}{x}, & \text{агар } x\neq 0 \text{ бўлса,} \\ A, & \text{агар } x=0 \text{ бўлса.} \end{cases} \quad (a>0)}$$

736. $$f(x)=\begin{cases} (\pi+2x)tgx, & \textit{агар } -\pi<x<\dfrac{\pi}{2},\ x\neq-\dfrac{\pi}{2} \textit{ бўлса,} \\ A, & \textit{агар } x=-\dfrac{\pi}{2} \textit{ бўлса.} \end{cases}$$

737. $$f(x)=\begin{cases} \dfrac{x}{\ln(1+2x)}, & \textit{агар } x\neq 0 \textit{ бўлса,} \\ A, & \textit{агар } x=0 \textit{ бўлса.} \end{cases}$$

738. $$f(x)=\begin{cases} (1+x)^{\frac{1}{x}}, & \textit{агар } x\neq 0 \textit{ бўлса,} \\ A, & \textit{агар } x=0 \textit{ бўлса.} \end{cases}$$

739. $f(x)=\begin{cases} e^{-\frac{1}{x^2}}, & \text{агар } x \neq 0 \text{ бўлса,} \\ A, & \text{агар } x = 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$

740. $f(x)=\begin{cases} e^{x}, & \text{агар } x < 0 \text{ бўлса,} \\ A+x, & \text{агар } x \geq 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$

741. $f(x)=\begin{cases} x\ln x^2, & \text{агар } x \neq 0 \text{ бўлса,} \\ A, & \text{агар } x = 0 \text{ бўлса.} \end{cases}$

Қуйидаги функциялар узлуксизликка текширилсин ва уларнинг графиклари чизилсин.

742. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{1}{1+x^n} \quad (x \geq 0)$

743. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x^{2n}-1}{x^{2n}+1}$

744. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x+e^{nx}}{1+xe^{nx}}$

745. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x+x^2e^{nx}}{1+e^{nx}}$

746. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\sqrt[n]{1+x^{2n}}$

747. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\dfrac{x}{1+(2\sin x)^{2n}}$

748. $f(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\cos^{2n} x$

749. $f(x)=[x]\cdot\sin\pi x$

750. $f(x)=x\cdot[x]$

751. $f(x)=x^2-[x^2]$

752. $f(x)=\dfrac{1}{\sin(x^2)}$

753. $f(x)=\operatorname{sgn}\left(\cos\dfrac{1}{x}\right)$

754. $f(g(x))$ ва $g(f(x))$ фунциялар узлуксизликка текширилсин.

а) $f(x)=\operatorname{sgn} x, \qquad g(x)=1+x^2$

б) $f(x)=\operatorname{sgn} x, \qquad g(x)=x(1-x^2)$

в) $f(x)=\operatorname{sgn} x, \qquad g(x)=1+x-[x]$.

755. $f(g(x))$ мураккаб функция x_0 нуқтада биринчи тур (иккинчи тур) узилишга эга бўлса, $g(x)$ нинг x_0 нуқтада албатта биринчи тур (иккинчи тур) узилишга эга бўлиши шартми?

756. Монотон функциянинг узлуксизлиги ва узилиши ҳақидаги теоремалар келтирилсин.

757. Монотон, лекин узлуксиз бўлмаган функцияларга мисол келтирилсин.

758. Вейерштрасс теоремаларида $[a,b]$ кесма ўрнига (a,b) ёки $[a,b]\cup[c,d]$ қаралса тасдиқ ўринли бўладими?

759. $[a,b]$ кесмада чегараланган ихтиёрий $f(x)$ функция узлуксиз бўладими?

760. Узлуксиз бўлмаган функциялар учун Вейерштрасс теоремалари ўринлими?

761. Ушбу $xe^x=1$ тенглама $(0,1)$ оралиқда ҳеч бўлмаганда битта илдизга эга эканлиги кўрсатилсин.

762. Агар $f(x)$ функция A ва B тўпламларда узлуксиз бўлса, у ҳолда бу функциянинг $A\cup B$ тўпламда узлуксизлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

763. Агар $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $[a,b]$ кесмада узлуксиз бўлса, у ҳолда $p(x)=\max\{f(x),g(x)\}$, $q(x)=\min\{f(x),g(x)\}$, $x\in[a,b]$, функциялар ҳам $[a,b]$ да узлуксиз бўлиши кўрсатилсин.

764. $f(x)$ функция $[a,c]\cup[c,b]$ кесмаларда узлуксиз бўлсин. $f(x)$ функциянинг $[a,b]$ кесмада узлуксиз бўлиши учун етарли шарт келтирилсин ва исботлансин.

765. Агар $f(x)$ функция $\forall[a,b]\subset X$ кесмада узлуксиз бўлса, у ҳолда у X тўпламда узлуксиз бўлиши исботлансин $(a<b)$.

766. Тескари функциянинг мавжудлиги ва узлуксизлиги ҳақида теорема келтирилсин ва исботлансин.

767. $f(x)$ функция $[0;1]$ кесмада аниқланган, монотон бўлиб, $f(0)=0$ ва $f(1)=1$ бўлсин. Агар $\forall x\in[0;1]$ учун шундай $n\in N$ топилсаки,

$$\underbrace{f(f\ldots f(f(x)))}_{n\ \text{та}}=x$$

муносабат бажарилса, $[0;1]$ оралиқда $f(x)=x$ экани исботлансин

768. $f(x)$ функция R да узлуксиз бўлиб, $\forall x\in R$ учун

$$f(f(x))=x$$

муносабат бажарилса, у ҳолда шундай c нуқта топилиб, $f(c)=0$ бўлиши исботлансин.

769. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар узлуксиз ва бир хил даврли бўлсин. Агар

$$\lim_{x\to\infty}[f(x)-g(x)]=0$$

бўлса,

$$f(x)=g(x)$$

бўлиши исботлансин.

770. Ушбу

$$f(x)=\begin{cases} \sin\dfrac{1}{x-a}, & \text{агар } x\neq a \text{ бўлса,}\\ 0, & \text{агар } x=a \text{ бўлса.}\end{cases}$$

функциянинг ихтиёрий $[a,b]$ кесмадаги қийматлари $[f(a);\ f(b)]$ кесмани тўлдириши, лекин $f(x)$ функциянинг $[a,b]$ кесмада узлуксиз бўлмаслиги кўрсатилсин.

771. Агар $f(x)$ функция $[a;+\infty]$ да узлуксиз бўлиб, чекли $\lim\limits_{x\to+\infty} f(x)$ лимитга эга бўлса, унда $f(x)$ функциянинг $[a;+\infty]$ да чегараланган бўлиши исботлансин.

772. Агар $f(x)$ функция

1) $[a,b]$ кесмада аниқланган ва монотон,

2) унинг қийматлари тўплами $[f(a);\ f(b)]$ кесмани туташ тўлдирса,

у ҳолда $f(x)$ функциянинг $[a,b]$ кесмада узлуксиз бўлиши кўрсатилсин.

4-§. Функциянинг текис узлуксизлиги

1^0. Функциянинг текис узлуксизлиги тушунчаси. Айтайлик, $f(x)$ функция $X\subset R$ тўпламда берилган бўлсин.

Агар $\forall\varepsilon>0$ ***олинганда ҳам шундай*** $\delta=\delta(\varepsilon)>0$ ***топилсаки,*** $|x'-x''|<\delta$ ***тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрий*** $x',x''\in X$ ***учун***

$$|f(x')-f(x'')|<\varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, $f(x)$ *функция* X *тўпламда текис узлуксиз дейилади.*

2^0. **Кантор теоремаси.** *Агар* $f(x)$ *функция* $[a,b]$ *сегментда узлуксиз бўлса, у ҳолда* $f(x)$ *функция* $[a,b]$ *да текис узлуксиз бўлади.*

Ушбу

$$\omega(f;X)=\operatorname{Sup}\{|f(x')-f(x'')| \ : \ \forall x',x''\in X\}$$

миқдор $f(x)$ функция X тўпламдаги **тебраниши** дейилади.

Агар $f(x)$ функция $[a,b]$ да узлуксиз бўлса, $\forall\varepsilon>0$ учун шундай $\delta>0$ топиладики, $[a,b]$ сегмент узунликлари $\delta>0$ дан кичик бўлакчаларга ажратилганда ҳар бир бўлакчадаги функция тебраниши ε дан кичик бўлади.

7 – мисол. *Ушбу*

$$f(x)=\sin x$$

функциянинг $(-\infty;+\infty)$ *да текис узлуксиз бўлиши исботлансин.*

◄ $\forall\varepsilon>0$ сонни олиб, унга кўра δ ни $\delta=\varepsilon$ деймиз. Унда $|x_1-x_2|<\delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрий $x_1,x_2\in(-\infty;+\infty)$ учун

$$|\sin x_1-\sin x_2|=\left|2\cos\frac{x_1+x_2}{2}\sin\frac{x_1-x_2}{2}\right|\le 2\cdot 1\cdot\left|\frac{x_1-x_2}{2}\right|=|x_1-x_2|<\delta=\varepsilon$$

бўлишини топамиз. Демак, $f(x)=\sin x$ функция $(-\infty;+\infty)$ да текис узлуксиз.►

$y=f(x)$ функциянинг X тўпламда текис узлуксиз эканлиги таъриф ёрдамида кўрсатилсин ($\delta=\delta(\varepsilon)$ топилсин).

773. $f(x)=3x-5$, $X=(-\infty;+\infty)$.

774. $f(x)=x^2-x+1$, $X=(-3;4)$.

775. $f(x)=\dfrac{1}{x}$, $X=[0,2;1]$.

776. $f(x)=\sqrt{x}$, $X=[0;+\infty)$.

777. $f(x)=\sqrt[3]{x}$, $X=[0;2]$.

778. $f(x)=x^3-1$, $X=[-2;3]$.

779. $f(x)=\dfrac{1}{x-2}$, $X=[3;4]$.

780. $f(x)=3\sin x+2\cos x$, $X=(-\infty;+\infty)$.

$\mathbf{y=f(x)}$ **функциянинг X тўпламда текис узлуксиз эмаслиги исботлансин.**

781. $f(x)=\dfrac{1}{x}$ $\qquad X=(0;1)$.

782. $f(x)=\sin\dfrac{1}{x}$, $\qquad X=(0;1)$.

783. $f(x)=\cos\dfrac{1}{x}$, $\qquad X=(0;1)$.

784. $f(x)=x^2$ $\qquad X=(-\infty;+\infty)$.

785. $f(x)=\dfrac{1}{x-3}$ $\qquad X=(3;5)$.

786. $f(x)=\ln x$ $\qquad X=(0;1)$.

Қуйидаги функциялар берилган оралиқда текис узлуксизликка текширилсин.

787. $f(x)=\dfrac{\sin x}{x}$ $\quad (0<x<\pi)$

788. $f(x)=x^2$ $\quad (-10<x<10)$

789. $f(x)=x\sin x$ $\quad (0\le x<\infty)$

790. $f(x)=e^x$ $\quad (-\infty<x<+\infty)$

791. $f(x)=\cos x\cdot\cos\dfrac{\pi}{x}$ $\quad (0<x<1)$

792. $f(x)=x\sin\dfrac{1}{x}$ $\quad (0<x<\pi)$

793. $f(x)=\sin\sqrt{x}$ $\quad (1\le x<+\infty)$

794. $f(x)=e^{-\arcsin x}$ $\quad (-1\le x\le 1)$

795. $f(x)=\begin{cases} x+1, & \text{агар } x\le 0 \text{ бўлса,} \\ e^{-x}, & \text{агар } x>0 \text{ бўлса} \end{cases}$ $\quad X=(-\infty;+\infty)$

796. $f(x)=x+\sin x,$ $\quad X=(-\infty;+\infty)$

Айтайлик, $\mathbf{f(x)}$ *функция* $\mathbf{X \subset R}$ *тўпламда берилган бўлиб,* $\delta > 0$ *бўлсин. Ушбу*

$$\omega_f(\delta) = \mathbf{Sup}\{|f(x') - f(x'')| \ : \ \forall x', x'' \in X, \ |x' - x''| < \delta\}$$

миқдор $\mathbf{f(x)}$ *функциянинг* $\mathbf{X}$ *тўпламидаги* ***у з л у к с и з л и к   м о д у л и*** *дейилади.*

Қуйидаги функцияларнинг берилган ораликдаги узлуксизлик модуллари топилсин.

797. $\mathbf{f(x) = 2x - 1, \quad X = (-\infty; +\infty)}$ **798.** $\mathbf{f(x) = x^2, \quad X = [-e; e]}$

799. $\mathbf{f(x) = \frac{1}{x}, \quad X = [a; +\infty), \ a > 0}$ **800.** $\mathbf{f(x) = \frac{1}{x^2}, \quad X = (0; 1)}$

801. $\mathbf{f(x) = x^3, \quad X = (-\infty; +\infty)}$ **802**. $\mathbf{f(x) = \ln x, \quad X = [1; +\infty)}$

803. $\mathbf{f(x) = \cos x, \quad X = (-\infty; +\infty)}$

804. Агар $\delta_1 < \delta_2$ бўлса, $\omega_f(\delta_1) \le \omega_f(\delta_2)$ тенгсизлик исботлансин.

805. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ тўпламда чегараланган бўлса, у ҳолда $\forall\delta > 0$ учун $\omega_f(\delta) < +\infty$ экани исботлансин.

806. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция чегараланган $\mathbf{X}$ тўпламда аниқланган бўлиб, чегараланмаган бўлса, у ҳолда $\forall\delta > 0$ учун $\omega_f(\delta) = +\infty$ эканлиги исботлансин.

807. $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{a}$ нуқтада текис узлуксиз деган жумла маънога эгами?

808. $\mathbf{(a, b)}$ ораликда текис узлуксиз функция шу ораликда чегараланган бўладими?

809. Функция текис узлуксизлигининг геометрик талқини ифодалансин.

810. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ тўпламда узлуксиз бўлса, у берилган тўпламда текис узлуксиз бўладими?

811. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{[a, b]}$ ва $\mathbf{[b, c]}$ кесмаларда текис узлуксиз бўлса, у ҳолда у $\mathbf{[a, c]}$ кесмада ҳам текис узлуксизлиги исботлансин.

812. Агар 811-мисолда $\mathbf{[b, c]}$ кесма ўрнига $\mathbf{(b, c]}$ оралиқ олинса, $\mathbf{f(x)}$ функциянинг $\mathbf{[a, c]}$ кесмада текис узлуксизлиги ҳақида нима дейиш мумкин?

813. Агар $\mathbf{f(x)}$ ва $\mathbf{g(x)}$ функциялар $\mathbf{X}$ тўпламда текис узлуксиз бўлса, у ҳолда $\forall\alpha,\beta\in\mathbf{R}$ лар учун $\alpha\cdot\mathbf{f(x)}+\beta\cdot\mathbf{g(x)}$ функция ҳам $\mathbf{X}$ тўпламда текис узлуксиз экани исботлансин.

814. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{A}$ ва $\mathbf{B}$ тўпламларда текис узлуксиз бўлса, у ҳолда у $\mathbf{A}\cap\mathbf{B}$ тўпламда ҳам текис узлуксиз бўлиши исботлансин.

815. Мураккаб функциянинг текис узлуксиз бўлиши учун бирорта етарли шарт келтирисин ва исботлансин.

816. Узлуксиз даврий функция текис узлуксиз бўлиши исботлансин.

817. Чекли ёки чексиз интервалда узлуксиз, чегараланган монотон функциянинг текис узлуксизлиги исботлансин.

818. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $[\mathbf{a},\mathbf{b}]$ кесмада текис узлуксиз бўлмаса, у ҳолда унинг ҳеч бўлмаганда $[\mathbf{a},\mathbf{b}]$ ораликдаги бирорта нуқтада узилишга эга эканлиги исботлансин.

819. Чекли $(\mathbf{a},\mathbf{b})$ ораликда $\mathbf{f(x)}$ функция текис узлуксиз бўлиши учун, унинг $(\mathbf{a},\mathbf{b})$ ораликда узлуксиз бўлиб, чекли

$$\lim_{x\to a+0}\mathbf{f(x)},\quad \lim_{x\to b-0}\mathbf{f(x)}$$

лимитларнинг мавжуд бўлиши зарур ва етарлилиги исботлансин.

820. Агар $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ тўпламда α-тартибли Гёлдер шартини қаноатлантирса, яъни шундай $\mathbf{k>0}$ ва $\alpha>\mathbf{0}$ сонлар топилсаки, $\forall\mathbf{x_1}\in\mathbf{X}$ ва $\forall\mathbf{x_2}\in\mathbf{X}$ лар учун

$$|\mathbf{f(x_1)-f(x_2)}|\le|\mathbf{x_1-x_2}|^{\alpha}$$

тенгсизлик бажарилса, унда $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{X}$ тўпламда текис узлуксиз бўлиши исботлансин.

821. $[\mathbf{a},+\infty)$ ораликда текис узлуксиз бўлган шундай $\mathbf{f(x)}$ ва $\mathbf{g(x)}$ функциялар топилсинки, $\mathbf{f(x)-g(x)}$ функция $[\mathbf{a},+\infty)$ да текис узлуксиз бўлмасин.

822. $[\mathbf{a},+\infty)$ оралиқда чегараланган ва текис узлуксиз функцияларнинг кўпайтмаси ҳам шу оралиқда текис узлуксиз бўлиши исботлансин.

IV-БОБ.
Функциянинг ҳосиласи ва унинг геометрик ҳамда механик маънолари

1-§.Функция ҳосиласи, унинг геометрик ва механик маънолари

1^0. Ҳосила таърифи. $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, $x_0 \in X$ бўлсин. $x \in X$ учун $\Delta x = x - x_0$, $\Delta f(x_0) = f(x) - f(x_0)$ $(x \neq x_0)$ дейлик. Унда $\Delta f(x_0) = f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)$ бўлади.

Агар ушбу

$$\lim_{x \to x_0} \frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{\Delta x \to 0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x}$$

лимит мавжуд ва чекли бўлса, у берилган $f(x)$ функциянинг x_0 **нуқтадаги ҳосиласи** дейилади. Уни

$$\frac{df(x)}{dx}, \quad \text{ёки } f'(x_0), \quad \text{ёки } (f(x_0))'$$

каби белгиланади.

2^0.Ҳосила ҳисоблаш қоидалари. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялари $f'(x)$ ва $g'(x)$ ҳосилаларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) $(c \cdot f(x))' = c \cdot f'(x)$, $c \in R$;

2) $(f(x) + g(x))' = f'(x) + g'(x)$;

3) $(f(x) \cdot g(x))' = f'(x)g(x) + f(x)g'(x)$;

4) $\left(\dfrac{f(x)}{g(x)}\right)' = \dfrac{f'(x)g(x) - f(x)g'(x)}{g^2(x)}$, $(g(x) \neq 0)$;

бўлади.

Фараз қилайлик, $y = f(x)$ ва $x = \varphi(t)$ функциялари ёрдамида $y = f(\varphi(t))$ мураккаб функция ҳосил қилинган бўлсин.

5) Агар $f'(x)$ ва $\varphi'(t)$ ҳосилалар мавжуд бўлса, **мураккаб функциянинг ҳосиласи**

$$(f(\varphi(t)))'_t = f'(x)\varphi'(t) = f'(\varphi(t)) \cdot \varphi'(t)$$

бўлади.

Айтайлик, $y = f(x)$ функцияга тескари $x = f^{-1}(y)$ функция мавжуд бўлиб, $f'(x) \neq 0$ бўлсин.

6) Тескари функциянинг ҳосиласи

$$x' = \left(f^{-1}(y)\right)' = \frac{1}{f'(x)}$$

бўлади.

3^0. Ҳосилалар жадвали. Асосий содда функция ҳосилаларининг формулаларини келтирамиз:

1) $(c)' = 0, \quad c = const$

2) $\left(x^{\alpha}\right)' = \alpha \cdot x^{\alpha-1}, \quad \alpha \in R, \quad x > 0,$

$\left(x^{n}\right)' = n \cdot x^{n-1}, \quad n \in N, \quad x \in R \setminus \{0\}.$

3) $\left(a^{x}\right)' = a^{x} \ln a, \quad a > 0, \quad a \neq 1, \quad x \in R$

$\left(e^{x}\right)' = e^{x}, \quad x \in R$

4) $\left(\log_a x\right)' = \dfrac{1}{x \ln a}, \quad a > 0, \quad a \neq 1, \quad x > 0$

$\left(\log_a |x|\right)' = \dfrac{1}{x \ln a}, \quad a > 0, \quad a \neq 1, \quad x \neq 0$

$\left(\ln x\right)' = \dfrac{1}{x}, \quad x > 0$

$\left(\ln |x|\right)' = \dfrac{1}{x}, \quad x \neq 0$

5) $(\sin x)' = \cos x, \quad x \in R$

6) $(\cos x)' = -\sin x, \quad x \in R$

7) $(tgx)' = \dfrac{1}{\cos^2 x}, \quad x \neq \dfrac{\pi}{2} + \pi n, \quad n \in Z$

8) $(ctgx)' = -\dfrac{1}{\sin^2 x}, \quad x \neq \pi n, \quad n \in Z$

9) $(\arcsin x)' = \dfrac{1}{\sqrt{1-x^2}}, \quad |x| < 1$

10) $(\arccos x)' = -\dfrac{1}{\sqrt{1-x^2}}, \quad |x| < 1$

11) $(arctgx)' = \dfrac{1}{1+x^2}, \quad x \in R$

12) $(arcctgx)' = -\dfrac{1}{1+x^2}, \quad x \in R$

13) $(shx)' = chx, \quad x \in R$

14) $(chx)' = shx, \quad x \in R$

15) $\left(\mathrm{thx}\right)' = \dfrac{1}{\mathrm{ch}^2 x}$, $x \in R$

16) $\left(\mathrm{cthx}\right)' = -\dfrac{1}{\mathrm{sh}^2 x}$, $x \in R$, $x \neq 0.$

4^0. Бир томонли ҳосилалар. $f(x)$ функция $X \subset R$ тўпламда берилган бўлиб, $x_0 \in X$, $x_0 + \Delta x \in X$ бўлсин.

Агар

$$\lim_{x \to x_0 + 0} \frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{\Delta x \to +0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x}$$

лимит мавжуд бўлса, бу лимит $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги **ўнг ҳосиласи** дейилади ва $f'(x_0 + 0)$ каби белгиланади.

Агар

$$\lim_{x \to x_0 - 0} \frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{\Delta x \to -0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x}$$

лимит мавжуд бўлса, бу лимит $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги **чап ҳосиласи** дейилади ва $f'(x_0 - 0)$ каби белгиланади.

$f(x)$ функция x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлиши учун унинг шу нуқтада ўнг $f'(x_0 + 0)$ ва чап $f'(x_0 - 0)$ ҳосилаларининг мавжуд бўлиб,

$$f'(x_0 + 0) = f'(x_0 - 0) = f'(x_0)$$

бўлиши зарур ва етарли.

5^0. Чексиз ҳосилалар. Агар

$$\lim_{\Delta x \to 0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x} = +\infty$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада **мусбат чексиз ҳосилага** эга дейилади.

Агар

$$\lim_{\Delta x \to 0} \frac{f(x_0 + \Delta x) - f(x_0)}{\Delta x} = -\infty$$

бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада **манфий чексиз ҳосилага** эга дейилади.

6^0.Параметрик кўринишда берилган функциянинг ҳосиласи. Фараз қилайлик, $x = x(t)$ ва $y = y(t)$ функциялар t_0 нуқтанинг атрофида берилган бўлиб, улар $x_0 = x(t_0)$ нуқтанинг атрофида $y = f(x)$ функцияни аниқласин.

Агар $x(t)$ ва $y(t)$ функциялар t_0 нуқтада ҳосилага эга бўлиб, $x'_t(t_0) \neq 0$ бўлса, $y = f(x)$ функция x_0 нуқтада ҳосилага эга ва у ушбу

$$y'_x = \frac{y'_t(t_0)}{x'_t(t_0)}$$

формула билан топилади.

7^0. **Ҳосиланинг геометрик ва механик маънолари.** $f(x)$ функция (a,b) да берилган бўлиб, $x_0 \in (a,b)$ нуқтада $f'(x_0)$ ҳосилага эга бўлсин. Бу ҳосила $y = f(x)$ функция тасвирлаган эгри чизиққа $(x_0, f(x_0))$ нуқтада ўтказилган уринма ***l*** нинг **бурчак коэффициентини** ифодалайди (5-чизма).



$tg\alpha = f'(x_0)$

5-чизма.

Бунда **уринма тенгламаси**

$$y - f(x_0) = f'(x_0)\cdot(x - x_0),$$

нормалнинг тенгламаси

$$y - f(x_0) = -\frac{1}{f'(x_0)}(x - x_0), \quad (f'(x_0) \neq 0)$$

кўринишда бўлади.

Айтайлик, нуқта тўғри чизиқ бўйлаб $S = S(t)$ қонун билан ҳаракат қилсин, бунда t-вақт, S-ўтилган йўл. Бу функциянинг ҳосиласи $S'(t)$ ҳаракатдаги нуқтанинг t вақтдаги **оний тезлиги** $V(t)$ ни ифодалайди:

$$V(t) = S'(t)$$

1 – м и с о л . *Агар* $f(x) = x\cdot|x|$ ***бўлса,*** $f'(x_0)$ ***топилсин.***

◄Айтайлик, $x_0 > 0, \quad x > 0$ ва $x \neq x_0$ бўлсин. Унда

$$\lim_{x\to x_0}\frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{x\to x_0}\frac{x\cdot|x| - x_0\cdot|x_0|}{x - x_0} = \lim_{x\to x_0}\frac{x^2 - x_0{}^2}{x - x_0} = 2|x_0|$$

бўлади.

Айтайлик, $x_0 < 0$, $x < 0$ ва $x \neq x_0$ бўлсин. У ҳолда

$$\lim_{x\to x_0}\frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{x\to x_0}\frac{-x^2 + x_0{}^2}{x - x_0} = -2x_0 = 2|x_0|$$

бўлади.

Айтайлик, $x_0 = 0, \quad x \neq x_0$ бўлсин. У ҳолда

$$\lim_{x\to x_0}\frac{f(x) - f(x_0)}{x - x_0} = \lim_{x\to 0}\frac{x|x|}{x} = 0$$

бўлади. Демак, $f'(x_0)=2|x_0|$.►

2 – м и с о л . ***Ушбу***

$$f(x)=\begin{cases} x\cdot\sin\frac{1}{x}, & x\neq 0 \\ 0, & x=0 \end{cases}$$

функция $x_0=0$ ***нуқтада ҳосилага эга бўладими?***

◄Бу функция учун

$$\frac{f(x)-f(x_0)}{x-x_0}=\frac{x\cdot\sin\frac{1}{x}}{x}=\sin\frac{1}{x}$$

бўлиб, $x\to x_0=0$ лимит мавжуд эмас. Демак, берилган функция $x_0=0$ нуқтада ҳосилага эга эмас.►

3 – м и с о л . ***Параметрик кўринишда берилган ушбу***

$$\begin{cases} x=a\sin t+\sin at, \\ y=a\cos t+\cos at \end{cases}$$

Функциянинг ҳосиласи топилсин.

◄ x ва y функцияларнинг параметр t бўйича ҳосилаларини топамиз:

$$x'_t=a\cos t+a\cos at,\qquad y'_t=-a\sin t-a\sin at$$

Унда

$$\frac{dy}{dx}=y'_x=\frac{y'_t}{x'_t}=-\frac{a(\sin t+\sin at)}{a(\cos t+\cos at)}=\frac{2\sin\frac{t+at}{2}\cdot\cos\frac{t-at}{2}}{2\cos\frac{t+at}{2}\cdot\cos\frac{t-at}{2}}=-\mathrm{tg}\frac{1+a}{2}t$$

бўлади.►

4 – м и с о л . ***Ушбу***

$$y=x^2-4x$$

параболага абсциссаси $x=1$ ***бўлган нуқтада ўтказилган уринма ва нормалнинг тенгламалари топилсин.***

◄Абсциссаси $x=1$ параболадаги нуқтанинг ординатаси $y=-3$ бўлади. Параболага $(1,-3)$ нуқтада ўтказилган уринманинг бурчак коэффициентини топамиз:

$$y'=2x-4,\qquad y'(1)=-2$$

Демак, уринманинг тенгламаси

$$y+3=-2(x-1),\ \text{яъни}\ 2x+y+1=0,$$

нормалнинг тенгламаси эса

$$y+3=\frac{1}{2}(x-1),\ \text{яъни}\ x-2y-7=0$$

бўлади.►

5 – м и с о л . ***Ушбу***

$$12y=x^3$$

кубик парабола бўйича харакат қилаётган нуқтанинг координаталаридан қайси бири тезроқ ўзгаради?

◄Қаралаётган x ва y ларнинг t вақтнинг функцияси деб топамиз:

$$12\frac{dy}{dx} = 3x^2\frac{dx}{dt}$$

Бу тенгликдан

$$\frac{dy}{dt} : \frac{dx}{dt} = \frac{x^2}{4}$$

бўлиши келиб чиқади.

Равшанки, бу тенгликнинг чап томонидаги нисбат нуқта ординатасининг ўзгариш тезлигининг шу нуқта абсциссасининг ўзгариш тезлигига нисбатидан иборат бўлиб, у $|x| < 2$ бўлганда бирдан кичик, $|x| = 2$ бўлганда бирга тенг, $|x| > 2$ бўлганда эса бирдан катта бўлади. Демак,

1) $-2 < x < 2$ бўлганда нуқтанинг ординатаси унинг абсциссасига қараганда секинроқ ўзгаради;

2) $x = \pm 2$ бўлганда абсциссаси ҳамда ординатасининг ўзгариш тезлиги бир ҳил бўлади;

3) $x < -2$ ва $x > 2$ бўлганда нуқтанинг ординатаси унинг абсциссасига қараганда тезроқ ўзгаради.►

Таъриф ёрдамида $f'(x_0)$ топилсин:

823. $f(x) = x^2,\ \ x_0 = 0{,}1$

824. $f(x) = 2\sin 3x,\ \ x_0 = \frac{\pi}{6}$

825. $f(x) = 1 + \ln 2x,\ \ x_0 = 1$

826. $f(x) = x + \mathrm{ctg}x,\ \ x_0 = \frac{\pi}{4}$

Таъриф ёрдамида $f'(x)$ топилсин:

827. $f(x) = x^3 + 2x$

828. $f(x) = \frac{1}{x}$

829. $f(x) = \sqrt{x}$

830. $f(x) = x\sqrt[3]{x}$

831. $f(x) = \frac{1}{1+x^2}$

832. $f(x) = 2^{x+1}$

833. $f(x) = \ln x$

834. $f(x) = \sin 2x$

835. $f(x) = \mathrm{ctg}x + 2$

836. $f(x) = \arcsin x$

837. $f(x) = \arccos 3x$

838. $f(x) = 7\mathrm{arctg}(x+1)$

Ҳосилалар жадвалидан фойдаланиб, қуйидаги функцияларнинг ҳосилалари топилсин.

839. $y = \frac{2x}{1-x^2}$

840. $y = \frac{1+x-x^2}{1-x+x^2}$

841. $y=\frac{x}{(1-x)^2(1+x)^3}$

842. $y=\frac{(2-x^2)(2-x^3)}{(1-x)^2}$

843. $y=\frac{(1-x)^p}{(1+x)^q}$

844. $y=\frac{x^p(1-x)^q}{1+x}$

845. $y=x+\sqrt{x}+\sqrt[3]{x}$

846. $y=\frac{1}{x}+\frac{1}{\sqrt{x}}+\frac{1}{\sqrt[3]{x}}$

847. $y=\sqrt[3]{x^2}-\frac{2}{\sqrt{x}}$

848. $y=x\sqrt{1+x^2}$

849. $y=(1+x)\sqrt{2+x^2}\sqrt[3]{3+x^3}$

850. $y=\sqrt[m+n]{(1-x)^m(1+x)^n}$

851. $y=\frac{x}{\sqrt{a^2-x^2}}$

852. $y=\sqrt[3]{\frac{1+x^3}{1-x^3}}$

853. $y=\frac{1}{\sqrt{1+x^2}\left(x+\sqrt{1+x^2}\right)}$

854. $y=\sqrt{x+\sqrt{x+\sqrt{x}}}$

855. $y=\sqrt[3]{1+\sqrt[3]{1+\sqrt[3]{x}}}$

856. $y=\cos 2x-2\sin x$

857. $y=(2-x^2)\cos x+2x\sin x$

858. $y=\sin(\cos^2 x)\cdot\cos(\sin^2 x)$

859. $y=\sin^n x\cos nx$

860. $y=\sin[\sin(\sin x)]$

861. $y=\frac{\sin^2 x}{\sin x^2}$

862. $y=\frac{\cos x}{2\sin^2 x}$

863. $y=\frac{1}{\cos^n x}$

864. $y=\frac{\sin x-x\cos x}{\cos x+x\sin x}$

865. $y=\operatorname{tg}\frac{x}{2}-\operatorname{ctg}\frac{x}{2}$

866. $y=\operatorname{tg}x-\frac{1}{3}\operatorname{tg}^3x+\frac{1}{5}\operatorname{tg}^5x$

867. $y=4\sqrt[3]{\operatorname{ctg}^2x}+\sqrt[3]{\operatorname{ctg}^8x}$

868. $y=\sec^2\frac{x}{a}+\operatorname{cosec}^2\frac{x}{a}$

869. $y=\sin\left[\cos^2\left(\operatorname{tg}^3x\right)\right]$

870. $y=\ln x^3-\frac{9}{x}-\frac{27}{2x^2}$

871. $y=\left(\sqrt{2}\right)^x+\left(\sqrt{5}\right)^{-x}$

872. $y=(x^2-7x+8)e^x$

873. $y=2^x\ln|x|$

874. $y=e^x\log_2 x$

875. $y=\log_2 x\cdot\ln x\cdot\log_3 x$

876. $y=\log_x 2$

877. $y=\log_x 2^x$

878. $y=\left(\frac{1-x^2}{2}\cdot\sin x-\frac{(1-x)^2}{2}\cdot\cos x\right)e^{-x}$

879. $y=e^x\left(1+\operatorname{ctg}\frac{x}{2}\right)$

880. $y=\frac{\ln 3\cdot\sin x+\cos x}{3^x}$

881. $y=e^{ax}\cdot\frac{a\sin bx-b\cos bx}{\sqrt{a^2+b^2}}$

882. $y=e^x+e^{e^x}+e^{e^{e^x}}$

883. $y=\left(\frac{a}{b}\right)^x\left(\frac{b}{x}\right)^a\left(\frac{x}{a}\right)^b\quad(a>0\,,b>0)$

884. $y=x^{a^a}+a^{x^a}+a^{a^x}\quad(a>0)$

885. $y=\lg^3 x^2$

886. $y=\ln(\ln(\ln x))$

887. $y=\ln\left(\ln^2\left(\ln^3 x\right)\right)$

888. $y=\frac{1}{2}\ln(1+x)-\frac{1}{4}\ln\left(1+x^2\right)-\frac{1}{2(1+x)}$

889. $y=\frac{1}{4}\ln\frac{x^2-1}{x^2+1}$

890. $y=\frac{1}{4\left(1+x^4\right)}+\frac{1}{4}\ln\frac{x^4}{1+x^4}$

891. $y=\frac{1}{2\sqrt{6}}\ln\frac{x\sqrt{3}-\sqrt{2}}{x\sqrt{3}+\sqrt{2}}$

892. $y=\frac{1}{1-k}\ln\frac{1+x}{1-x}+\frac{\sqrt{k}}{1-k}\ln\frac{1+x\sqrt{k}}{1-x\sqrt{k}}\quad(0<k<1)$

893. $y=\sqrt{x+1}-\ln\left(1+\sqrt{x+1}\right)$

894. $y=\ln\left(x+\sqrt{x^2+1}\right)$

895. $y=x\ln\left(x+\sqrt{x^2+1}\right)-\sqrt{x^2+1}$

896. $y=x\ln^2\left(x+\sqrt{1+x^2}\right)-2\sqrt{1+x^2}\ln\left(x+\sqrt{1+x^2}\right)+2x$

897. $y=\frac{x}{2}\sqrt{x^2+a^2}+\frac{a^2}{2}\ln\left(x+\sqrt{x^2+a^2}\right)$

898. $y=\frac{1}{2\sqrt{ab}}\ln\frac{\sqrt{a}+x\sqrt{b}}{\sqrt{a}-x\sqrt{b}}\quad(a>0\,,b>0)$

899. $y=\frac{2+3x^2}{x^4}\sqrt{1-x^2}+3\ln\frac{1+\sqrt{1-x^2}}{x}$

900. $y=\ln\operatorname{tg}\frac{x}{2}$

901. $y = \ln \operatorname{tg}\left(\frac{x}{2} + \frac{\pi}{4}\right)$

902. $y = \frac{1}{2}\operatorname{ctg}^2 x + \ln \sin x$

903. $y = \ln\sqrt{\frac{1 - \sin x}{1 + \sin x}}$

904. $y = -\frac{\cos x}{2\sin^2 x} + \ln\sqrt{\frac{1 + \cos x}{\sin x}}$

905. $y = \ln\frac{b + a\cos x + \sqrt{b^2 - a^2}\cdot \sin x}{a + b\cos x} \quad (0 \le |a| < |b|)$

906. $y = \frac{1}{x}\left(\ln^3 x + 3\ln^2 x + 6\ln x + 6\right)$

907. $y = \frac{1}{4x^4}\ln\frac{1}{x} - \frac{1}{16x^4}$

908. $y = \frac{3}{2}\cdot\left(1 - \sqrt[3]{1 + x^2}\right) + 3\ln\left(1 + \sqrt[3]{1 + x^2}\right)$

909. $y = \ln\left[\frac{1}{x} + \ln\left(\frac{1}{x} + \ln\frac{1}{x}\right)\right]$

910. $y = x[\sin(\ln x) - \cos(\ln x)]$

911. $y = \ln \operatorname{tg}\frac{x}{2} - \cos x \cdot \ln \operatorname{tg} x$

912. $y = \arcsin\frac{x}{2}$

913. $y = \arccos\frac{1 - x}{\sqrt{2}}$

914. $y = \frac{1}{\sqrt{2}}\operatorname{arcctg}\frac{\sqrt{2}}{x}$

915. $y = \operatorname{arctg}\frac{x^2}{a}$

916. $y = \sqrt{x} - \operatorname{arctg}\sqrt{x}$

917. $y = x + \sqrt{1 - x^2}\cdot \arccos x$

$$918.\ y = x\cdot\arcsin\sqrt{\frac{x}{1+x}} + \operatorname{arctg}\sqrt{x} - \sqrt{x}$$

$$919.\ y = \arccos\frac{1}{x}$$

$$920.\ y = \arcsin(\sin x)$$

$$921.\ y = \arccos(\cos^2 x)$$

$$922.\ y = \arcsin(\sin x - \cos x)$$

$$923.\ y = \arccos\sqrt{1-x^2}$$

$$924.\ y = \operatorname{arctg}\frac{1+x}{1-x}$$

$$925.\ y = x + x^x + x^{x^x} \quad (x>0)$$

$$926.\ y = x^{x^a} + x^{a^x} + a^{x^x} \quad (a>0, \quad x>0)$$

$$927.\ y = \sqrt[x]{x} \quad (x>0)$$

$$928.\ y = (\sin x)^{\cos x} + (\cos x)^{\sin x}$$

$$929.\ y = (\ln x)^x : x^{\ln x}$$

$$930.\ y = \left[\frac{\arcsin(\sin^2 x)}{\arccos(\cos^2 x)}\right]^{\operatorname{arctg}^2 x}$$

$$931.\ y = \log_x e$$

$$932.\ y = \ln(\operatorname{ch}x) + \frac{1}{2\operatorname{ch}^2 x}$$

$$933.\ y = \frac{\operatorname{ch}x}{\operatorname{sh}^2 x} - \ln\left(\operatorname{cth}\frac{x}{2}\right)$$

$$934.\ y = \operatorname{arctg}(\operatorname{th}x)$$

$$935.\ y = \arccos\left(\frac{1}{\operatorname{ch}x}\right)$$

$$936.\ y = \frac{b}{a}\cdot x + \frac{2\sqrt{a^2-b^2}}{a}\cdot\operatorname{arctg}\left(\sqrt{\frac{a-b}{a+b}}\cdot\operatorname{th}\frac{x}{2}\right) \quad (0 \le |b| < a)$$

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган нуқтада ҳосилаларининг мавжудлигига текширилсин:

937. $f(x)=|x|, \quad x_0=0$

938. $f(x)=|(x-1)(x-2)|, \quad x_0=1, \; x_0=2$

939. $f(x)=|x^3|, \quad x_0=0$

940. $f(x)=x\cdot|x|, \quad x_0=0$

941. $f(x)=|\sin x|, \quad x_0=\pi$

942. $f(x)=|x^2-x|, \quad x_0=1$

943. $f(x)=\begin{cases} x^2, & \text{агар } x>0 \text{ бўлса}, \\ x^4, & \text{агар } x\le 0, \end{cases} \quad x_0=0$

944. $f(x)=\begin{cases} 0, & \text{агар } x\ge 0 \text{ бўлса}, \\ x^2, & \text{агар } x<0, \end{cases} \quad x_0=0$

945. $f(x)=\begin{cases} x\cdot\cos\dfrac{1}{x}, & \text{агар } x\ne 0 \text{ бўлса}, \\ 0, & \text{агар } x=0, \end{cases} \quad x_0=0$

944. $f(x)=\begin{cases} x^3, & \text{агар } x\le 0 \text{ бўлса}, \\ e^{-\frac{1}{x}}, & \text{агар } x<0, \end{cases} \quad x_0=0$

945. $f(x)=\begin{cases} x^2\left|\cos\dfrac{\pi}{x}\right|, & \text{агар } x\ne 0 \text{ бўлса}, \\ 0, & \text{агар } x=0, \end{cases} \quad x_0=0$

946. $f(x)=\begin{cases} x, & \text{агар } x-\text{рационал сон бўлса}, \\ 0, & \text{агар } x-\text{иррационал сон бўлса}, \end{cases} \quad x_0=0$

947. $f(x)=\begin{cases} x^2, & \text{агар } x-\text{рационал сон бўлса}, \\ 2(x-1), & \text{агар } x-\text{иррационал сон бўлса}, \end{cases} \quad x_0=0$

Қуйидаги функцияларнинг кўрсатилган нуқталарда ўнг ва чап ҳосилаларининг мавжудлигига текширилсин.

948. $f(x)=\left|2^x-2\right|,\quad x=1$

949. $f(x)=\sqrt{\sin x^2},\quad x=0,\quad x=\sqrt{\pi}$

950. $f(x)=\arccos\frac{1}{x},\quad x=1,\quad x=-1$

951. $f(x)=\begin{cases} x^4\sin\frac{1}{x}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 0, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0$

952. $f(x)=\begin{cases} x, & \text{агар} \quad x\leq 0 \\ \sqrt[3]{x^4}\ln x, & \text{агар} \quad x>0, \end{cases} \qquad x=0$

953. $f(x)=\begin{cases} \frac{1}{1+e^{\frac{1}{x}}}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 0, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0$

954. $f(x)=\begin{cases} \frac{|\sin x|}{|x|}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 1, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0$

955. $f(x)=\begin{cases} x\cdot\sin\frac{1}{x^2}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 0, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0$

956. $f(x)=|x-1|\cdot e^x,\quad x=1$

957. $f(x)=\begin{cases} e^{\frac{1}{x}}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 0, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0$

958. $f(x)=\begin{cases} \frac{1-\cos x}{x}, & \text{агар} \quad x\neq 0 \\ 0, & \text{агар} \quad x=0, \end{cases} \qquad x=0,\quad x=1$

959. Бутун сонлар ўқида аниқланган ва иккита нуқтада ҳосилага эга бўлмаган функцияга мисол келтирилсин.

960. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар X тўпламда аниқланган бўлиб, $f(x)$ функция $x_0\in X$ нуқтада ҳосилага эга, $g(x)$ эса бу нуқтада ҳосилага эга бўлмасин.У ҳолда

$$\text{а)}\, f(x) \pm g(x), \qquad \text{б)}\, f(x)\cdot g(x)$$

функцияларнинг x_0 нуқтадаги ҳосиласи ҳақида нима дейиш мумкин? Мисоллар келтирилсин.

961.Агар 960-мисолда $f(x)$ функция ҳам x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлмаса, у ҳолда $f(x)\pm g(x)$ ва $f(x)\cdot g(x)$ функцияларнинг x_0 нуқтадаги ҳосиласи ҳақида нима дейиш мумкин? Мисоллар келтирилсин.

962.Бутун сонлар ўқида аниқланган ва фақат n та нуқтада ҳосилага эга бўлган функцияга мисол келтирилсин.

963.Ҳосилага эга бўлган жуфт функциянинг ҳосиласи тоқ функция эканини исботлансин.

964.Ҳосилага эга бўлган тоқ функциянинг ҳосиласи жуфт функция эканини исботлансин.

965.Ҳосиласи жуфт функция бўлган, ўзи тоқ бўлмаган функцияга мисол келтирилсин.

966.Агар $f(x)$ функциянинг ҳосиласи $f'(x)$ тоқ функция бўлса, у ҳолда $f(x)$ функция жуфт эканини исботлансчин.

967.Агар ҳосилага эга бўлган $f(x)$ функция даврий бўлиб, унинг даври T бўлса, у ҳолда $f'(x)$ функция ҳам даврий бўлиб, унинг даври T га тенг бўлишини исботлансин.

968.Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтанинг бирор атрофида ҳосилга эга бўладими?

969.Бутун сонлар ўқида аниқланган бўлиб, ихтиёрий $x\in R$ нуқтада ҳосилага эга бўлмаган, лекин квадрати $\forall x\in R$ нуқтада ҳосилага эга бўлган функцияга мисол келтирилсин.

970.Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлса, у ҳолда $\left\{n\left(f\left(x_0+\frac{1}{n}\right)-f(x_0)\right)\right\}$ кетма-кетлик яқинлашувчи эканини исботлансин.

971. x_0 нуқтада ҳосилага эга бўлмаган $f(x)$ ва $g(x)$ функциялардан тузилган мураккаб функцияларнинг ҳосилалари ҳақида нима дейиш мумкин? Мисоллар келтирилсин.

Кўрсатилган нуқталарда тескари функцияларнинг ҳосилалари топилсин:

972. $y = x + \frac{1}{5}x^5, \quad y = 0, \quad y = \frac{6}{5}$

973. $y = 2x - \frac{\cos x}{2}, \quad y = -\frac{1}{2}$

974. $y = 0{,}1x + e^{0{,}1x}, \quad y = 1$

975. $y = 2x^2 - x^4, \quad x > 1, \quad y = 0$

976. $y = 2x^2 - x^4, \quad 0 < x < 1, \quad y = \frac{3}{4}$

Тескари функциянинг ҳосиласи топилсин, уларнинг аниқланиш соҳалари кўрсатилсин.

977. $y = x + \ln x, \quad x > 0$

978. $y = x + e^x$

979. $y = \frac{x^2}{1 + x^2}, \quad x < 0$

980. $y = \mathrm{ch}x, \quad x > 0$

Параметрик кўринишда берилган $y = y(x)$ функция учун y'_x топилсин.

981. $x = \sin^2 t, \quad y = \cos^2 t, \quad 0 < t < \frac{\pi}{2}$

982. $x = e^{-t}, \quad y = t^3, \quad -\infty < t < +\infty$

983. $x = a\cos t, \quad y = b\sin t, \quad 0 < t < \pi$

984. $x = a \quad \mathrm{ch}t, \quad y = b \quad \mathrm{sh}t, \quad -\infty < t < 0$

985. $x = t^2 + 6t + 5, \quad y = \frac{t^3 - 54}{t}, \quad 0 < t < +\infty$

986. $x = (t-1)^2(t-2), \quad y = (t-1)^2(t-3), \quad \frac{5}{3} < t < +\infty$

987. $x = a(t - \sin t), \quad y = a(1 - \cos t), \quad -\infty < t < +\infty$

988. $x = \ln\sin\frac{t}{2}, \quad y = \ln\sin t, \quad 0 < t < \pi$

Параметрик кўринишда берилган $x = x(y)$ функция учун x'_y топилсин:

989. $x = t + 2t^2 + t^3, \quad y = -2 + 3t - t^3, \quad 1 < t < +\infty$

989. $x = (t^3 - 2t^2 + 3t - 4)e^t, \quad y = (t^3 - 2t^2 + 4t - 4)e^t, \quad 1 < t < +\infty$

990. $x = ctg2t, \quad y = \dfrac{2\cos 2t - 1}{2\cos t}, \quad 0 < t < \dfrac{\pi}{2}.$

$r = r(\varphi)$ тенглама билан берилган $y = y(x)$ функция учун $y'(x_0)$ топилсин (бу ерда r ва $\varphi - (x; y)$ нуқтанинг қутб координаталари):

991. $r = a\varphi, \quad \dfrac{4\pi}{3} < \varphi < 2\pi, \quad x_0 = 0$

992. $r = e^{\varphi}, \quad -\dfrac{\pi}{6} < \varphi < \dfrac{\pi}{6}, \quad x_0 = 1$

993. $r = a\sqrt{\cos 2\varphi}, \quad 0 < \varphi < \dfrac{\pi}{4}, \quad x_0 = \dfrac{a\sqrt{6}}{4}$

Қуйидаги тенгламалар ёрдамида берилган ошкормас $y(x)$ функциянинг ҳосиласи топилсин:

994. $y^5 + y^3 + y - x = 0$

995. $y - x = \varepsilon \sin y, \quad |\varepsilon| < 1$

996. $y^2 = 2px, \quad y > 0$

997. $\dfrac{x^2}{a^2} - \dfrac{y^2}{b^2} = 1, \quad y > 0$

998. $(2a - x)y^2 = x^3, \quad y < 0$

999. $\sqrt{x} + \sqrt{y} = 2$

1000. $x^{\frac{2}{3}} + y^{\frac{2}{3}} = a^{\frac{2}{3}}, \quad y > 0$

1001. $5x^2 + 9y^2 - 30x + 18y + 9 = 0, \quad y < -1$

1002. $x^2 - 4xy + 4y^2 + 4x - 3y - 7 = 0 \ , x < 2y - 1$

Қуйидаги мисолларда $y'(x_0)$ топилсин:

1003. а) $x^2 + y^2 - 6x + 10y - 2 = 0, \quad y > -5, \quad x_0 = 0$

б) $6xy+8y^2-12x-26y+11=0,\quad y<2,\quad x_0=\frac{11}{12}$

в) $e^y+xy=e,\quad y>0,\quad x_0=0$

г) $xy+\ln y=1,\quad y<e^2,\quad x_0=0$

Ҳосиланинг геометрик маъноси

$y=f(x)$ функция графиги абсциссалар ўқини қандай бурчак остида кесиб ўтиши аниқлансин:

1004. $y=\sin 3x$

1005. $y=\mathrm{tg}x$

1006. $y=\ln|x|$

1007. $y=1-e^x$

1008. $y=\mathrm{arctg}\alpha x,\quad \alpha>0$

1009. $x=(t-1)^2(t-2),\quad y=(t-1)^2(t-3),\quad 2<t<+\infty$

1010. $y=\frac{3at}{t^3+1},\quad y=\frac{3at^2}{t^3+1},\quad -1<t<\frac{1}{2}$

1011. $x^2+y^2+2y-9=0,\quad y>-1$

Қандай нуқталарда қуйидаги $y=f(x)$ функция графигига ўтказилган уринмалар абсцисса ўқига параллел бўлади?

1012. $y=2x^3-3x^2-12x+7$

1013. $y=3x^4+4x^3-12x^2-1$

1014. $y=3x^4-28x^3-6x^2+84x+1$

1015. $y=\cos 2x-5\cos x$

1016. $y=\left(3-x^2\right)\cdot e^x$

1017. $y=\frac{(2-x)^3}{(x-3)^2}$

1018. $y=|x-5|\cdot(x-3)^3$

1019. $x=\frac{t^3}{1+t^2},\quad y=\frac{t^3-2t^2}{1+t^2}$

1020. $x^2+2y^2+4x-4y=0,\quad y>1$

$y=f(x)$ функция графигига $(x_0, f(x_0))$ нуқтада ўтказилган уринманинг тенгламаси ёзилсин.

1021. $y=\sqrt{5-x^2}, \quad x_0=1$

1022. $y=\operatorname{arctg}2x, \quad x_0=0$

1023. $y=\ln\frac{x^2-2x+1}{x^2+x+1}, \quad x_0=0$

1024. $y=4\operatorname{ctg}x-\frac{\cos x}{\sin^2 x}, \quad x_0=\frac{\pi}{2}$

1025. $2x^2-4xy+y^2-2x+6y-3=0$ эгри чизиғига ўтказилган ва $(3;\ 4)$ нуқтадан ўтувчи уринмалар орасидаги бурчак топилсин.

$y=f(x)$ функция графигига $(x_0, f(x_0))$ нуқтада ўтказилган нормалнинг тенгламаси ёзилсин:

1026. $y=\cos 2x-2\sin x, \quad x_0=\pi$

1027. $y=\operatorname{arcctg}\frac{1}{x}, \quad x_0=1$

1028. $y=\frac{x^3}{(2-x)^2}, \quad x_0=6$

1029. $y=\frac{x}{\sqrt[3]{x+1}}, \quad x_0=-3$

1030. $y^2=2px, \quad y\geq 0, \quad x=x_0$

1031. $x=e^{2t}\cos^2 t, \quad y=e^{2t}\sin^2 t, \quad |t|<\frac{\pi}{4}, \quad t_0=\frac{\pi}{6}$

1032. $3x^2+2xy+2y^2+3x-4y=0$ эллипснинг $(-2;\ 1)$ нуқтасига ўтказилган нормалнинг тенгламаси ёзилсин.

Берилган эгри чизиқ графигига M нуқтада ўтказилган уринма ва нормалнинг тенгламаси ёзилсин:

1033. $x^3+y^2+2x-6=0, \quad M(-1;3)$

1034. $4x^3-3xy^2+6x^2-5xy-8y^2+9x+14=0, \quad M(-2;3)$

1035. $y^4-4x^4-6xy=0, \quad M(1;2)$

1036. $x^5+y^5-2xy=0, \quad M(1;1)$

1037. $(4-x)y^2=x^3, \quad M(x_0;y_0)$

1038. $\left(\frac{x}{a}\right)^n + \left(\frac{y}{b}\right)^n = 2,\ \ n \in N,\ \ M(a;b)$

1039. $x = t^2,\ \ y = t^3,\ \ M(4;8)$

1040. $x = \sqrt{2}\cos^3 t,\ \ y = \sqrt{2}\sin^3 t,\ \ M\left(\frac{1}{2};\frac{1}{2}\right)$

1041. $x = t\cos t,\ \ y = t\sin t,\ \ M\left(\frac{\pi\sqrt{2}}{8};\frac{\pi\sqrt{2}}{8}\right)$

1042. $x = \frac{1+t}{t^3},\ \ y = \frac{3}{2t^2} + \frac{1}{2t},\ \ M(2;2)$

1043. $x = \frac{2t-1}{t^2},\ \ y = \frac{3t^2-1}{t^3},\ \ M(1;2)$

Қуйидаги функциялар графикларининг кесишиш нуқталари топилсин ва қандай бурчак остида кесишишлари аниқлансин:

1044. $f_1(x) = x - x^3,\ \ f_2(x) = 5x$

1045. $f_1(x) = \sqrt{2}\sin x\ ,\ f_2(x) = \sqrt{2}\cos x$

1046. $f_1(x) = x^2,\ \ f_2(x) = x^3$

1047. $f_1(x) = \frac{1}{x}\ ,\ f_2(x) = \sqrt{x}$

1048. $f_1(x) = x^3,\ \ f_2(x) = \frac{1}{x^2}$

1049. $f_1(x) = \ln x\ ,\ f_2(x) = \frac{x^2}{2e}$

1050. $f_1(x) = x^2 - 4x + 4,\ \ f_2(x) = -x^2 + 6x - 4$

1051. $f_1(x) = 4x^2 + 2x - 8,\ \ f_2(x) = x^3 - x + 10$

Ҳосиланинг механик маъноси.

1052. $y = \sin\frac{1}{x}$ функциянинг $\left[\frac{2}{\pi};\frac{6}{\pi}\right]$ кесмадаги ўртача ўзгариш тезлиги аниқлансин.

1053. Массаси $\mathbf{m=1{,}5}$ бўлган жисм $\mathbf{S(t)=t^2+t+1}$ қонуни бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилади. Ҳаракат бошлангандан 5с дан кейин жисмнинг кинетик энергияси топилсин (масса кг да, йўл метр билан ўлчанади).

1054. Нуқта $\mathbf{y=8x-x^2}$ парабола бўйича шундай ҳаракат қиладики, унинг абсциссаси $\mathbf{x=\sqrt{t}}$ қонуни билан ўзгаради ($\mathbf{x}$-метр билан, $\mathbf{t}$-секунд билан ўлчанади). Ҳаракат бошлангандан 9с дан кейин нуқта ординатасининг ўзгариш тезлиги топилсин.

1055. Шарнинг радиуси 5см/с тезлик билан текис ўсади. Шарнинг радиуси 50см бўлган вақтда шар ҳажмининг ўзгариш тезлиги топилсин.

1056.Ғилдирак шундай айланадики, бурилиш бурчаги вақтнинг квадратига пропорционал. Биринчи айланишга 8с вақт кетди. Ҳаракат бошланганидан 64с дан кейин бурчак тезлиги топилсин.

1057.Абсцисса ўқи бўйича

$$\mathbf{x=100+5t,\quad x=\frac{t^2}{2}}$$

ҳаракат қонунлари билан иккита нуқта ҳаракатланмоқда. Ўзаро учрашиш моментида улар бир-биридан қандай тезлик билан узоқлашишади ($\mathbf{x}$-метр билан, $\mathbf{t}$-секунд билан ўлчанади)?

1058. Бошланғич $\boldsymbol{\vartheta_0}$ тезлик билан горизонтга α бурчак остида ташланган моддий нуқтанинг ҳаракат қонуни ҳаво қаршилигини ҳисобга олмаганда

$$\mathbf{x=(\vartheta_0\cos\alpha)t,\quad y=(\vartheta_0\sin\alpha)t-\frac{gt^2}{2}}$$

бу ерда $\mathbf{t}$-вақт, $\mathbf{g}$-оғирлик кучи тезланиши. Тезлик вектори координиталари ва тезлик миқдори аниқлансин.

2-§. Функция дифференциали

1^0. Функция дифференциали тушунчаси. $\mathbf{f(x)}$ функция $\mathbf{(a,b)}$ да берилган бўлиб, $\mathbf{x_0\in(a,b),\quad x_0+\Delta x\in(a,b)}$ бўлсин.

Агар функция орттирмаси $\mathbf{\Delta f(x_0)=f(x_0+\Delta x)-f(x_0)}$ ни ушбу

$$\Delta f(x_0) = A \cdot \Delta x + \alpha \cdot \Delta x \qquad (1)$$

кўринишда ифодалаш мумкин бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада **дифференциалланувчи** дейилади, бунда A миқдор Δx га боғлиқ бўлмаган ўзгармас, α эса $\Delta x \to 0$ да нолга интилади.

$f(x)$ функция x_0 нуқтада дифференциалланувчи бўлиши учун унинг шу нуқтада чекли $f'(x_0)$ ҳосилага эга бўлиши зарур ва етарли.

(1) ифодадаги

$$A \cdot \Delta x$$

қўшилувчи $f(x)$ функциянинг x_0 **нуқтадаги дифференциали** дейилади. Уни

$$f'(x_0) \cdot dx \qquad (A = f'(x_0), \quad \Delta x = dx)$$

каби ҳам ёзиш мумкин.

Функция дифференциали $df(x_0)$ каби ёзилади.

Демак,

$$df(x_0) = f'(x_0) \cdot dx \qquad (2)$$

2^0. Дифференциаллашнинг содда қоидалари. Айтайлик, $u = u(x), \quad v = v(x)$ дифференциалланувчи функциялар бўлсин. У ҳолда:

а) $d(\alpha \cdot u + \beta \cdot v) = \alpha \cdot du + \beta \cdot dv,$ бунда α ва β ихтиёрий ўзгармаслар;

б) $d(u \cdot v) = udv + vdu$;

в) $d\left(\frac{u}{v}\right) = \frac{vdu - udv}{v^2} \quad (v \neq 0)$

бўлади;

г)Агар $y = f(x), \quad x = \varphi(t)$ дифференциалланувчи функциялар бўлса, $y = f(\varphi(t))$ функция ҳам дифференциалланувчи бўлиб,

$$df(x) = f'(x)dx \qquad (dx = \varphi'(t)dt)$$

бўлади. (Бу дифференциал шаклининг **инвариантлиги** хоссасини ифодалайди).

3^0. Тақрибий ҳисоблаш формуласи. $f(x)$ функция x_0 нуқтада дифференциалланувчи бўлсин. Унда

$$\Delta f(x_0) = f(x_0 + \Delta x) - f(x_0) = f'(x_0) \cdot \Delta x + \alpha \cdot \Delta x$$

бўлиб, Δx етарлича кичик бўлганда ушбу

$$f(x_0 + \Delta x) - f(x_0) \approx f'(x_0) \cdot \Delta x$$

тақрибий формула ҳосил бўлади. Бу формулани қуйидагича

$$f(x) \approx f(x_0) + f'(x_0) \cdot (x - x_0) \qquad (3)$$

ҳам ёзиш мумкин.

1 – м и с о л . *Ушбу*

$$f(x) = \cos\frac{x}{3} + \sin\frac{3}{x}$$

функциянинг дифференциали топилсин.

◄Бу функциянинг дифференциалини (2) формуладан фойдаланиб топамиз:

$$df(x) = d\left(\cos\frac{x}{3} + \sin\frac{3}{x}\right) = \left(\cos\frac{x}{3} + \sin\frac{3}{x}\right)' \cdot dx = -\left(\frac{1}{3}\sin\frac{x}{3} + \frac{3}{x^2}\cos\frac{3}{x}\right)dx . ►$$

2 – м и с о л . ***Агар*** $u = u(x), \quad v = v(x)$ ***дифференциалланувчи функциялар бўлса,***

$$y = \operatorname{arctg}\frac{u}{v}$$

нинг дифференциали топилсин.

◀Дифференциал шаклининг инвариантлиги хоссасидан фойдаланиб топамиз:

$$dy = d\left(\operatorname{arctg}\frac{u}{v}\right) = \frac{1}{1+\left(\frac{u}{v}\right)^2} d\left(\frac{u}{v}\right) = \frac{1}{1+\left(\frac{u}{v}\right)^2}\cdot\frac{vdu - udv}{v^2} = \frac{vdu - udv}{u^2 + v^2}$$ ▶

3 – м и с о л . ***Ушбу***

$$\alpha = \sqrt[4]{17}$$

миқдорнинг тақрибий қиймати тописин.

◀(3) формулада

$f(x) = \sqrt[4]{x}, \quad x = 17, \quad x_0 = 16$ дейилса, унда $\Delta x = x - x_0 = 1$ бўлиб,

$$\sqrt[4]{17} \approx f(x_0) + f'(x_0)\cdot\Delta x = 2 + \frac{1}{32}\cdot 1 = \frac{65}{32} \approx 2{,}031$$

бўлади. Демак, $\alpha = 2{,}031$.▶

1059. $y = (x-1)^3$ функция орттирмаси билан дифференциалининг айирмаси топилсин.

Функция дифференциали топилсин:

1060. $y = \frac{1}{x}$

1061. $y = \frac{1}{a}\operatorname{arctg}\frac{x}{a} \qquad (a \neq 0)$

1062. $y = \frac{1}{2a}\ln\left|\frac{x-a}{x+a}\right|$

1063. $y = \ln\left|x + \sqrt{x^2 + a}\right|$

1064. $y = \arcsin\frac{x}{a} \qquad (a \neq 0)$

Дифференциал топилсин:

1065. $d\left(e^{-x} + \ln x\right)$

1066. $d\left(\sqrt{x} + 2\sqrt{x + \sqrt{x}}\right)$

1067. $d\left(2\sqrt{x^3}(3\ln x - 2)\right)$

1068. $d\left(\arccos e^x\right)$

$$1069.\ d\ln\left(\sqrt{1+2\sin x}+\sqrt{2\sin x-1}\right)$$

$$1070.\ d\left(5\mathrm{sh}^7\left(\frac{x}{35}\right)+7\mathrm{sh}^5\left(\frac{x}{35}\right)\right)$$

$$1071.\ d\left(\frac{\arcsin x}{\sqrt{1-x^2}}+\ln\sqrt{\frac{1-x}{1+x}}\right)$$

$$1072.\ d\left(\ln\frac{1+\sqrt{\sin x}}{1-\sqrt{\sin x}}+2\,\mathrm{arctg}\sqrt{\sin x}\right)$$

$$1073.\ d\left(x^{x^2}\right)$$

Кўрсатилган нуқталардаги дифференциал топилсин:

$$1074.\ d\left(\frac{1}{x}+\ln\frac{x-1}{x}\right),\quad x=-1$$

$$1075.\ d\left(\mathrm{arctg}\frac{\ln x}{x}\right),\quad x_1=\frac{1}{e},\quad x_2=e$$

$$1076.\ d\left(\frac{(2x-1)^3\sqrt{2+3x}}{(5x+4)^2\sqrt[3]{1-x}}\right),\quad x=0$$

$$1077.\ d\left(\frac{x^2 2^x}{x^x}\right),\quad x_1=1,\quad x_2=2$$

Агар u, ϑ, ω лар x нинг дифференциалланувчи функциялари бўлса, $y=y(x)$ функциянинг дифференциали топилсин:

$$1078.\ y=u\vartheta\omega$$

$$1079.\ y=\frac{u}{\vartheta^2}$$

$$1080.\ y=\frac{1}{\sqrt{u^2+\vartheta^2}}$$

$$1081.\ y=\mathrm{arctg}\frac{u}{\vartheta}$$

$$1082.\ y=\ln\sqrt{u^2+\vartheta^2}$$

Топилсин:

$$1083.\ \frac{d}{d(x^3)}\left(x^3-2x^6-x^9\right)$$

$$1084.\ \frac{d}{d(x^2)}\left(\frac{\sin x}{x}\right)$$

$$1085.\ \frac{d(\sin x)}{d(\cos x)}$$

$$1086.\ \frac{d(\mathrm{tg}x)}{d(\mathrm{ctg}x)}$$

$$1087.\ \frac{d(\arcsin x)}{d(\arccos x)}$$

Қуйидаги ошкормас ёки параметрик кўринишда берилган $y=y(x)$ функциянинг кўрсатилган нуқтадаги дифференциали топилсин:

$$1088.\ y^3-y=6x^2,\quad (1;2)$$

$$1089\ x^4+y^4-8x^2-10y^2+16=0,\quad (1;3)$$

$1090.\ y^5+x^4=xy^2,\ \ (x_0;y_0)$

$1091.\ x+y\ln y=0,\ \ (x_0;y_0)$

$1092.\ xy-\sqrt[3]{xy^2+6}=0,\ \ (2;1)$

$1093.\ xe^{\left(\frac{x}{y^2}-1\right)}-2y=0,\ \ (4;2)$

$1094.\ 3^{\sin yx^2}-3x(y-\pi)-1=0,\ \ (1;\pi)$

$1095.\ 4xy^3+\ln\sqrt[3]{\frac{x}{x+y}}=0,\ \ (1;0)$

$1096.\ x=(t-1)^2(t-2),\ \ y=(t-1)^2(t-3),\ \ (4;0)$

$1097.\ x=\frac{e^t}{t},\ \ y=(t-1)^2\cdot e^t,\ \ \left(-\frac{2}{\sqrt{e}};\frac{9}{4\sqrt{e}}\right)$

Функция орттирмасини дифференциал билан алмаштириб, қуйидаги қийматлар тақрибий ҳисоблансин:

$1098.\ \sqrt[3]{1,02}$ $\qquad 1099.\ \sin 29^0$ $\qquad 1100.\ \cos 151^0$

$1101.\ \mathrm{arctg}1,05$ $\qquad 1102.\ \lg 11$

3-§. Функциянинг юқори тартибли ҳосила ва дифференциаллари

1^0. Юқори тартибли ҳосила тушунчаси. $f(x)$ функция (a,b) да $f'(x)$ ҳосилага эга бўлсин. Уни $g(x)$ дейлик:

$$g(x)=f'(x)\qquad (x\in(a,b))$$

$g(x)$ функциянинг $x_0\in(a,b)$ нуқтадаги ҳосиласи $g'(x_0)$ га $f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги **иккинчи тартибли ҳосиласи** дейилади ва

$$f''(x_0)\qquad \text{ёки}\qquad \frac{d^2f(x_0)}{dx^2}$$

каби белгиланади.

Худди шунга ўхшаш $f(x)$ функциянинг **3-тартибли, 4-тартибли** ва ҳ.к. тартибли ҳосилалари таърифланади. Умуман,

$$f^{(n)}(x)=\left(f^{(n-1)}(x)\right)'\qquad (n=2,3,...).$$

2^0. Содда қоидалар. Айтайлик, $f(x)$ ва $g(x)$ функциялари (a,b) да $f^{(n)}(x)$ ва $g^{(n)}(x)$ ҳосилаларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) $\left(c\cdot f(x)\right)^{(n)}=c\cdot f^{(n)}(x),\quad c=\mathrm{const}$;

2) $\left(f(x)\pm g(x)\right)^{(n)}=f^{(n)}(x)\pm g^{(n)}(x)$;

3) $\left(f(x)\cdot g(x)\right)^{(n)}=\sum_{k=0}^{n}C_n^k f^{(k)}(x)\cdot g^{(n-k)}(x)$

$$\left(C_n^k=\frac{n(n-1)\cdots(n-k+1)}{k!},\ f^{(0)}(x)=f(x)\right) \tag{1}$$

бўлади. (1) формула **Лейбниц формуласи** дейилади.

3^0. Асосий формулалар:

1) $\left(a^x\right)^{(n)}=a^x\ln^n a\quad (a>0);\qquad \left(e^x\right)^{(n)}=e^x$,

2) $(\sin x)^{(n)}=\sin\left(x+n\frac{\pi}{2}\right)$,

3) $(\cos x)^{(n)}=\cos\left(x+n\frac{\pi}{2}\right)$,

4) $\left(x^m\right)^{(n)}=m(m-1)\ldots(m-n+1)x^{m-n}$,

5) $(\ln x)^{(n)}=\frac{(-1)^{n-1}\cdot(n-1)!}{x^n}$.

4^0. Юқори тартибли дифференциал тушунчаси. $f(x)$ функция (a,b) да $f'(x)$ ҳосилага эга бўлсин. Уни

$$f'(x)=g(x)\qquad (x\in(a,b))$$

дейлик.

Агар $g(x)$ функция $x_0\in(a,b)$ да дифференциалланувчи бўлса, $f(x)$ функция x_0 нуқтада **икки марта дифференциалланувчи** дейилади.

Айтайлик, $f(x)$ функция $x\in(a,b)$ нуқтада икки марта дифференциалланувчи бўлсин. Бу функция дифференциали $df(x)$ нинг дифференциали

$$d(df(x))$$

га $f(x)$ функциянинг **иккинчи тартибли дифференциали** дейилади. Уни $d^2f(x)$ каби белгиланади:

$$d^2f(x)=d(df(x)).$$

Функциянинг иккинчи тартибли дифференциали

$$d^2f(x)=f''(x)dx^2$$

бўлади.

Худди шунга ўхшаш $f(x)$ функциянинг 3-тартибли,4-тартибли ва ҳ.к. тартибли дифференциаллари таърифланади. Умуман,

$$d^nf(x)=d\left(d^{n-1}f(x)\right)\qquad (n=2,3,\cdots)$$

бўлиб,

$$d^nf(x)=f^{(n)}(x)dx^n$$

бўлади.

5^0. **Содда қоидалар.** $f(x)$ ва $g(x)$ функциялари (a,b) да $d^n f(x)$ ва $d^n g(x)$ дифференциалларга эга бўлсин. У ҳолда:

1) $d^n(c\cdot f(x)) = c\cdot d^n f(x), \quad c = const$;

2) $d^n(f(x)\pm g(x)) = d^n f(x)\pm d^n g(x)$;

3) $d^n(f(x)\cdot g(x)) = \sum_{k=0}^{n} C_n^k d^k f(x)\cdot d^{n-k} g(x)$

бўлади.

1 – м и с о л . ***Ушбу***

$$f(x) = |x|^3$$

функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи топилсин.

◀Айтайлик, $x\neq 0$ бўлсин, Унда

$$f(x) = \begin{cases} x^3, & \text{агар } x>0, \\ -x^3, & \text{агар } x<0 \end{cases}$$

бўлиб,

$$f'(x) = \begin{cases} 3x^2, & \text{агар } x>0, \\ -3x^2, & \text{агар } x<0 \end{cases}$$

бўлади.

Айтайлик, $x=0$ бўлсин. Бу ҳолда таърифга биноан

$$f'(0) = \lim_{\Delta x\to 0}\frac{f(0+\Delta x)-f(0)}{\Delta x} = \lim_{\Delta x\to 0}\frac{|\Delta x|^3}{\Delta x} = 0$$

бўлади.

Демак, берилган функция x нинг барча қийматларида ҳосилага эга бўлиб,

$$f'(x) = 3x^2 \operatorname{sign} x$$

бўлади.

Худди юқоридагидек, $x\neq 0$ бўлганда

$$f''(x) = \begin{cases} 6x, & \text{агар } x>0, \\ -6x, & \text{агар } x<0, \end{cases} \qquad x=0$$

бўлган

